

**Таъсисчи:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

**Саҳифаловчи**

Д. Х. Хамидуллаев

**Муқова дизайнери**

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

**Таҳририят манзили:**

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотнома-си»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «VNESHINVESTPROM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

Босишга рухсат этилди 25.06.2013.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2013.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2013 йил, 2-сон

**МУНДАРИЖА****Долзарб мавзу****Актуальная тема**

|  |  |
|--|--|
| <i>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш</i> .....3                |  |
| <i>Икрамов Ш.Т.</i>  |  |
| Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари.....4                                      |  |
| <i>Исмаилов И.</i>   |  |
| Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси юридик фанлар кафедраларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....9        |  |
| <i>Қобилов Ш.Р.</i>  |  |
| Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг айрим муаммолари.....14 |  |

## **Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш**

### **Правовые реформы и совершенствование законодательства**

|   |  |
|---|--|
| <i>Рўзиназаров Ш.</i>   |  |
| Ўзбекистонда юридик фанни модернизация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илмий-методологик доктринаси.....17 |  |
| <i>Таджиханов Б.У.</i>  |  |
| Правовая политика Республики Узбекистан: некоторые аспекты содержания и прогнозного обеспечения.....28          |  |

### **Инсон ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида**

#### **Права человека – под защитой закона**

|  |  |
|--|--|
| <i>Турғунов И.</i>   |  |
| Инсон ҳуқуқлари маданияти: тушунчаси ва юридик мазмуни.....33                          |  |
| <i>Саидов Б.А.</i>   |  |
| «Хабеас корпус» институтининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни.....39 |  |

**Учредитель:**

Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакционная коллегия**

Ш.Т. Икрамов (главный редактор),  
Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),  
А. А. Хамдамов, У. Х. Мухамедов,  
Д. М. Миразов, О. Оқюлов,  
М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

**Редакторы номера**

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

**Верстка**

Д. Х. Хамидуллаев

**Дизайн обложки**

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

**Адрес редакции:**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
e-mail: akadmvд@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «VNESHINVESTPROM». г. Ташкент, ул. Лангар, д. 78.

Подписано в печать 25.06.2013.

Заказ №

© Академия МВД

Республики Узбекистан, 2013.

**Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот****Духовность и правовая пропаганда**

*Одилқориев Х.Т.*

Ҳуқуқий тарғибот: моҳияти, тузилиши ва механизми.....42

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари****Проблемы профилактики правонарушений и обеспечения общественной безопасности**

*Зиёдуллаев М.З.*

Милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқариш: такомиллаштириш йўналишлари .....48

*Отажонов А. А.*

Жиноятда иштирокчиликнинг объектив белгилари ва уларнинг жинойий-ҳуқуқий аҳамияти.....53

*Бутунбаев Т.Н.*

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда ҳисоблаш техника воситаларини кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг хусусиятлари.....58

*Рашидов Б.Н., Турдиев Л.З.*

Гаров эҳтиёт чораси ва уни қўллаш тартиби.....61

*Селиманова С.М.*

Юридическая ответственность за нарушение правил лицензирования отдельных видов деятельности.....65

*Шойжигитов А.Ш.*

Ички ишлар идоралари ахборот-таҳлил ишининг моҳияти ва уни такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар.....70

**Ички ишлар идораларида касб этикаси ва психология****Профессиональная этика и психология в органах внутренних дел**

*Зухиров Й.М.*

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқи ҳақида .....74

*Аззамова Е.Ю., Фарфиев Ё.А.*

Ички ишлар идоралари ходимларининг девиант хулқ-атвори профилактикасининг педагогик-психологик жиҳатлари.....78

**Хорижий тажриба****Зарубежный опыт**

*Мартыненко И.Э.*

Криминализация деяний против историко-культурного наследия (сравнительно-правовой аспект).....84

*Тўраева Д. Р.*

Жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишда АҚШ тажрибасига оид баъзи мулоҳазалар.....93

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2013 йилнинг 27 март куни ИИВ Академиясида «ИИВ тизимида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 4456-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори талабларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари, Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институти, Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари вакиллари ҳамда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференция жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган олий таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни босқичма-босқич амалга

ошириш, етакчи олимлар томонидан тегишли ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун ИИВнинг тегишли соҳавий хизматлари билан келишилган ҳолда ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига бағишланган долзарб диссертация мавзулари базасини шакллантириш ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг хорижий тилларни билиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилиятларини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари фуқаролик институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўртасида ҳамкорлик доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлардаги долзарб илмий-техникавий муаммоларни ечишга қаратилган муҳим вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи давлат буюртмаси асосида бажариладиган ҳамда молиялаштириладиган, фундаментал ва амалий илмий-техника дастури лойиҳаларида иштирок этиш механизмини, айниқса, бу йўналишда ёш олимларнинг фундаментал тадқиқотлари танловида иштирок этишини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Конференция якунида ИИВ олий таълим муассасалари, шунингдек турдош олий таълим муассасаларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қуйида Ички ишлар вазирлиги Академиясида илмий-педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжумандаги илмий маърузалар «Долзарб мавзу» рукни остида ҳавола этилмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИДА  
ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар идоралари учун юқори малакали мутахассис кадрлар, шу жумладан раҳбар кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг малакасини оширадиган мамлакатимиздаги етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Академия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, унга ички ишлар идоралари учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бирга, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш муаммоларини тадқиқ этиш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Мустақилликнинг ўтган даврида Академияда илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинган.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси қошида 1993 йилдан 2004 йилга қадар «12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи», «12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия; жиноят-ижроия ҳуқуқи» ва «12.00.09 – Жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси» ихтисосликлари бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимояси юзасидан Ихтисослашган кенгаш фаолият олиб борган. Ушбу даврда Ихтисослашган кенгашда 12 та докторлик, 64 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги 442-69-сонли қарорининг қабул қилиниши Академияда ички ишлар идоралари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилди. Унга асосан, «Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти» мутахассислиги бўйича раҳбар

кадрлар тайёрлайдиган *Олий академик курслари*; «Тезкор-қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти», «Тергов фаолияти» ва «Эксперт-криминалистик фаолият» мутахассисликлари бўйича офицер кадрларни тайёрлайдиган *кундузги таълим хамда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари* фаолияти йўлга қўйилди.

Бироқ, ИИВ Академиясида бир босқичли кундузги таълимнинг жорий этилиши ва магистратура факультетининг тугатилиши хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ўрнатилган талабларда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун талабгорларнинг магистратура дипломи ва магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиши лозимлиги белгилангани сабабли 2004–2013 йиллар давомида ИИВ Академиясида илмий салоҳиятнинг сезиларли даражада камайиши кузатилди. Хусусан, Академияда 2004 йилда 144 нафар илмий даражага эга ходимлар (33 нафар фан доктори ва 111 нафар фан номзоди), 84 нафар илмий унвонга эга ходимлар (33 нафар профессор, 47 нафар доцент ва 4 нафар катта илмий ходим) фаолият олиб борган бўлса, 2013 йилга келиб илмий даражага эга ходимлар 105 нафарни (26 нафар фан доктори ва 79 нафар фан номзоди) ва илмий унвонга эга ходимлар 71 нафарни (12 нафар профессор, 59 нафар доцент ва 3 нафар катта илмий ходим) ташкил қилади.

2004–2013 йиллар давомида Академияда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, диссертация ишларини тайёр ҳолатга келтирган 114 нафар тадқиқотчи-изланувчилардан 54 нафари диссертация ишларини (10 нафари докторлик диссертациясини, 44 нафари номзодлик диссертациясини) муваффақиятли

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи.

---

химоя қилган бўлса, 60 нафари эса дипломлари илмий-тадқиқот ишларини химояга олиб чиқиш бўйича амалдаги талабларга жавоб бермаганлиги сабабли, номзодлик диссертацияларини химоя қила олмаганлар.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарорининг қабул қилиниши мамлакатимиздаги бошқа олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари қаторида ИИВ Академиясида ҳам илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқди.

Айниқса, юқорида айтиб ўтилган қарорнинг қабул қилиниши сўнги йилларда Академия илмий салоҳиятини юксалтиришга бир неча йиллардан бери тўсқинлик қилиб келган омиллардан бири – Академия битирувчиларининг дипломи билан диссертация ишларини химоя қилишнинг чекланганлиги масаласининг ечимини топишга хизмат қилди.

Мазкур қарор билан Ички ишлар вазирлиги Академияси дипломининг олий таълим муассасаси магистратура дипломига тенглаштирилгани, эндиликда Академия битирувчиларига белгиланган талаблар асосида докторлик диссертацияси устида ишлаш имконини берди.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2013 йил 4 мартдаги 34-сонли буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларининг Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом талаблари асосида Вазирлик Академиясида Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини ташкил этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Академияда жорий йилда белгиланган тадбирларни амалга ошириш асосида, 2014 йилнинг 1 январидан институтда 1-босқич катта илмий-ходим изланувчиларнинг ўқиши бошланиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Академияда 15 нафар фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган фан докторлари мавжуд бўлиб,

---

уларнинг 11 нафарини етакчи ҳуқуқшунос олимлар, 4 нафарини ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича етакчи олимлар ташкил этади.

Ҳозир ушбу олимлар томонидан юридик фанлар тегишли ихтисосликлари бўйича 30 дан ортиқ, ижтимоий-гуманитар фанлар тегишли ихтисосликлари бўйича 15 дан ортиқ докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мавзулари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир уларни Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг докторлик диссертациялари мавзуларининг маълумотлар базасига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, айни пайтда Академия ходимлари орасида докторлик диссертация мавзуларини илгари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси бюллетенида эълон қилган ўндан ортиқ тадқиқотчи-изланувчиларнинг докторлик диссертацияси мавзулари белгиланган тартибда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасидаги докторлик диссертациялари мавзуларининг маълумотлар базасига тўғридан-тўғри киритилди. Бу эса мазкур мавзулар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ходимларнинг 2013 йилнинг ўзидан мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришларига имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг мурожаати билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2012 йил 20 сентябрдаги 189/1-сонли қарори асосида илгари мавжуд бўлган 12.00.02 ихтисослиги номланишини «Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи» таҳририда, 12.00.08 ихтисослиги номланишини эса «Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, криминалогия, жиноят-ижроия ҳуқуқи» таҳририда ўзгартирилганлиги Академияда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалаларни самарали тадқиқ қилишга имкон берадиган ижобий ишлардан бири бўлди.

Бугунги кунда ушбу соҳада олдимизда турган асосий вазифалардан бири – Академияда «12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи» ихтисослиги бўйича ёпиқ, «12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, криминалогия, жиноят-ижроия ҳуқуқи», «12.00.09 – Жиноят процесси, криминалис-

тика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси» ихтисосликлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи очиқ ва ёпиқ Илмий кенгашлар очиш масаласи ҳисобланади.

**Фан доктори илмий даражасини берувчи ушбу Илмий кенгашлар очиш заруриятини қуйидагилар билан асослаш мумкин:**

– 12.00.02 ихтисослигига кирувчи *Маъмурий ҳуқуқ* соҳасининг асосий йўналишларидан бири – ички ишлар идоралари фаолиятини бошқариш, ички ишлар идораларининг маъмурий фаолияти ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ва унинг тизимига кирувчи соҳавий хизматлар (жамоат тартибини сақлаш ва патрул-пост хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, қўриқлаш хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, ташкилий-инспекторлик хизмати ва бошқа хизматлар)нинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, уларнинг ўзаро ҳамда бошқа давлат идоралари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш соҳаларида бир қатор муаммолар мавжуд. Шунингдек, бундай муаммоларни ички ишлар идораларининг ички ташкилий фаолиятида, хусусан кадрлар билан ишлашни ташкил этиш, фаолиятни режалаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, назорат қилиш, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини ташкил этиш соҳаларида ҳам кўп учратиш мумкин. Қолаверса, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар ички ишлар идоралари фаолиятини замон билан ҳамнафасликда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Бу эса, ўз-ўзидан нафақат амалий чоратadbирларни бажаришни, қолаверса чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади. Бундай тадқиқот ишлари, албатта, махсус касбий билим ва тажрибага, зарур бўлганда махсус маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши, шунга монанд етакчи олимлар йиғилган Илмий кенгашда ҳимоя қилиниши лозим.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг яна бир муҳим йўналиши – маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий юрисдикциявий фаолият ҳисобланиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган 86 та маъмурий ҳуқуқбузарлик турлари ички ишлар идораларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади. Бу

мазкур кодексда белгиланган жами маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 30,8 фоизини ташкил этади. Қолаверса, МЖТҚда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқланади ва тегишли маъмурий процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий жазо қўллаш учун ваколатли идоралар ва мансабдор шахсларга тақдим этилади. Ички ишлар идораларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, маъмурий юрисдикциявий фаолиятини таъминлаш соҳасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар ҳам ушбу соҳада чуқур комплекс илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади;

– 12.00.08 ихтисослигига кирувчи *Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш* соҳаси ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти кенг қамровли бўлиб, ўзининг муайян турлари, шакл ва усулларига эга. Қолаверса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг вояга етмаганлар ўртасидаги, оила-турмуш доирасидаги ва рецидив жиноятларнинг олдини олиш каби асосий йўналишлари бўйича фаолиятни ташкил этишнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистонда қарор топган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими фаолияти ҳам муаммо ва камчиликлардан холи эмас. Айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида оила ва жамоат тузилмалари, таълим муассасаларининг ролини ошириш, ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг улар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси эса ушбу соҳада чуқур, комплекс илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳаси давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулларда милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларнинг инфратузилмасини, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор

---

Ҳукумат қарорлари қабул қилинганлиги ушбу йўналиш бўйича фан доктори даражасида диссертация тадқиқотларини олиб боришни, уларни ҳимоя қилишга қодир Илмий кенгашларни очишни талаб қилади.

12.00.08 ихтисослигига кирувчи *Жинойт-ижроия ҳуқуқи* соҳаси ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида чуқур ўрганилади, қолаверса уларда ички ишлар идораларининг асосий хизматларидан бири бўлган Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимларига юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида илм-фанда жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳаси энг кам тадқиқ этилган соҳалардан бири бўлиб келган. Чунки, ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам тадқиқотчидан муайян касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлишни, жинойи жазони ижро этиш тизими, унинг ўзига хос хусусиятларини билишни талаб қилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи фанини ўрганиш, бу борада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш орқали ушбу соҳани ривожлантиришда Вазирлик Академияси келгусида муҳим ўрин тутди деб айта оламиз;

– 12.00.09 ихтисослигига кирувчи *Жиноят процесси* соҳаси жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва унга қарши кураш фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Унинг асосини ташкил қиладиган суриштирув ва тергов фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, мазкур фаолиятни таъминлашда ички ишлар идораларининг суриштирув ва дастлабки тергов идоралари катта рол ўйнайди.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига мувофиқ, 120 дан ортиқ жиноятлар бевосита ички ишлар идоралари дастлабки тергов идоралари терговига тегишли бўлиб, мазкур кўрсаткич Жиноят кодексининг махсус қисмида ўз ифодасини топган барча жиноятларнинг 52,4 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу модданинг 6-бандига мувофиқ, ички ишлар идораларининг дастлабки тергов хизматлари Жиноят кодексига белгиланган 20 турдаги жиноят бўйича ишни қўзғатганда дастлабки терговни олиб бориши белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда юритувда бўлган жиноят ишларининг 90 фоизидан ортиғи бевосита ички ишлар

идораларининг дастлабки тергов хизматлари зиммасига тўғри келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, жамиятда ички ишлар идоралари тергов бўлинмалари терговига тегишли бўлган жиноятлар бошқа идораларининг терговига тегишли бўлган жиноятларга нисбатан бир неча бор кўп содир этилади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, жиноят қонунини либераллаштириш жараёнида жорий этилган ҳамда Жиноят процессида истиқболли бўлган институтлардан бири – яраштириш институти бўлиб, амалдаги Жиноят кодексининг 661-моддасида кўрсатилган жиноят турлари бўйича яраштирув ишларини юритиш ҳам бевосита ички ишлар идоралари тергов хизматлари терговига тегишли.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг асосий вазифаларини таъминлаш учун суриштирув ва дастлабки тергов идоралари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш лозим. Ички ишлар идоралари тизимида ҳам суриштирув, ҳам тергов идораларининг мавжудлиги бу вазифаларни ижобий ҳал этиш учун қулай замин яратади.

Кўрсатилган омилларнинг барчаси эса ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилишда ИИВ Академиясида катта имкониятлар мавжудлигини инobatга олиш лозимлигини кўрсатмоқда.

12.00.09 ихтисослигига кирувчи *Криминалистика ва суд экспертизаси* соҳаси содир этилган жиноятларни тез ва сифатли очиш, жиноят излари ва ашёвий далилларни аниқлаш, олиш ва тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикаимизда ҳар йили жиноят ишлари бўйича ўтказилаётган криминалистик экспертизаларнинг 70 фоиздан ортиғи бевосита ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматлари ҳиссасига тўғри келади. Қолаверса, содир этилган жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик таъминоти ва зарур криминалистик тадқиқотлар фақат ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматлари мутахассислари томонидан амалга оширилишини инobatга олганда ушбу соҳада ҳам докторлик диссертацияси даражасидаги чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, уларни ҳимоя қилиш борасида Вазирлик Академиясининг имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин. Академияда ушбу ихтисослик йўналишида докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Илмий кенгашнинг

---

очилиши нафақат ушбу соҳани ривожлантириш, қолаверса республикаимиздаги барча экспертиза муассасалари, жумладан Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза маркази мутахассисларини ҳам илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш, улар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Ушбу ихтисослик таркибига кирувчи *Тезкор-қидирув ҳуқуқ* ва суд экспертизаси соҳалари ҳам иккита йирик ва муҳим фаолиятни ўз ичига олган. Тезкор-қидирув ҳуқуқининг предметини тезкор-қидирув фаолиятининг моҳияти, асосий вазифалари, шакл ва усуллари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширувчи бўлинмаларнинг ҳуқуқий мақоми, улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши тезкор-қидирув ҳуқуқи соҳасини янада ривожлантиришга туртки бўлди. Қонунда тезкор-қидирув фаолияти билан ички ишлар идоралари, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура идоралари қошидаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва давлат божхона хизматида ташкил этилган махсус бўлинмалар шуғулланиши белгиланган бўлиб, бу соҳада айниқса ички ишлар идоралари тезкор-қидирув хизматлари муҳим ўрин тутди.

Мазкур қонун нормаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, ички ишлар идоралари тезкор-қидирув хизматлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бу борада чуқур, комплекс илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ички ишлар идоралари тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мавжуд ўқув ва илмий адабиётларнинг аксарияти махфийлик грифига эгаллиги сабабли, бу нафақат ушбу соҳада илмий-тадқиқот олиб борган тадқиқотчи-изланувчилардан, қолаверса уни ҳимояга қабул қилувчи Илмий кенгаш аъзоларидан махфий ҳужжатлар билан ишлаш руҳсатига эга бўлишни талаб қилади. Бинобарин, ўтган йиллар давомида Академияда ушбу йўналишда бир қатор диссертация ишлари тайёрланган бўлса-да, уларни ҳимояга қабул қилишга ваколатли Ихтисослашган кенгаш республикаимизда мавжуд эмаслиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатидан ИИВ Академиясида бир марталик Ихтисослашган

---

кенгаш тузишга руҳсат олинди ҳамда унда 2 нафар тадқиқотчининг номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинишига эришилди.

ИИВ Академиясида 12.00.09 ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашни очиш бундай муаммолар юзага келишининг олдини олиш, ушбу соҳада бажарилган докторлик диссертацияларини самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

Айтиб ўтилган йўналишлардаги муаммолар, ўз ечимини кутаётган масалалар бу борада докторлик диссертациялари даражасида чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади. Шуни қувонч билан айтиш керакки, бундай илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қодир бўлган ёш авлод Академияда талайгина. Ҳозир Академиянинг ҳар бир кафедраси қошида илмий тўғараклар ташкил этилган бўлиб, уларда профессор-ўқитувчилар томонидан тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш ишлари йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Буни биз олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги Республика фан олимпиадасида Академия тингловчилари муваффақиятли иштирок этиб, фан олимпиадасининг республика босқичида Шохжаҳонбек Қосимов «Ҳуқуқшунослик» фанидан 22 та турдош Олий таълим муассасалари талабалари орасида фахрли 1-ўринни эгаллаганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада таъкидлаганидек, «Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор». Бу эса, юқорида айтиб ўтилганидек, мазкур соҳада илмий-тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик илмини ривожлантириш, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, етук илмий салоҳиятга эга янги олимлар авлодини яратишнинг янги тарихий палласи бўлган бугунги кунда ташкил этилган ушбу конференция бу борада олдимизда турган асосий вазифаларни белгилаб олиш, мавжуд муаммо ва қийинчиликларни ижобий ҳал қилишда ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ ЮРИДИК ФАНЛАР  
КАФЕДРАЛАРИДА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ  
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 июль фармони таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, *бир томондан*, фан соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишни юқори технологияларга асосланган янги босқичга кўтаришни таъминлашга, *иккинчи томондан*, таълим-тарбия жараёнининг марказий субъекти ҳисобланган илмий-педагогларнинг ҳар қандай рақобатга жавоб бера оладиган етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлайдиган янги авлодини шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда ИИВ Академиясида юридик ва махсус фанлар ўқитиладиган 13 та кафедра, 2 та цикл фаолият кўрсатмоқда. Айрим кафедраларда фақатгина юридик ёки махсус фанлар ўқитилса, баъзи кафедраларда ҳам юридик, ҳам махсус фанлар ўқитилади. Ушбу кафедралар уларда ўқитиладиган фанлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бири-биридан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу кафедраларда фаолият олиб борадиган профессор-ўқитувчиларга қўйиладиган талабларни белгилаб беради, десак тўғри бўлади. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий ҳуқуқ кафедраларида ўқитиладиган фанлар профессор-ўқитувчилардан чуқур назарий билимларга эга бўлишни талаб қилса, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ кафедраларида ўқитиладиган фанлар профессор-ўқитувчилардан чуқур назарий билимлар билан бирига, ушбу ҳуқуқ соҳасидаги норма-

ларни амалиётда қўллаш бўйича ҳам зарур билимларга эга бўлишни тақозо этади. Мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчиларидан эса чуқур назарий билимлар билан бир вақтда, ҳуқуқ нормаларини қўллаш, муаммоли ва фавқулодда вазиятларда қарор қабул қилиш бўйича бой амалий тажриба ҳам талаб қилинади.

Юқоридаги ҳолат ўз вақтида Академия юридик фанлар кафедралари учун олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини кўрсатади. Бундан ташқари, юридик фанлар кафедралари учун олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари кадрларни тайёрлаш ваколатига эга бўлган муассасалар имконияти, уларни тайёрлаш жараёнини ташкил этишнинг мазмун-моҳияти, шунингдек олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга бўлган хоҳиш-истакни рағбатлантирувчи омиллар билан ҳам белгиланади.

ИИВ Академияси юридик фанлар кафедралари учун олий малакали илмий-педагог кадрлар қаерларда тайёрланади, биз ушбу муассасалар имкониятидан қандай фойдаланяпмиз, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

1. Айрим таҳлилий маълумотларга эътибор қаратамиз. Кафедрада илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш бевосита унинг бошлиғи зиммасига юклатилган. Бугунги кунда Академия юридик фанлар кафедралари бошлиқларининг 11 нафари Академияни, 2 нафари Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Уларнинг 4 нафари юридик фанлар доктори, 9 нафари юридик фанлар номзо-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

---

ди. Кафедра бошлиқларининг 5 нафари ички ишлар идоралари тизимида амалиётда, шундан 1 нафари раҳбарлик қилаётган кафедраси мутахассислиги йўналишида ишлаган.

Бугунги кунда Академияда фаолият олиб бораётган юридик фанлар докторларининг 3 нафари Академияни, яна 3 нафари Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.

Академияда жами 37 нафар юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлган ходимлар ишлаётган бўлса, уларнинг 81,1 фоизи (30 нафари) юридик фанлар кафедраларида фаолият олиб бормоқда. Академияда фаолият олиб бораётган юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлган ходимларнинг 86,5 фоизи (32 нафари) Академияни, 13,5 фоизи (5 нафари) Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Академия юридик фанлар кафедралари учун олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш шу вақтгача асосан Академияни тамомлаб кейин шу ерда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланганлар ва Тошкент давлат юридик институтини тамомлагач, кейин илмий даражани эгаллаб, Академияга ишга қабул қилинганлар ҳисобидан амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Академия юридик фанлар кафедраларида Миллий университетни тамомлаган бирорта ҳам ходим ишламайди.

Бу борада ушбу муассасалар имкониятидан самарали фойдаланишга қандай омиллар тўқинлик қилмоқда, деган саволга ўз кузатишларимиз, таҳлил ва тажрибамизга таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Академия юридик фанлар кафедралари ва Тошкент давлат юридик институтининг ихтисослиги ўхшаш кафедралари ўртасидаги ҳамкорлик бир томонлама бўлиб, фақатгина биргалиқда илмий анжуманлар ўтказиш, диссертация, дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа турдаги тадқиқот ишларини тайёрлаш, уларга тақризлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Миллий университетнинг юридик факультети, Тошкент давлат юридик институтида тайёрланаётган магистр даражасидаги кадрларни Академия юридик фанлар кафедраларига ишга таклиф этиш эътибордан четда қолмоқда. Бу борада умуман ҳеч қандай иш қилинмаяпти, десак ҳам нотўғри бўлади. Чунки Тошкент давлат юридик институтида тайёрланаётган магистрларни, илмий даражага эга бўлган ёш олимларни Академия юридик фанлар кафедраларига ишга таклиф этишга ҳаракатлар бўлган. Лекин ички ишлар идоралари тизимидаги меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, бу ҳолатлар эса ходимдан, шу жумладан Академия юридик фанлар кафедралари ходимларидан бир қатор талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақида маълумотга эга бўлган номзодлар ҳар хил омилларни рўқач қилиб таклифни қабул қилмайди.

Хозирги кунда Академия бошлиғи ташаббуси билан юридик фанлар кафедралари билан Миллий университет, Тошкент давлат юридик институтининг ихтисослик йўналишлари бир хил бўлган кафедралари ўртасида тузилган ҳамкорлик битимлари бу борадаги ишларни самарали амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Академия юридик фанлар кафедраларига, хусусан, мутахассислик фанларини ўқитишни амалга ошираётган кафедраларга олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш учун номзодларни излаш, танлаш манбаи бўлиб ички ишлар идоралари амалиёт органлари ҳам хизмат қилиши керак. Бугунги кунда амалий тажрибага эга бўлиб, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш ниятида юридик фанлар кафедраларида фаолият олиб бораётган ходимлар 90 нафарни ташкил этади. Лекин улардан диссертация ҳимоя қилганлар эса санокли, яъни бор-йўғи 6 нафарни ташкил этади. Бу ўринда ҳам нега бундай, деган ҳақли савол туғилади.

Бу соҳада ҳам юқорида айтиб ўтилганидек, *биринчидан*, Академияни 2004 йилдан кейин битирган ходимларнинг дипломлари билан боғлиқ муаммолар, *иккинчидан*, бундай ходимларнинг бевосита раҳбарлари фаолиятидаги сусткашлик, мақсадли ҳаракатларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, *учинчидан*, тадқиқот олиб бориш лаёқатининг етарли эмаслиги, бундай сермашаққат йўлни танлаш учун хоҳиш-истак уйғотадиган имкониятларни англамаслик, шу билан бирга, бугунги кунда

---

уларнинг етарли эмаслиги каби омиллар тўсқинлик қилмоқда.

2. Энди юридик фанлар кафедралари учун олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 4 мартдаги 34-сонли буйруғи талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш учун қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритамиз.

Академияда ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириб бориш, уларнинг илмий тадқиқот ишларини тайёрлаш борасидаги лаёқатини шакллантириш, тингловчилар орасидан иқтидорли, келгусида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларини излаш, уларни турли хил илмий анжуман ва тадбирларга жалб этиш механизмларини яратиш борасида комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирлар қанчалик тўлиқ ва мукамал амалга оширилмасин, агар олий малакали илмий-педагог кадр бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ходимда иқтидор, қобилият, тинимсиз изланиш ва меҳнат, фидойилик каби фазилатлар бўлмаса, самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Бундай ходим юксак маънавий, ақлий, руҳий ва касбий фазилатларга эга бўлиши, уларни ўзида шакллантиришга ва мустаҳкамлаб боришга доимо ҳаракат қилиб яшаши ва ишлаши керак. Бунинг учун ходим:

*биринчидан*, аввало юксак маънавият соҳиби бўлиши, қолаверса, ўз ҳаёти ва иш фаолиятида доимо унга эришишга интилиб яшаши ва ишлаши лозим;

*иккинчидан*, ўз касбининг фидойиси, жонкуяри бўлиши, бу борада тинимсиз меҳнат қилиши, инновацион педагогик технологияларни ва соҳадаги бошқа янгиликларни мунтазам равишда таълим-тарбия жараёнига киритиб боришга интилиб фаолият олиб бориши даркор;

*учинчидан*, руҳан соғлом, мустаҳкам иродали, сабр-тоқатли, киришимлилик фазилатлари соҳиби бўлишга, инсон қалбига йўл

---

топа олишга хизмат қиладиган психологик билим ва тажрибага эга бўлишга интилиши керак;

*тўртинчидан*, фаннинг фидойиси бўлиши, доимо унинг юксак чўққиларини эгаллашга интилиб ишлаши, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган илмий тадқиқотлар олиб бориши, илмий ишлар яратиши ҳамда бу борада тинимсиз изланиши зарур;

*бешинчидан*, таълим-тарбия соҳасида ташаббускор, ташкилотчи бўлиш, доимо янгиликка интилиб яшаш, илғор тажрибаларни ва амалиётни мунтазам равишда ўрганиш ва унинг натижаларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиб бориши лозим.

*олтинчидан*, глобал ахборот ресурсларидан ва чет эл фан ютуқларидан илмий тадқиқотларда, таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш учун хорижий тиллардан бирини билиши ва интернет тармоғида ишлаш кўникмаларига эга бўлиши даркор.

Бундай фазилатларга эга бўлган олий малакали илмий-педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш Вазирликнинг, Академиянинг ушбу йўналиш бўйича масъул бўлган таркибий тузилмалари, ходимнинг бевосита раҳбари ва илмий маслаҳатчиси томонидан тизимли равишда комплекс ташкилий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириб боришни тақозо этади.

3. Олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ИИВ таълим муассасаларида илмий маслаҳатчилар ва олий ўқув юртдан кейинги таълим институтларга кирувчи талабгорларда илмий тадқиқотлар олиб бориш хоҳиш-истагини рағбатлантирувчи омилларни кучайтиришни ҳам талаб қилади.

Кафедрада илмий-педагогик фаолият олиб бораётган илмий даражага эга бўлган ходим билан илмий даражага эга бўлмаган ходим ижтимоий-ҳуқуқий мақомини таққослаш натижаларига эътибор қаратамиз. Улар қуйидагилардан иборат:

1) кафедра ўқитувчисидан унинг бошлиғигача бўлган барча лавозимларга тайинлашда фан доктори илмий даражасига эга бўлган номзод устунликка эга;

---

2) ички ишлар идоралари офицерлари махсус унвони берилишида ҳам фан доктори илмий даражасига эга бўлган номзод устунликка эга;

3) давлат мукофотларига тавсия этилганлар ичида ҳам фан доктори илмий даражасига эга бўлган номзод устунликка эга.

Фан доктори илмий даражасига эга бўлган ходимлар:

- «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини олиш;

- олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашда илмий маслаҳатчи, ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси, ҳолис эксперт сифатида фаол иштирок этиш;

- давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал этишда (қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ишчи гуруҳлари таркибида, илмий нашрлар таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида, халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда) фаол иштирок этиш;

- келажак авлод учун маънавий мерос қолдириш имкониятига эгадирлар.

Шу ўринда олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қиладиган айрим таклиф ва тавсияларни ҳавола қиламиз:

а) Академия юридик фанлар кафедралари бошлиқлари кадрлар бўлими билан ҳамкорликда Миллий университет, Тошкент давлат юридик институтининг юридик фанлар йўналиши бўйича тамомлаётган магистрлар, илмий даражага эга бўлиш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган ходимлар орасидан номзодлар танлаш, уларни ишга таклиф этиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш борасида аниқ ишларни амалга ошириш;

б) Академия битирувчилари орасидан иқтидорли тингловчиларни танлаш ва улар амалиётда тажриба орттирганидан сўнг келгусида юридик фанлар кафедраларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш имкониятини яратиб беришнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш:

в) ИИВ тизимида ишлаётган илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бориш истагида бўлган, илмий тадқиқот олиб бориш-

га лаёқатли амалиётчи ходимларни аниқлаш, танлаш ва уларнинг келгусида ИИВ таълим муассасаларида ихтисослик йўналишлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига киришга талабгор бўлиш ва аниқ мавзу бўйича докторлик диссертацияси устида шуғулланиш учун сарфланадиган вақт меъёрлари ва муддатларини аниқ кўрсатилган шарт-шароитлар яратишнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш. Бу мустақил тадқиқотчи тўғрисидаги Низом лойиҳаси шаклида амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳужжатда ИИВ таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган мустақил тадқиқотчиларга шарт-шароитлар яратишнинг ҳам ҳуқуқий ва амалий механизмлари акс эттирилган;

г) Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари, манфаатдор вазирликлар, кўмиталар, таълим муассасалари ва ИИВ соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчи талабгорлар учун 12.00.01; 12.00.02; 12.00.03; 12.00.06; 12.00.08; 12.00.09 ихтисосликлари бўйича долзарб мавзулар рўйхатини шакллантириш ва уни мунтазам равишда бойитиб бориш;

д) ИИВ ШТБИХ, соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ички ишлар идораларининг бошқа фаолият йўналишлари бўйича энг долзарб мавзуларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан амалга ошириладиган инновация илмий-техника лойиҳалари танловида иштирок этишга тақдим этиш тартибини жорий этиш;

е) Академия юридик фанлар кафедраларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар таркибини олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчи талабгорларни қўйилган талабларга тайёргарлик даражасига қараб тоифаларга ажратган ҳолда уларнинг ҳар бир тоифаси билан алоҳида дастурлар асосида қуйидаги йўналишларда иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

---

– илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатини шакллантириш;

– илмий журналлар ва нашрларга, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий мақолалар ва тезислар тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш;

– хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билишини таъминлаш;

– замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан интернетдан фойдалана олиш лаёқати ва кўникмаларини шакллантириш;

– таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллаш лаёқати ва кўникмаларини шакллантириш;

– монография ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш;

– илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига, амалиёт органларига жорий этиш ва унинг самарадорлигини асослантириш, тегишли идораларда ҳимоя қилиш лаёқатини шакллантириш;

ж) ИИВ таълим муассасаларида фаннинг, таълим муассасасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида юқори натижаларга эришган, келажак авлод учун салмоқли маънавий бойлик қолдирган илм-фан намояндаларига ва уларнинг хотираларига бағишланган илмий анжуман ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш анъаналарини фаоллаштириш;

з) бугунги кунда олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига киришга талабгор бўлиш ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш натижасида ИИВ таълим муассасаси ходимлари ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий ва моддий жиҳатдан қандай устунликлар ҳамда имкониятларга эга бўлишини юридик фанлар кафедралари ўқитувчилари кафедра аъзо-

лигига номзодларга асослантирган ҳолда доимий равишда тушунтириб бориши;

и) илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган ИИВ таълим муассасаси ходимларига кўшимча устама ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида таълим-тарбия билан шуғулланувчи ўқитувчи ва мураббийлар қандай талабларга жавоб бериши керак, уларнинг меҳнати қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканлиги ҳақида Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига фикр-мулоҳазаларни келтириш жоиздир.

Комил инсонни тарбиялаш ва етук малакали мутахассис тайёрлаш барча даврларда ҳам ғоят мураккаб ва масъулиятли бўлган. Шунинг учун ҳам бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечиб, бу соҳада янги йўللارни очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта кунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим<sup>1</sup>.

Педагогик касби тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, фидойиликни талаб қиладиган касблардан биридир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўқитувчи ва мураббий каби, «ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айланттириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу».

«Кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидойилик кўрсатиш, руҳан ҳеч қачон букилмай, бу фазилатни ҳаёт қондаси даражасига кўтариш, очиқ айтиш лозимки, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсонга буюк қалб ва метин ирода керак»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 129

<sup>2</sup> Ўша манба. — Б. 165

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР КАФЕДРАЛАРИДА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ  
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ**

Маълумки, ИИВ Академиясида илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш вазифаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси-ни ташкил этиш тўғрисида»ги 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сонли қарорида Академиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларида бугунги кунда олий курс ва факультет бошлиғи, уларнинг ўринбосарлари, кафедралар ва цикллар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, профессор-ўқитувчилар лавозимларида иложи борича илмий даражага эга бўлган ходимлар ишлаши лозимлигини давр тақозо этмоқда. Бу эса, ички ишлар тизимидаги олий таълим муассасалари, хусусан ИИВ Академиясида илмий даражага эга кадрларни тайёрлаш ўта долзарб масала эканлигини англатади.

Дарҳақиқат ҳозирги кунда Ички ишлар вазирлиги томонидан Академияга жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммолар устида мунтазам равишда фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ички ишлар идоралари тизими ва фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари ҳам юклатилган. Мазкур муаммолар эса асосан докторлик даражасидаги диссертациялар доирасида тадқиқ этилади. Бу жараёнда ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчиларининг ҳам иштироки бекиёс аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов: «Ҳар бир касбнинг ўз соҳиби, ўз устаси бўлади. Дунёда касб-ҳунар кўп, аммо ҳақиқий касб эгаси, ҳақиқий ҳунар соҳиби кам учрайди.

Илму фанда ҳам ҳақиқий олим бўлиш учун кишига Яратганнинг ўзи назар қилган бўлиши керак», деганида илм-фан билан шуғулланишга чуқур истаги бўлган, фидойи, ақл-заковат соҳибларини назарда тутган.

Ҳозирги кунда дунё тақдирини ақл-заковат, маънавият ҳал қилмоқда. Шу боис ҳам анжуманимизнинг бош мавзусига айланган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масаласи кечиктириб бўлмас вазифалар сирасига киради.

Мазкур анжуманда илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг аҳволи, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш, ички ишлар идоралари тизими учун кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга доир асосий вазифалар, ҳамма жойда сезилаётган илмий-педагог кадрлар етишмовчилиги муаммосини ҳал қилиш йўллари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, долзарб муаммолар юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бугун муаммо бўлиб турган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар илгари сурилади.

Академия ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ айрим муаммоларга, тўхталиб ўтмоқчимиз:

*Биринчидан*, чуқур назарий билимга ва педагогик маҳоратга эга малакали илмий салоҳиятни сақлаб қолган ҳолда, унинг таркибини ёшартириш талаб этилмоқда.

Бугун ИИВ Академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларида фаолият кўрсатаётган илмий даража ва унвонларга эга профессор-ўқитувчилар ўртача 50 ёшни ташкил этади. Ваҳоланки, ички ишлар идораларида хизмат ўташнинг белгиланган ёш чегараси ҳам мавжуд. Шу сабабли, келгусида

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди.

ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларидаги ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларида улар ўрнига келадиган ёш, малакали кадрлар тайёрлаш давр талабига айланмоқда.

*Иккинчидан*, бугун ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари тингловчиларни юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш руҳида тарбиялаш учун махсус илмий тадқиқотлар олиб боришлари лозим.

Бу борада мамлакатимиз Президенти «янги қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига ўз турмуш ва тафаккур тарзига мос, биз барпо этишга интилаётган эркин фуқаролик жамияти талабаларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор»лиги ҳақида тўхталиб, бу борадаги энг муҳим вазифани белгилади. Бугун юксак интеллектуал салоҳият эгаси бўлган ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан ана шу асосда аниқлаб олиши, фақат шу асосда ёшларни мустақил фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура оладиган, иродали, фидойи ва ватанпарвар этиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Ҳалдаги долзарб вазифа бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги янги қирраларини мукамал очиш, ўқувчилар, талабаларга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган, жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришга таъсир эта оладиган илмий-амалий аҳамиятга молик ишланмаларни яратишдан иборат.

*Учинчидан*, бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш зарур. Бу катта тажриба ва илмий салоҳиятни талаб этади. Буларнинг барчасини рўёбга чиқариш эса яна ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга дахлдор бўлган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни тақозо этади.

«Илму фан шундай бир соҳаки, – дейди Президент Ислам Каримов, – қариб қолиш, кексайиш, сафдан чиқиб қолиш каби ҳолатлар унинг табиатида бегонадир. Орамизда шундай

мўтабар отахон олимларимиз ва онахон олималаримиз борки, улар билан суҳбатдош бўлиш, уларнинг доно фикрлари, насиҳатлари ва тавсияларини олишни биз ўзимизга катта маънавий бойлик деб ҳисоблашимиз лозим. Уларнинг қадрига етишимиз, узоқ умр тилаб дуо қилиб юришимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор»<sup>1</sup>.

Ҳозир юқоридаги муаммоларни ечиш бўйича Академияда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар ихтисосликлари бўйича ИИВ Академияси кафедралари томонидан тавсия этилаётган докторлик диссертациялари мавзулари республикамизнинг ихтисосликлар бўйича таянч олий таълим муассасалари етакчи олимлари билан келишилиб ишлаб чиқилди, докторлик диссертациялари устида илмий изланишни мақсад қилиб қўйган ходимлар докторлик диссертацияларининг мавзулари Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари илмий-методик кенгашида муҳокама қилиниб, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, давлат илмий-техника дастурларининг мақсад ва вазифаларига мослиги, ички ишлар идоралари фаолиятига оид долзарб муаммоларни қамраб олганлиги нуқтаи назардан экспертизадан ўтказиш учун тайёрлаб қўйилди.

Монографик тадқиқотлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш бўйича илмий-амалий, инновацион тадқиқотлар доирасида ажратиладиган давлат грантларини олишни вазирлик тизимида йўлга қўйишни ҳамкорлик йўли билан амалга ошириш лозим.

Бу Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида шартномалар тузиш, давлат грантлари ажратиш ва унинг амалдаги ижросини таъминлашни кун тартибига қўймоқда.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамият томонидан қонуний воситалар билан кафолатланган тинчлик ва осойишталик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон ички ишлар идоралари ходимларига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б.78.

байрам табригида биз мураккаб замонда яшаётганимизни таъкидлаб, бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризм ҳамда наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солаётганлигини алоҳида қайд этди.

Бу борада ички ишлар идораларининг мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, биринчи галда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш устувор вазифа сифатида эътироф этилди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифа этиб белгиланди.

Буларнинг барчаси ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларида ички ишлар идоралари ходимларида юксак профессионализмни шакллантириш, одамлар орасига кириб бориш, трансчегаравий жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, оммавий маданият, диний экстремизмга қарши кураш мақсадида уни келтириб чиқарувчи омилларнинг асл моҳиятини тадқиқ этиш, уларнинг молиявий манбаларини аниқлаш ҳамда ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларини амалиётга татбиқ этишни талаб қилади.

Академияда илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда учраётган муаммолардан яна бири, яъни махсус фанлар кафедралари ва цикллари (масалан, умумқўшин фанлари кафедраси) учун илмий тадқиқот олиб бориш муаммосидир. Бу муаммо ҳозирча муодофаа ва хавфсизлик тузилмалари олий таълим муассасаларида турдош соҳалар фаолиятини такомиллаштиришга оид анжуманлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиш йўли билан ҳал этилиши мумкин. Бундан ташқари, дастлабки босқичда турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мақсадли шартномалар тузиш орқали кафедралар ўртасида илмий ахборот алмашувини йўлга қўйиш зарур.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ҳавола этамиз:

биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларида айрим ходимлар диссертация тадқиқотининг 70 фоизини тайёрлаган. Бундай ходимларни катта илмий ходим-изланувчилар

институтига қабул қилиш масаласини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, ОАК ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан келишилган ҳолда ижобий ҳал этиш;

иккинчидан, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар мустақил изланувчилари учун таянч олий таълим муассасалари етакчи олимлари билан келишилган ҳолда шакллантирилган ижтимоий-гуманитар фанлар ихтисосликлари бўйича докторлик диссертациялари мавзуларини тасарруфида Илмий кенгашлари бўлган олий таълим муассасаларига экспертларни таклиф қилиш орқали маъқуллашда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини йўлга қўйиш;

учинчидан, илмий даражали ва илмий унвонга эга бўлган ходимларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида муодофаа ва хавфсизлик тузилмаларидаги олий таълим муассасаларида хизмат манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг соғлиғи, педагогик маҳоратини ва илмий салоҳиятини инобатга олиб ҳамда устоз-шогирд тизимини ривожлантириш мақсадида, бу тоифадаги профессор-ўқитувчиларнинг белгиланган хизмат ўташ бўйича ёш чегараси масаласини кўриб чиқиш;

тўртинчидан, келгусида ИИВ олий таълим муассасалари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ўрнатилган тартибда ИИВ тизимидаги олий таълим муассасалари учун олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бешинчидан, ИИВ олий таълим муассасаларининг махсус фанлар кафедраларида илмий тадқиқот ишларини янада жонлантириш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан илмий жамоаларни шакллантириш борасида ёрдам кўрсатилиши;

олтинчидан, етакчи олимларга Низомга мувофиқ уч нафаргача катта илмий ходим-изланувчи бириктирилиши қайд этилган. Бундай шароитда фан номзоди илмий даражаси ва илмий унвонига эга бўлганлар бундан мустасно деган қўшимча киритиш тавсия этилади.



Ш. Рўзиназаров\*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ФАННИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚНИ Қўллаш амалиётининг илмий-методологик доктринаси

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида юридик фанларнинг инсонпарварлик ва инновацион роли сезиларли даражада ўсмоқда. Жамият ривожининг ҳозирги босқичи умуман илм-фанни, хусусан юридик фанни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш, ҳокимият бўлиниши тамойилларидан келиб чиқиб, жумладан ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг келишилган тартибда ишлаши учун долзарб бўлган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақлиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (2010 йил 12 ноябрь) ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эволюциясида янги демократик қадам ҳисобланади ва юридик фанлар ривожланишининг асоси сифатида хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодни мафкурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилига асосланадиган сиёсий, иқти-

содий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Фан – бу инсон ақлий-ижодий фаолиятининг тармоғи ҳисобланади, бу жараёнда табиат, кишилик жамияти ва инновацион объектларни яратишнинг ҳодисалари, хусусиятлари ва ривожланишининг объектив қонуниятлари ўрганилиши умумэтироф этилган. Фанни доктринал тушуниш нафақат билимлар тизими, балки ушбу билимларни ривожлантириш ва оширишнинг қуроли, воситасидир. Юриспруденция соҳасидаги илмий билимларнинг асосий моҳияти ҳуқуқий соҳада илмий ва инновацион фикрлашнинг аниқ, қатъий ва изчил бўлишини талаб этмоқда, бу эса билим олиш жараёнини комплекс ўрганиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ижтимоий фанларнинг ичида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг эволюцион ва инновацион ривожланишини ўрганишда ҳуқуқ фани муҳим ва муносиб ўрин эгаллайди. У нафақат назарий дунёқарашни шакллантирадиган амалий тажрибавий фан, балки давлат ва ҳуқуқ асосини яратувчи, мамлакатдаги ҳуқуқий тизимни модернизация қилувчи методологик восита ҳисобланувчи сиёсий фандир.

Юридик фан энг қадимги ижтимоий фанлардан бири ҳисобланади. У бошқа ижтимоий фанлардан биринчи навбатда предмети билан фарқ қилади. Бунда давлат ва ҳуқуқ халқ ҳокимиятчилиги, конституция ва қонун устуворлигининг аниқ, ягона тизими сифатида кўринади.

Ҳуқуқшунослик фанининг бошқа ижтимоий фанлардан фарқи субъектив мезонда ҳам ёрқин намоён бўлади.

Маълумки, юридик фаннинг назарияси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Илмий-назарий тушунча ва категориялар муҳим методологик

\* Тошкент Давлат юридик институти халқаро хусусий ҳуқуқ кафедрасининг мудири, юридик фанлар доктори, профессор.

функцияни бажаради. Шундай экан, ҳуқуқий тушунча ва категорияларда реал ҳодисаларнинг хусусиятлари ва муносабатлари акс этади. Юридик фан тушунчалари ва категориялари ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий жараёнлар ва улар моҳиятининг инновацион хусусиятларини очиб беради.

Янги ҳодисаларни амалга оширишнинг назарий механизмлари, биринчи навбатда, янги ҳуқуқий-илмий тушунчалар ва категорияларда кўринади. Шунинг учун юридик фаннинг тушунчавий аппарати инновацион ҳуқуқий изланишларда муҳим аҳамият касб этади. «Юриспруденция» тушунчаси ва категорияси диалектик хусусиятга эга. Улар орқали инновацион ҳуқуқий назариялар, гипотезалар, концепциялар ва ғоялар шаклланади. Биз учун юридик фан – давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фан қандай тасаввур ҳосил қилади? Бу кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик ҳуқуқий давлатнинг юридик қонуниятлари, ҳодиса ва жараёнлари, шартлари мужассамлашган инновацион билимлар тизимидир. Илмий изланишлар, тажриба шуни кўрсатадики, аниқ илмий муаммоларнинг инновацион тадқиқотлари умумий бўлган муаммоларни тўғри аниқлашни тақозо этмоқда. Уларни тушунмасдан туриб хусусий муаммоларни ҳал этиб бўлмайди ва бу хусусий муаммолар асосида муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Ҳар қандай юридик фаннинг тармоғига оид тадқиқот объекти, бир томондан, хусусий муаммони ифода этади. Буни эса у билан алоқада бўладиган ва ўрганилаётган объектни бошқа тизимлар таркибига кирадиган кенг қамровли тизимлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим. Бошқа томондан эса, ўрганилаётган инновацион объектда алоҳида равишда хусусий-ҳуқуқий жиҳатлар кўринади ва ушбу жиҳатлар мазкур объектнинг табиятини очиб беришга ёрдам беради. Шу билан бирга, аниқ ва мақбул умумназарий конструкция юридик фанда жуда аҳамиятлидир.

Долзарб илмий-методологик муаммолардан бири юридик ва иқтисодий фанларни мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бу глобал муаммо ушбу ижтимоий фанлар вакиллари олдида турибди. Лекин бу муаммога керакли эътибор берилмаяпти. Бунда ижтимоий фанларнинг интеграцияси ва уйғунлашуви назарда тутилмоқда.

Юридик ва ижтимоий фанларни мувофиқлаштириш саъй-ҳаракатлари жуда муҳимдир.

Юридик фанларнинг соҳавий илмий-методологик масалаларини фақатгина биринчи навбатдаги муаммоларни тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқиш мумкин. Бу тадқиқот натижасида олинган янги аниқ илмий инновацион билим ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган методологик воситаларнинг тўғрилиги мезони бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу билимнинг мавжуд эмаслиги эса бу воситалардан етарли бўлмаган даражада моҳирлик билан фойдаланишга ёки ушбу юридик муаммоларни тадқиқ қилишда қўллаб бўлмаслигига олиб келади.

Кенг маънода юридик фанларнинг модернизацияси ҳуқуқий ҳодисалар ва жараёнларни умумлаштиришда тадрижий ўзгаришларга олиб келади. Бу эса жаҳон глобал жараёнларида таъкидланган инсонпарвар демократик жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётига самарали таъсир этади. Юридик фаннинг назарий постулати миллий ҳуқуқий тизимни модернизация қилишнинг инновацион механизми – бу бири билан боғлиқ, норматив мустақамланган давр босқичларининг мослашувчан, мақбул тизимидир. Булар эса, ўз навбатида, давлат механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида демократик ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришга ва унинг асосий мақсади бўлган адолатли ҳуқуқ-тартиботга эришишга мўлжаллангандир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг замонавий ривожланиш босқичида ҳуқуқий тизимнинг самарадорлигини баҳоловчи қуйидаги мезонлар қабул қилиниши лозим:

– фуқаролар томонидан амалдаги ҳуқуқий нормалар орқали ҳуқуқий тизим ҳолатини аниқлаш имконини берувчи ахборот-психологик мезон:

– давлатдаги ҳуқуқий тизимнинг инсонпарварлиги ва адолатлилиги, шахс, жамият ва давлатнинг уйғунлиги;

– ҳуқуқий тизимнинг глобаллашуви ва уйғунлашувида халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мос келиши мезони.

Мамлакатимиз юридик фани ҳуқуқий фикрлаш, ҳуқуқни табиий-ҳуқуқий тушуниш концепциясига ва унинг мақсадлари, яъни инсонпарвар ва адолатли давлат ҳокимияти органларининг функцияларини келишилган ҳолда амалга ошириш ва манфаатлар мувозанати шарти остида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга асосланади.

Миллий ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш асосида умумий эҳтиёж ва манфаатлар

ифода этилган бўлиши, шу билан бирга давлат ва фуқаро манфаатлари яқдил бўлиши лозим. Инновацион юридик тадқиқотлар фуқаролик жамияти барча соҳаларининг давлат ҳуқуқий ислоҳотларининг устувор йўналишларига жавоб бериши лозим. Тадқиқотларнинг мавзу ва объектлари демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларига мос келиши лозим. Назарий ишларда энг асосийси хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тажрибаси ва у ёки бошқа қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни чуқур асослаб бермоғи лозим.

Қоида бўйича замонавий шароитлардаги инновацион ҳуқуқий тадқиқотлар қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак: ўрганилаётган илмий муаммоларнинг ечими; муҳим юридик аҳамиятга эга бўлиши; назарий конструкциялар ва қоидалар ишлаб чиқилиши; тадқиқот натижаларини миллий юридик фаннинг тармоғида янги истиқболли йўналишнинг ривожланишида янги ютуқ сифатида баҳолаш; долзарб илмий инновацион масаланинг янги ечими сифатида замонавий юридик фаннинг тармоғидаги муҳим аҳамиятга эгаллиги ва ҳоказо.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси қуйидаги объектив омилларда намоён бўлади: биринчидан, ўрганилаётган ва кўрилаётган масалаларга тўғридан-тўғри алоқаси бўлган илмий ва бошқа ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш; иккинчидан, янги инновацион қоидаларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, ўрганилаётган масалалар бўйича бошқа материалларни (маълумотларни) амалий ишлаб чиқилиши ва шу билан бирга, муаллифларнинг уларни тадқиқот жараёнида қўллашга оид асосли таклифлари.

Ҳуқуқ соҳасида мантиқий-илмий тадқиқотларнинг асосий мезонлари қуйидагилар ҳисобланади: назарий умумлаштиришларнинг, ривожланиш концепцияларининг, илмий йўналишлар назарияларининг мавжудлиги; тадқиқот объекти ривожланишининг муқобил башоратлари, миллий давлатчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқий қонуниятлар, аниқ тугалланган ҳуқуқий тадқиқотлар назариялари шаклида баён қилинган тадқиқот объекти ҳақидаги янги билимлар; долзарб муаммо ва вазифаларни ҳал қилишнинг янги ечимлари; янги ёки такомиллаштирилган мезон ва усуллар; маълум муаммолар ва вазифаларни янгидан қўйиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги методологик ва методик ёндашувлар билан тасдиқланган ҳолда баҳоланган бўлиши; янги манбаларни тизимли тадқиқ этиш; илмий фойдаланишга янги материалларни киритиш; бошқа муаллифлардан фарқли равишда қўйилган муаммонинг ечими бўйича юридик фанга аниқ ва амалий таклифларни киритиш. Муаллифларнинг қўшган ҳиссаси илмий ва амалий нуқтаи назардан ушбу ҳуқуқ соҳасининг ривожланишида (тараққиётида) белгиланади.

Ўзбекистонда юридик фаннинг ривожланиши ва модернизация қилишнинг замонавий демократик босқичи методологик тусдаги муаммоларни ҳал қилиш билан тавсифланади.

Методология – интеграл ҳодиса ҳисобланиб, қуйидаги асосий қисмларни бирлаштиради: дунёқараш ва фундаментал умумназарий концепцияларни; умумий диалектик билимлар ва категорияларни; умумий, хусусий ва илмий методларни. Юридик фан методологияси ва таърифи мутахассис-юристининг назарий-ҳуқуқий фикрлаши билан узвий боғлиқ. Ҳуқуқий тафаккур шундай фикрлашки, у биринчи навбатда ўзининг предмети билан аниқланади.

Таъкидлаш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий юридик тушунчаларини аниқлаб олиш, уларни бир хил талқин қилиш юридик фаолият, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, миллий ҳуқуқий тизимни ижтимоий муносабатларга таъсир қилиш механизмнинг муҳим таркибий элементлари ҳисобланади. Демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда шу нарса муҳим ҳисобланадики, қонун чиқарувчи ҳуқуқий тартибга солишда мақсадларни белгилаётганда нафақат «эҳтиёж – манфаат – мақсад» муносабатларини, балки «амалга оширилган мақсад – янги эҳтиёж – янги мақсад – жами мақсадлар» муносабатларини ҳам инобатга олмоғи лозим. Шундай экан, миллий инновацион юридик фан ва ҳуқуқ ижодкорлиги тажрибаси ижтимоий ҳодисаларни диалектик тушуниш методидан келиб чиқиб, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини илмий асосланган фаолият сифатида кўриб чиқиши ва унинг мақсадини норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттириши зарур.

Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, долзарб ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш зарур. Қонун нормаларини қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа қонуниятлар ва жараён-

ларни олдиндан чуқур ўрганиш ва аниқлаш; ҳуқуқий хулқ-атворнинг ҳам қонуний, ҳам қонунга зид тенденцияларини динамик ва тузилмавий ўрганиш; ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва улардаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни башоратлаш; мавжуд нормалар билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлик баҳосини аниқлаш ва таҳлил қилиш; хорижий мамлакатлардаги муаммоларни тартибга солишни қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш; шу асосда қонунчилик фаолиятини кетма-кетликда изчил, узоқ муддатли самарали ривожлантириш ва прогнозлаштириш; шу билан бирга ҳуқуқни қўлловчи органлар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш; қонунчилик фаолиятининг илмий асосидан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жараёнларини олдиндан назарий ўрганиб чиқиш; шу қаторда нормаларни ахборот ва инновацион моделини ишлаб чиқиш ва маҳаллий экспериментлар ўтказиш ёки қабул қилинаётган нормаларнинг тахминий натижаларини аниқлаш учун қиёсий-таҳлилий тадқиқот ўтказишни тақозо этмоқда. Ва ниҳоят, у кучга кирганидан сўнг қонун ёки ҳуқуқий институтнинг самарадорлигини тизимли ўрганиш лозим. Шу тўғрисида қонун ижодкорлиги фаолиятида илмий асослар муҳим назарий аҳамиятга эга. Бу масалалар муҳим бўлишига қарамай қонун ижодкорлиги жараёнини илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳалигача юридик фанда ўз ўрнини топгани йўқ. Шунинг учун ҳам қонун ижодкорлигини, умуман норматив-ҳуқуқий асосланганлигини ўрганиш, уларнинг самарали ривожлантирилиши ва прогнозлаштирилиши мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамияти ривожланишининг қонуний асосларини босқичма-босқич такомиллаштириш имконини беради.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳуқуқий тадқиқотлар таълимоти ва методологияларини босқичма-босқич ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ҳуқуқ – миллий қонунчиликда акс этган юридик нормалар сифатида ижтимоий муносабатлар моделларининг объектив мавжудлигини кўрсатади. Замонавий шарт-шароитларда ҳуқуқ ҳокимиятнинг уч тармоғи ўртасида келиштирувчи рол вазифасини бажаради. Демократик ҳуқуқий давлатнинг таянчи сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти

орқали фуқаролик жамиятини барпо этиш ва давлат тизимини ислоҳ қилувчи функциясини бажаради. Унинг бу сифатлари ҳуқуқ ёрдамида амалга оширилади. Шундай экан, демократик ҳуқуқий давлатда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда инновацион восита сифатида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барча соҳаларида демократик ислоҳотларни амалга оширувчи омил ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва давлат ҳокимияти тизимининг бир-бири билан функционал келишилган алоқасининг муҳим хусусияти шундаки, қонунчилик фаолиятини амалга ошириш ва ҳуқуқ нормаларини белгилаши билан давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимига таъсири акс этади. Давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш жараёнида бу тизимни такомиллаштириш, ўзгартириш ва истиқболи юзасидан керакли бўлган мақбул, самарадор ва инновацион чораларни кўради.

Юридик фанни ривожлантириш ва модернизация қилишда давлат бош ислоҳотчи сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Юридик фанларни ривожлантириш ва модернизация қилиш давлат томонидан инновацион тартибга солиниши давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ғоявий эҳтиёжлари қондирилишига олиб келади. Шундай экан, давлат ҳуқуқ фанининг устувор инновацион тадқиқотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Юридик тадқиқотларнинг асосий мақсад ва вазифаси – бу барча комплекс модернизация қилинган жараёнларни вужудга келтириш қонуниятларини, ҳуқуқий ҳодисаларни ташкил топиши ва амал қилишининг назарий ва методологик тушуниб олиш, уларни аниқ ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тўғридан-тўғри қўллашдир. Амалий тадқиқотлар аниқ амалий ҳуқуқий масалаларни кечиктирмаган ҳолда ҳал қилишга қаратилган бўлади. Улар ёрдамида ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосий тадқиқотларнинг натижалари жорий қилинади. Юридик инновацион тадқиқотлар, шунингдек уларнинг натижалари ҳуқуқни қўллаш амалиётининг турли соҳаларидаги ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа муаммоларни интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва жорий этиш йўли билан ҳал қилишга йўналтирилгандир. Ўзбекистонда юридик фан шаклланиш ва ривожланиш босқичида турибди, десак муболаға бўлмайди. Таъкидлаш лозимки, юридик фан ютуқларига таянмаган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мушкул масала бўлиб

ҳисобланади. Юридик фаннинг умуминсоний, шунингдек миллий ҳуқуқий қадриятлари миллий ва халқаро хавфсизлик гарови бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилади. Бинобарин, ҳуқуқий тадқиқотларнинг негизида ўзининг ижтимоий яратувчанлик имкониятлари ва ҳислатлари билан инсон ва тадбиркорлик омили турмоғи лозим. Инсон ва тадбиркорлик омили шундай муҳимки, у жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучдир. Демократик ҳуқуқий давлатда олий ижтимоий бойлик ҳисобланмиш ҳуқуқ, қонун, тартиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари асосий рол ўйнаши тан олинган.

Албатта, илмий-ҳуқуқий тадқиқотлар давлат ва жамият ривожига катта туртки беради. Юридик фанни ривожлантирмасдан ва уни модернизация қилмасдан демократик ҳуқуқий давлатнинг келажаги ҳақида гапириш мумкин эмас. Бизга маълумки, мустақиллик – бу ҳуқуқ демакдир. Бундан келиб чиқадики, давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда юридик фанни ривожлантириш ва модернизация қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Шундай экан, инновацион юридик фан давлат ва жамиятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Таъкидлаш жоизки, юридик соҳада давлатнинг илмий инновацион сиёсатининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини тадқиқ этиш лозим. Шунинг учун юридик фанларни босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган давлатнинг инновацион фаолиятида ҳокимият алоқаларининг асосий соҳаси сифатида бу сиёсатни шакллантириш бўйича муҳим назарий методологик ва амалий ишга эҳтиёж мавжуд.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий вазифаларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 6 та фармойишида куйидаги соҳаларда 47 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифалари белгиланди: давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада

чуқурлаштириш кабилар шулар жумласидандир. Энг аввало, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида қайд этилган концепция давлатнинг юридик фан соҳасидаги илмий сиёсатини модернизация қилишнинг асоси ҳисобланади.

Конституция ва қонун устунлиги принципи мустақил давлатни демократик тараққий эттириш ва жамият ҳаётини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик фанни модернизация қилишнинг илмий-методологик асосларини шакллантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун барча ҳуқуқий тадқиқотларда Конституция ва қонун устунлигини биринчи даражага қўйиш ва тараққиёт «ўзбек модели»нинг методологик моҳиятини очиб бериши лозим. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий шарт бўлмиш қонуннинг устунлиги, барча фуқаролар тенглиги, шунингдек давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципларини мустаҳкамлаб, уларнинг мустақиллиги, келишилган ҳолда фаолият юритиш, бир-бирини тийиб туришнинг самарали механизмларини яратиб берди.

Юридик фанларни модернизация қилиш ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг предмет ва методидан келиб чиққан ҳолда, давлат ва ҳуқуққа янги ва инновацион ёндашув зарур. Давлат ҳокимиятининг келишилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш бўйича давлат ва ҳуқуқни янги инновацион функцияларини давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш лозим. Алоҳида ҳокимият ваколатлари ва функцияларини марказий давлат ҳокимияти органларидан ҳукуматга, маҳаллий ҳокимият органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказишнинг моҳиятини очиб бериш лозим. Бошқача айтганда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари принципини амалга оширишни ижтимоий ва демократик ривожланишнинг долзарб муаммоси сифатида назарий, мантиқий-гносеологик ва инновацион жиҳатларини ўрганиш давр талаби.

Юридик фанни модернизация қилиш шароитида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, кодификация қилиш асосий муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда юридик фанда моддий ва процессуал қонунчиликни кодификация қилиш

---

зарур вазифадир. Юридик фанни илмий назарий модернизация қилиш мамлакатда қонунчилик тизимини модификация қилишни талаб этмоқда.

Амалдаги қонунчиликни мониторинг қилиш шуни кўрсатмоқдаки, кодификация қилишнинг миллий тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Норматив-ҳуқуқий базани тизимли ривожлантириш ва босқичма-босқич такомиллаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш юридик фаннинг асосий назария ва инновацион йўналишларига киради. Бундан ташқари, ижтимоий ривожланиш ва давлат қурилиши соҳасидаги мақсадли вазифаларни, давлат ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва уларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олиш лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юридик фанни, жумладан, суд ҳуқуқини, жиноят ҳуқуқини, фуқаролик ҳуқуқини, фуқаролик процессуал ҳуқуқини, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳаларини тадқиқ қилишни талаб этмоқда. Нафақат юридик фаннинг самарадорлигига назарий хизмат қилаётган, балки суд-ҳуқуқ тизимининг қонуний асосларини босқичма-босқич такомиллаштиришга ва модернизация қилиш масалаларига дахлдор илмий тадқиқотларни жонлантirmoқ лозим. Юридик фаннинг ютуқларидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти тармоқларини ривожлантириш ва функционал амал қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари самарадорлигини ошириш, уларнинг бир-бири билан келишилган ҳолда амалга оширишини таъминлаш ҳамда улар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш лозим. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва янада демократлаштириш муаммоларини чуқур ўрганиш, суд қонунчилик базасини босқичма-босқич такомиллаштириш бўйича аниқ асосланган, амалга оширилиши мумкин бўлган таклифларни ишлаб чиқиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш керак.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш юридик фаннинг янги тармоғи сифатида ахборот ҳуқуқи ролини оширишни талаб этмоқда. Тан олиш керакки, бу соҳани қонуний таъминлаш

бўйича анча ишлар амалга оширилган бўлса-да, ахборот ҳуқуқи соҳаси керакли даражада ривожланмаган. Республикамизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлаш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилган. ОАВнинг эркин ривожланиши, ахборот соҳасининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган ОАВни ривожлантириш қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда. Лекин, бу соҳада ҳуқуқий тадқиқотларга зарурят бўлган ва ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Шунинг учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари очиқлиги, телерадиоэшиттиришнинг ҳуқуқий ҳолати, ОАВ фаолиятининг иқтисодий асослари, давлат томонидан ОАВни қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалаларни ўрганиш лозим. Бу соҳадаги қонунчилик базасини босқичма-босқич ва инновацион ривожлантириш ОАВ фаолиятини белгиладиган қонунчилик актларини унификация (кодификация) қилишни талаб этмоқда.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг яна бир долзарб масалаларидан бири сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва мамлакатнинг сайлов қонунчилигини ривожлантириш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганларидек, «сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир»<sup>1</sup>. Қайд этиш лозимки, мамлакатда самарали, демократик сайлов тизимини ривожлантириш ва шакллантириш соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Яратилган қонунчилик базаси қонунлар ва умум тан олинган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига тўла мувофиқ ҳолда икки палатали парламентга сайловлар ўтказишда миллий сайлов тизимини босқичма-босқич ва изчил либераллаштиришни таъминлади. Бироқ, ҳуқуқий фанда сайлов қонунчилигини тадрижий такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари етарли даражада тадқиқ

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. — Б. 35.

этилмаяпти. Бундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда унинг норма ва принципларини унификациялаш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқиш зарурати юридик фаннинг, айниқса конституциявий ҳуқуқнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммоларини чуқур тадқиқ этиш юридик фаннинг устувор йўналишларидан биридир. Қайд этиш лозимки, бизнинг ҳуқуқий фанда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ва ҳуқуқнинг роли ва функцияси етарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга, нотижорат ҳуқуқ муаммолари чуқур тадқиқ этилмаяпти. Хусусан, ҳуқуқий адабиётларда ижтимоий шерикчилик, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий механизмлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳоказоларнинг моҳияти ва табиати етарлича очиб берилмаган. Бу ва бошқа масалалар муайян ва инновацион жиҳатларда чуқур фундаментал тадқиқотга муҳтождир.

Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, хусусан фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқини ривожлантиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ислоҳотларимизнинг мантиқли ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини қайд этди. Концепциядан келиб чиқиб, биринчи навбатда, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш таомилларини ҳуқуқий тартибга солиш, оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий муаммолари, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, рақобат, кичик ва хусусий бизнес фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, хусусий банк ва молия институтлари фаолиятининг кафолатлари ва ҳуқуқий масалалари, кредит ахбороти алмашинуви, гаров реестри, инновация ва инновацион фаолият, инвестиция ва пай фондларини ривожлантириш ва шакллантириш, давлат мулкни бошқариш, халқаро тижорат арбитражи ва шу каби

муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, молиявий-иқтисодий инқирозга қарши қонунчиликни такомиллаштириш қишлоқда якка тартибда қурилишни, унитар корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш ва бунга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтиришни ҳуқуқий тартибга солиш кабиларни тадқиқ этиш лозим, улар билан бир қаторда, адлия органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, аҳоли миграцияси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳуқуқий масалалари, васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий мақоми, томорқа участкалари ҳуқуқий масалалари, қишлоқларда хизмат кўрсатиш, ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, миллий процессуал ҳуқуқ тизимини тадрижий такомиллаштириш масалаларини тизимли тадқиқ этиш лозим.

Ҳуқуқий фанда тадбиркорлик қонунчилиги, хусусан, кичик, оилавий тадбиркорлик (шу билан бир қаторда, ёшлар тадбиркорлиги), корпоратив қонунчиликни, банкротлик, хусусийлаштириш ва мулк, рақобат, инвестициялар, реклама, инновацион фаолият, уй-жой коммунал хўжалик, транспорт, суғурта, ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва шу каби тизимларни пухта тадқиқ қилиш, тизимлаштириш ва такомиллаштириш лозим.

Глобаллашув шароитида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигини комплекс тадқиқ этиш давр талаби. Бундан келиб чиқиб, шуни қайд этиш лозимки, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалаларини чуқур ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси моддий ва процессуал қонунчилигини тизимлаштириш ва кодификациялаш бўйича узоқ муддатли давлат инновацион дастурларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш зарур. Махсус тадқиқотлар (давлатимизнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда) ягона иқтисодий ҳудудда давлатларнинг тадбиркорлик қонунчилигини ўзаро яқинлаштиришни ҳам талаб этади. Бундан келиб чиқиб, қайд этиш мумкинки, глобаллашув жараёнлари ривожланиши, давлатларнинг халқаро ҳаётдаги фаол иштироки ва уларнинг интилишини халқаро муносабатларда анча юқори ҳуқуқий даражада ривожлан-

тириш шароитида Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ўзига хослигини чуқур ўрганиш зарур. Бунда нафақат мамлакатимиз ҳуқуқий фанларининг ютуқлари ҳамда ривожланиш тенденцияларини, балки хорижий юриспруденция ютуқларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Шубҳасиз, ҳуқуқий фанлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатидаги муаммолар шуни кўрсатмоқдаки, назарий тадқиқотлар амалиётдаги эҳтиёжини қаноатлантиришга, унинг материалларига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса, ўз навбатида, илмий асосланган, исботланган хулосалар ва тавсияларга таянади.

Маълумки, юридик фан ва амалиёт ўзаро муносабатининг турли тўғри ва эгри шакллари мавжуд. Юридик фан, умуман ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир неча функцияларни амалга оширади. Бундай функцияларга, аввало, таҳлилий ва конструктив функциялар киради. Таҳлилий функция амалдаги қонунчиликни, унинг тизимли ифода тарзи ва талқинини тадқиқ этишдан иборатдир. Конструктив функция аналитик функциянинг давоми бўлиб хизмати қилади. Юридик фаннинг таҳлили натижаларига кўра қонунчиликни инновацион модернизация қилиш бўйича таклифлар асосланади. Мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётини тадқиқ этишнинг асосий вазифаси ва мақсадини, муҳим ва долзарб инновацион ва илмий изланишни аниқлаб олиш лозим. Ҳуқуқни қўллаш сифати бевосита иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ечими ва охири-оқибатда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шу муносабат билан, ҳуқуқий принцип ва нормаларни изчил амалга оширишни таъминлаш чоралари тизимини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келмоқда. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида одатда қонунчиликдаги зиддиятлар ва бўшлиқлар, уни амалга оширишдаги хатолар, зарур аниқлаштирувчи ва турлича талқин этиладиган ҳолатлар, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги салбий ҳодисалар ва бошқа камчиликлар аниқланади.

Муайян амалиётнинг турлари (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) жуда кўплаб самарали услубий воситалар ва тактик усуллар, ҳуқуқий ҳаракатларнинг мақбул вариантларини, талаб-таомилларини ишлаб чиқади, шахсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тажриба тўпланади. Буларнинг барчаси демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти

муаммоларини чуқур ва ҳар томонлама илмий тушунишни талаб этади.

Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва юридик фаннинг назарда тутилган ўзаро муносабати ва ҳамкорлигига юқори баҳо бериб юбормаслик лозим. Инновацион илмий тадқиқот учун замонамизнинг айрим ҳуқуқий муаммоларини танлаш бевосита муайян ҳуқуқни қўллаш амалиёти, унинг алоҳида босқичлари даври билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. У илгари ўтказилган ҳуқуқий тадқиқотлар, мантиқий тўғри фикр ва хулосалар, гипотезалар, ҳуқуқшунос-олимпнинг ички туйғулари, бошқа ҳуқуқ тармоқлари маълумотларига ҳам таяниши мумкин.

Шу билан бир қаторда амалий-ташкилий инновацион фаолият ва тўпланган ҳуқуқий тажриба юридик фаннинг эмпирик асосини ташкил этади. Фактик ҳуқуқий материал гипотезаларни таърифлаш, тушунтириш, умумлаштириш, тизимлаштириш, илгари суриш, тадқиқ этиладиган ҳуқуқий ҳодисаларни ривожлантириш тенденциясини ўрнатиш, илмий таклифлар ва тавсияларни шакллантириш, инновацион назарий конструкцияларни яратиш ва тушунча ва категорияларини ишлаб чиқиш учун муҳим асосни шакллантиради.

Кўп ҳолларда амалий материал кўргазмаларни вазифани ҳам бажаради. Мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиёти доимо ижтимоий алоқаларни талаб этади ва юридик фанга туртки беради ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, доимий диалектик такомиллаштиришга ундайди, фуқаролик жамиятининг миллий ҳуқуқ тизимини модернизация қилишни ривожлантириш тенденцияси ва истиқболини аниқлаш ва демократик давлат-ҳуқуқий ислохотлар жараёнининг батафсил ҳуқуқий шарҳини талаб қилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиёти ижтимоий-тарихий амалиётнинг нисбатан мустақил тури сифатида инновацион ҳуқуқий тадқиқотларнинг ҳақиқатлиги, аҳамиятлилиги, бир хиллиги ва самарадорлигининг муҳим мезонларидан бири бўлиб майдонга чиқади. Қайд этиш лозимки, у ёки бу хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг самарадорлиги ва янгилиги, уларнинг ишончлилиги ёки хатолиги, фойдалилиги ёки зарарлилиги мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида текширилади.

Айнан миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шакли сифатида англаш жараёни натижаларининг



объективлиги ва ҳуқуқий соҳада тадқиқотларни амалга оширишга ёрдам берувчи воситалар, усуллар, услубларнинг муайян даражада ишончлилигини белгилаш имконини беради. Илмий-тадқиқот тажрибалари кўрсатганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мезонларини мутлақлаштириш керак эмас. У ҳеч қачон мувофиқ ҳолда етарлича тўла назарий ва инновацион конструкция, қоидалар ва ҳулосаларни тасдиқлаш ёки рад этиш имконини бермайди, чунки диалектик асослардаги ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш амалиёти табиий ва ижтимоий, объектив ва субъектив, қонунчилик ва бошқа реал давлат-ҳуқуқий фаолиятнинг омиллари билан асосланган ички қарама-қарши жараёнлар (унинг натижаси)ни ўзида намоён этиб ўзгаради ва ривожланади.

Табиийки, ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосининг келиб чиқиши ва дастлабки қондаси ушбу ҳуқуқий воқеликнинг бир қисми ҳисобланади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, олинган ҳуқуқий инновацион билимларнинг ҳақиқийлигининг бошқа бир (масалан, мантиқий, ижтимоий, экспериментал, умумлаштириш ва бошқ.) мезонлари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти назариясини чуқур тадқиқ этиш ва тушуниб олиш назарий ҳамда эмпирик даражада содир бўлади. Аввало, шунинг қайд этиш лозимки, эмпирик англаш одатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг жиҳатларига йўналтирилади ҳамда фактларни кузатиш, уларни таснифлаш, тажриба маълумотларини дастлабки умумлаштириш ва тасвирлашга таянади. Шундай қилиб, назарий ва ҳуқуқий тадқиқотлар илмий аппаратни такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш, жараёнлар ва воқеликларнинг моҳиятини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш, миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришнинг қонуний асосларини белгилаш билан боғлиқдир.

Агар эмпирик даражада ҳал қилувчи омил ҳиссий англаш бўлса, назарий англашда эса, онгли, яъни ижодий синтез, генезис ва категория тушунчалари билан боғлиқ ҳисобланади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини тадқиқ этишнинг иккала даражаси умумий ҳуқуқ назарияси ва юридик фаннинг аниқ соҳасининг ўзига хос хусусиятидир. Бироқ генезис ҳамда назарий ва эмпирик бўғинларнинг муносабати уларда бир хил эмас.

Илмий тадқиқотнинг мақсадлари ва йўналишларидан уларнинг тасвирловчи, тушунтирувчи, эвристик, прогностик ва бошқа

асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Генезис ва дастлабки фикр юридик фан (муайян тадқиқот)нинг амалий ҳуқуқий таъсири асосан ўтказилаётган тадқиқот фундаментал, амалий ёки инновацион, таҳлилий ёки эмпирик, тасвирлов ёки эвристик каби шартларига боғлиқ бўлади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида назарий тушунчалар, аксиомалар ва категориялар, конструкция ва концепциялардан кенг фойдаланилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг табиати, унинг тузилиши ва шакллари, функциялари ва ривожланиш қонуниятлари, изчиллиги ва бошқа масалаларни чуқур ва тизимли тадқиқ қилиш инсонпарвар инновацион жамиятнинг ҳуқуқий тизимида ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг аҳамияти ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Ушбу билимлар ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг назарий асосини ташкил этади. Илмий ва инновацион фикрлаш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятнинг зарур ва муҳим узвий элементини намоён этади.

Ўзбекистоннинг замонавий юридик фани турли субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқни қўллаш фаолиятига, шаклланаётган шахсий ва ижтимоий-ҳуқуқий олинган тажрибани чуқур ўрганиш, жамият ҳуқуқий муносабатларининг турли соҳаларида давлат-ҳуқуқий инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёрдам беришга йўналтирилган. Анъанавий юридик фан нафақат назарий тадқиқотларда, балки ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳам фойдаланиладиган ҳуқуқий онг услублари ва методологиясини, махсус тамойиллар, усуллар, воситалар, методлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади. Шу билан бир қаторда юридик фан ва инновацион таълим (шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш таълими) аҳоли (айниқса ёшлар) ва мансабдор шахслар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда асосий роль ўйнайди, ҳуқуқий тарғибот Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунга, ҳуқуққа, судга ва фуқаролик жамиятининг бошқа ҳуқуқий ва ижтимоий қадриятларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Юридик фаннинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан тор диалектик ва инновацион алоқаси суд, ҳуқуқни қўллаш ва бошқа давлат ва нодавлат органлар томонидан долзарб муаммоларни тадқиқ этиш, ҳуқуқшунос олимларни қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизалар ўтказиш, амалдаги

---

қонунчилик мониторинги, илмий-амалий симпозиум, конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқалардаги иштирокини фаоллаштириш билан ижтимоий-ҳуқуқий буюртмалар тизимини кенгайтириш орқали таъминлаши лозим

Юридик фанни модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг мақбул назарий тадқиқотлар натижаларини аниқ ҳуқуқни қўллаш амалиётига киритишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва инновацион механизминини яратиш зарур. Бундай мақбул ҳуқуқий инновацион механизмни ишлаб чиқиш Ўзбекистон юридик фанининг ҳозирги шароитда муҳим вазифаларидан биридир.

Давлатга оид ҳуқуқий ислоҳотларнинг концептуал асосидан келиб чиқиб, юридик фанга фуқаролик жамиятини ривожлантиришни назарий-ҳуқуқий, илмий-инновацион, психологик-юридик ва қайсидир даражада прогностик таъминлаш юклатилиши лозим. Анъанавий илмий ва инновацион натижалар агар қонун ижодкорлиги амалиётида (сўзнинг кенг маъносиди) қўллашда илмий тадқиқот натижалари тегишли органларнинг фаолиятига жорий этилса ёки бошқа ҳужжатлари билан тасдиқланса, ўз ифодасини топган ҳисобланади. Инновацион тадқиқотлар натижаларини жорий этиш бўйича асослантилган мезоний баҳолардан бири – илмий-ҳуқуқий долзарб муаммоларнинг янги ечимига ёрдамлашадиган таклифлар ва тавсияларнинг мавжудлиги ҳамда юридик фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиши ҳисобланади. Анъанавий юридик позитивизмда жорий қилиш – бу ҳуқуқий соҳада илмий тадқиқот натижаларини, илғор инновацион ғояларни амалда фойдаланишда эришилган ютуқдир.

Юридик фан инновацион ютуқларини жорий қилиш ҳуқуқий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Қайд этиш лозимки, кўпинча ҳуқуқни қўллаш амалиёти юридик фаннинг у ёки бу ишланмаларини қабул қилмайди, уларни қўллаш имконини бермайди. Тан олиш керакки, юридик фан соҳасида етарли даражадаги аниқ ва сермазмун давлат тамонидан, илмий инновацион сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида инновацион ютуқларни амалга оширишни қийинлаштиради.

Диссертация тадқиқотларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина таклифлар, тавсиялар назарий ва амалий жиҳатдан етарлича асослантилмаган.

---

Кўпгина монографик диссертация тадқиқотларини чуқур таҳлил қилишда қўйилган муаммога ечим мавжуд эмас; диссертацияларнинг назарий ҳамда эмпирик даражаси фарқланмаяпти; назарий ҳамда амалий вазифалар аниқ таърифланмаяпти; тадқиқот мақсади аниқ эмас; диссертация янгилиги чуқур назарий таҳлил билан эмас, балки мавзу ҳақидаги шахсий тасаввур билан аниқланмоқда; махсус атамалардан фойдаланишда аниқликнинг йўқлиги; диссертация тадқиқотининг асосий мақсади – янги билимлар олиш амалга оширилмаяпти; гипотеза бўлғуси назариянинг тимсоли бўлмаяпти; тўпланган тажриба ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш суствлиги кузатилмоқда; тадқиқотнинг ижтимоий ҳамда экспериментал қисми заиф ҳолатда.

Шунинг учун ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялар инновацион қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарли даражада жорий этилмаяпти. Бу ерда тадқиқот мавзуси бўйича юридик билимларни ишлаб чиқиш ва олишда илмий виждон, «ақлнинг чинлиги» муҳим аҳамиятга эга. Юридик ва илмий тадқиқот муассасаларида илмий ва инновация муҳитисиз кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб, юриспруденция соҳасида илмий тадқиқот маданиятини (илмий ростгўйлик, «ҳалол илмий ақл», уларнинг онглилиги ва идрокка ишониш, юридик танқид), малакали илмий кадрларни тайёрлаш усуллари ва шакллари ривожлантириш зарур. Шунинг учун ҳуқуқий билимларнинг маъмурий бошқарувидан юридик фан соҳасида давлат илмий сиёсатининг инновацион бошқарувига ўтиш зарур.

Юридик фаннинг инновацион табиати шундан иборатки, мазкур фаннинг ютуқлари, шубҳасиз, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўлланилиши керак. Шунинг учун умумий илмий, хусусан юридик фан доктринасини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу тушунчалар жамият, давлат ва олимларнинг инновацион ва ҳуқуқий сиёсати асосида ётувчи иқтисодий ривожланишга ўтиш, Ўзбекистонни демократлаштириш шароитида юридик фаннинг роли ва ташкил этиш принципларини, жамият мақоми, ривожланиш мақсади, устувор вазифалар кўринишидаги қарашларини ўзида ифодалайди. Ушбу асос бўлувчи ва доктринал ҳужжат юридик фан соҳасида қонун чиқарувчи, ижро ётувчи, суд ҳокимияти ва профессионал фаолиятининг стратегик мувофиқлаштирувчи

---

ҳамда аниқловчи ҳужжатдир. Биз тасаввур қилганимиздек, юридик фан ва доктрина мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида бизнинг ҳаракатларимизга янги кучли туртки беради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юридик фанда ҳуқуқни қўллаш амалиётини модернизация воситаси сифатида янгиликлардан фойдаланиш зарурияти тўғрисидаги фикр етарлича чуқур назарий ва амалий асосга эга. Юридик фаннинг асосий вазифаси ушбу асосларни янгиша шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда янгиша фикрлаш ва баҳолашдан иборатдир.

Илмий методологик доктринада юридик фан, миллий ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти назарий ҳамда амалий вазифаларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан, ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланувчи илмий тадқиқот муассасалари фаолиятининг мониторингини амалга ошириш, юридик фанни истиқболли режалаштириш ва прогнозлаштириш ҳолатини ўрганиш, юридик фан концепциясини таълимда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида асослаш; юриспруденция соҳасида илмий тадқиқот мавзуларини самарали режалаштириш ва мувофиқлаштириш, айниқса унинг ҳуқуқий ва илмий соҳада иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солиш, инновацион ва бошқарув чораларини амалга ошириш; ҳуқуқий соҳада илмий тадқиқот натижаларини татбиқ қилишни чуқур ўрганиш ва тавсифини бериш лозим.

Илмий тадқиқот натижаларини татбиқ қилишнинг назарий таълимотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шунингдек, ҳуқуқий соҳада илмий ва инновацион тадқиқотларнинг натижаларини татбиқ этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қиёсий ҳамда комплекс ўрганиш лозим. Бундан ташқари, олий юридик таълим муассасаларининг Илмий кенгашларида илмий ва инновацион тадқиқотларнинг натижаларини татбиқ қилиш ҳолати ва ютуқларини мунтазам ҳамда самарали муҳокама қилиш, тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда юридик соҳада илмий тадқиқот натижаларини татбиқ қилиш бўйича амалий қўлланмалар тайёрлаш, юридик фанни ривожлантиришнинг умумий ва тармоқ концепциясини ишлаб чиқиш; миллий қонунчиликнинг умумий ва тармоқ концепцияларини ишлаб чиқиш; юридик инновацион таълимни ривож-

лантириш концепциясини ишлаб чиқиш; «Ҳуқуқни ривожлантириш ва бошқариш, қонуниятлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш» фаолиятини модернизация қилиш зарур (ҳозирги вақтда мазкур Кенгаш амалда ишламаяпти); давлат эҳтиёжлари учун илмий тадқиқот ишларини бажаришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; юридик амалиётга эга бўлган олий таълим муассасаларини информацион ва инновацион таъминлашнинг мақбул ва самарали механизмларини яратиш; «ҳуқуқ тўғрисидаги фан», «юридик фан тўғрисидаги таълимот», «юридикология» ва «инновацион ҳуқуқ», «Интернет ва юридик фан» муаммоларини чуқур ўрганиш юридик фанни модернизация қилиш ва ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида махсус инфраструктурани, хусусан, юридик фанда ва услубий ишларда инновацион ютуқларни татбиқ қилиш бўйича бўлим ташкил этиш; илмий-инновацион ҳуқуқий ахборотлар бюллетенини мунтазам чиқариш, олий юридик таълим муассасаларида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа мувофиқлаштирувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тажрибали мутахассисларини жалб қилган ҳолда назарий ва амалий ҳуқуқни қўллаш бўйича бирлашган услубий кенгаш ташкил этиш; тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини ўрганиш бўйича илмий-амалий экспедицияни нафақат жойларда, балки марказларда ҳам амалиётга кенг татбиқ қилиш; ҳуқуқий инновацион илмий тажрибанинг афзалликларидан кенг фойдаланиш; хўжалик бирлашмаларини (уюшмалар, ассоциациялар, концернлар, холдинглар ва бошқ.) илмий-инновацион хўжалик бирлашмалари сифатида қайта номлаш зарур; давлат ва нодавлат органлар ҳамда тадбиркорлик субъектларини умуман ва хусусан кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда чуқур тадқиқ қилиш зарурияти вужудга келмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, юридик фан, қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини модернизация қилишнинг илмий-услубий доктринаси демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

## ПРАВОВАЯ ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОДЕРЖАНИЯ И ПРОГНОЗНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Термин «правовая политика» в юридической науке в качестве самостоятельной теоретической дефиниции укоренился сравнительно недавно и современными учеными-правоведами понимается по-разному. Ознакомление с мнениями ученых, исследовавших сущность и содержание правовой политики, позволяет сгруппировать и выделить несколько основных позиций, в той или иной мере отличающихся своеобразием подходов и акцентов при изучении данного явления.

Например, С.С.Алексеев, В.К.Бабаев, С.В.Кодан<sup>1</sup> под правовой политикой понимают деятельность по воплощению в содержание права, в правовую систему, в жизнь общества прирожденных, неотъемлемых прав человека.

Другая группа исследователей понимает правовую политику как политику, основанную на праве. Понимая правовую политику в качестве особой социальной практики<sup>2</sup>, К.В.Шундигов характеризует её как совокупность правовых идей, установок, принципов, целей, задач, приоритетов, а также правовых средств, направленных на обеспечение оптимального уровня развития и функционирования общественных отношений<sup>3</sup>. По мнению Н.И. Матузова, правовая политика есть комплекс целей, мер, задач, программ, установок, реализуемых в сфере действия права и посредством права<sup>4</sup>.

Согласно следующему подходу правовая политика представляет собой деятельность по созданию и обеспечению «работы» механизма правового регулирования. Так, А.В.Малько считает, что правовая политика есть научно обоснованная, последовательная и системная деятельность государства по созданию эффективного механизма правового регулирования, по цивилизованному использованию юридических средств в достижении таких целей, как наиболее полное обеспечение прав и свобод человека и гражданина, укрепление дисциплины, законности и правопорядка, формирование правовой государственности и высокого уровня правовой культуры в жизни общества и личности<sup>5</sup>. Аналогичной точки зрения придерживается А.П. Коробова. По её мнению, правовая политика представляет собой деятельность государства в сфере правового регулирования, выработку и претворение в жизнь правовых идей стратегического характера, определяющих направления развития общества в целом<sup>6</sup>.

Имеются также другие подходы. Скажем, Я.В. Бакарджиев обосновывает позицию, согласно которой правовую политику «следует рассматривать в качестве концептуальной, научно обоснованной, последовательной и системной деятельности компетентных

\* Доцент кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

<sup>1</sup> См.: Алексеев С.С. Основы правовой политики в России: Курс лекций. - М., 1995; Бабаев В.К. Теория современного права. - Н. Новгород, 1991; Кодан С.В. Юридическая политика Российского государства в первой половине XIX века: детерминанты, направления, институты // Правоведение. - 2003. - № 2. - С. 170-186.

<sup>2</sup> См.: Шундигов К.В. Цели, средства и результаты правовой политики // Российская правовая политика: Курс лекций / Под ред. д.ю.н., проф. Н.И. Матузова и д.ю.н., проф. А.В. Малько. - М., 2003. - С. 112

<sup>3</sup> См.: Шундигов К.В. Юридические средства реализации правовой политики // Правоведение. - 1997. - № 4. - С. 149.

<sup>4</sup> См.: Матузов Н.И. Правовая политика: сущность, концепция, реальность // Российская правовая политика: Курс лекций / Под ред. д.ю.н., проф. Н.И. Матузова и д.ю.н., проф. А.В. Малько. - М., 2003. - С. 77.

<sup>5</sup> См.: Малько А.В. Современная российская правовая политика и правовая жизнь // Правовая политика и правовая жизнь. - 2000. - Ноябрь. - С. 15. Следует отметить, что впоследствии проф. А.В. Малько расширил понятие «правовая политика», включив в нее «стратегию и тактику развития правовой жизни, ориентиры (цели и средства) для неё» (Малько А.В. Правовая политика и организация правовой жизни // Российская правовая политика: Курс лекций / Под ред. д.ю.н., проф. Н.И. Матузова и д.ю.н., проф. А.В. Малько. - М., 2003. - С. 149).

<sup>6</sup> См.: Коробова А.П. Правовая политика: понятие, формы реализации, приоритеты в современной России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Самара, 2000. - С. 7-8.

---

государственных и муниципальных органов власти в правовой сфере с помощью правовых средств, направленной на формирование, преобразование и развитие правовой системы общества в целях полного, комплексного и взаимосвязанного правового регулирования различных сфер общественной и государственной деятельности в условиях формирования демократического правового государства»<sup>1</sup>. Юридическая политика есть единство правовой политики (теоретический и концептуальный уровень) и юридической правореализационной деятельности (практический уровень), поэтому термины «юридическая политика» и «правовая политика» обозначают разные понятия, считает он. Тем самым он исключает из категории «правовая политика» практическую деятельность, составляющую, по мнению большинства исследователей, важнейший компонент рассматриваемого явления. На наш взгляд, исключение практики из содержания правовой политики в корне неверно. Включение же его означает, по сути, тождественность вышеуказанных терминов<sup>2</sup>. Поэтому мы не выделяем данный подход в качестве отдельной устоявшейся позиции.

Анализ литературы показывает: практически все исследователи сходятся во мнении о том, что правовая политика является органичной частью такого многосложного комплексного явления, как государственная политика, т.е. объективно обусловленной и целенаправленной системной деятельности государства по руководству и организации делами общества, обеспечению потребностей и защите интересов граждан страны. Когда мы характеризуем то или иное направление государственной политики (скажем, правовую политику), прежде всего, акцентируется внимание на её содержательной стороне, и слово «правовая» в данном случае становится как бы не прилагательным, а существительным.

Как видим, термин «правовая политика» характеризует довольно сложное и многозначное явление, имеющее свое содержание и форму. Этот термин тесно связан с такими понятиями, как «механизм правового регулирования», «правовое воздействие», «госу-

дарственное управление», «юридическая практика» и др. Безусловно, между этими понятиями есть много общего, все они представляют собой близкие, родственные явления. При этом каждое из этих понятий обозначает определённый срез, пласт юридической действительности, своеобразную форму бытия государства и права, и вместе с тем - проявление правовой политики.

Правовая политика - сложное и многогранное явление. Многосложность данного явления проявляется в объективном присутствии в его содержании как юридического, так и политического компонентов. Кроме того, оно содержит, как нам представляется, и функциональные, и институциональные составляющие.

Правовая политика выступает самостоятельной юридической категорией, обладающей целым рядом определенных признаков. К ним можно отнести следующие:

1. Детерминированность официальной деятельностью государства. Правовую политику невозможно представить без государства, она осуществляется им, носит властный характер, есть продукт его деятельности. В основе правовой политики всегда лежат интересы государства и общества. Иными словами, правовая политика представляет собой определенную форму деятельности государства. Основным субъектом правовой политики выступает государство в лице уполномоченных на то государственных органов и должностных лиц.

2. Комплексный и плановый характер правовой политики. Последняя есть не просто совокупность мероприятий юридического характера, но и целостное явление, обладающее единством и самостоятельностью. Необходимым элементом правовой политики должно быть юридическое прогнозирование во всех своих проявлениях: криминологическое, законотворческое, уголовно-правовое и др. Последовательность, системность и плановость должны быть непременным атрибутом разумной правовой политики любого государства. Связующими элементами правовой политики являются её цели и задачи, стратегия и тактика, а её основой -

---

<sup>1</sup> Бакарджиев Я.В. Юридическая политика государства: понятие, основные характеристики, факторы формирования и направления реализации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2006. - С. 10-11.

<sup>2</sup> Вместе с тем мы не отрицаем некоторых нюансов в понимании данных терминов. Скажем, в силу определенного смыслового различия понятий «правовая деятельность» и «юридическая деятельность» можно говорить о том, что не всякая юридическая деятельность является правовой, так как может носить неправовой характер, противоречить идеям и духу права. Однако это уже предмет другого исследования.

---

план (более широко: программа, концепция). Стратегия политики содержит систему идей, концепций и целей, определяющих ориентиры желательного развития правовой системы на отдалённую перспективу, а тактика - конкретные параметры и модели правового развития на ближайшее будущее.

3. Наличие системы правовых средств, составляющих инструментарий проведения государственно-правовых мер в общественной жизни. К средствам проведения правовой политики, на наш взгляд, следует отнести: а) программно-целевые документы (концепции, национальные программы, доктрины); б) правовые акты (законы, постановления, указы и др.); в) правоприменительные акты (акты-документы, акты-действия и др.); г) меры, установки, правоположения юридической практики; д) судебные решения; е) выработанные юриспруденцией приемы и методы правового воздействия на общественные отношения (санкции, поощрения, льготы, правовые режимы и др.).

4. Специфический характер объекта правовой политики - комплекс общественных отношений, явлений и институтов, связанных с правом. К основным из них относятся правовая система, правотворчество, юридическая практика и другие компоненты правовой жизни. Нельзя забывать, что право может выступать не только объектом, но и средством проведения правовой политики, как, впрочем, и любой иной государственной политики. Безусловно, право, точнее его нормы и принципы, выступают зачастую средством осуществления экономической, социальной, финансовой, технической, военной и других видов государственной политики. В то же время использование права при проведении других видов государственной политики не отрицает наличия и собственно правовой политики как одного из самостоятельных юридических явлений<sup>1</sup>.

5. Научная и практическая обоснованность. Правовая политика обязательно должна базироваться на солидной доктринальной основе. Юридическая наука есть важнейшая составляющая правовой политики, «генера-

тор» идей, концепций и целей, определяющих прогрессивное развитие права, она вырабатывает рекомендации по совершенствованию юридической практики и решению её проблем. Юридическая практика, в свою очередь, оказывает обратное воздействие на политику, ставит перед ней новые задачи. Правовая политика не является самоцелью, она опирается на юридическую практику, учитывает её потребности и ожидания. По сути, правовая политика как государственная деятельность, в основе которой не лежат научная и практическая обоснованность, перестает быть таковой.

6. Наличие внутренней структуры. Как и любое другое сложное явление, правовая политика представляет собой систему, состоящую из целого ряда взаимосвязанных компонентов. Правовую политику можно подразделить на такие составляющие, как законодательная (правотворческая), правоприменительная, уголовно-правовая, уголовно-исполнительная и др. Каждый из этих компонентов представляет собой конкретную отрасль (вид, направление) правовой политики, имеющую свою цель, задачи, объект и предмет.

7. Специфический круг субъектов, осуществляющих правовую политику. Совокупность этих субъектов составляет систему государственных органов и должностных лиц, определяющих основные ориентиры и реализующих стратегию государства в области юридической практики. Поскольку правовая политика есть деятельность, осуществляемая в сфере права, то к её субъектам можно отнести органы и должностные лица, выполняющие функции в области правотворчества, правоприменения, правоохраны. Здесь можно выделить как субъекты с общей компетенцией (глава государства, парламент, правительство), так и специальные субъекты (судебные органы, органы юстиции, внутренних дел и др.). Каждый из указанных органов и должностных лиц выполняет строго определённые функции, а все вместе - проводят правовую политику государства.

Таким образом, правовую политику можно определить как комплексную официальную

---

<sup>1</sup> Здесь, по нашему мнению, уместно говорить о применимости двух терминов: "правовая политика" и «правовое обеспечение политики государства» в определенной области (скажем, социальной или финансовой политики). Ведь без должного правового обеспечения невозможно эффективно реализовать ни один из видов государственной политики. Непродуманное и слабое правовое обеспечение политики государства в той или иной области общественных отношений ведет к сбоям в осуществлении этой политики.

---

деятельность государства по целенаправленному правовому воздействию на общественные отношения, представляющую собой научно обоснованную систему идей, установок, целей, задач и практических мер, провозглашаемых и проводимых государством в правовой сфере.

Правовая политика, как и любая иная, нацелена на будущее. В её основе лежат определённые цели, задачи, концептуальные идеи, определяющие желательное развитие права, его ориентиры и результаты. Другими словами, она потенциально содержит в себе элементы предвидения, прогноза. Юридическое прогнозирование как система методов познания будущего состояния и развития правовых явлений и институтов, представляет собой и принцип, и составную содержательную часть правовой политики.

Стратегическая направленность правовой политики подразумевает не сиюминутную, текущую деятельность, как справедливо замечает З.М. Исламов, а направлена на перспективу, она учитывает возможное развитие государства и права<sup>1</sup>. Только выверенная правовая политика, отражающая потребности правового развития, построенная в соответствии с поставленными целями, может принести ожидаемые результаты.

Необходимым условием результативности правовой политики является её научная обоснованность. Потребность в научном обеспечении и обосновании правовой политики связана с усложнением правовой жизни современного общества, расширением правового поля, т.е. пространства, сферы подлежащей правовой регламентации. Научно обоснованная, системная и последовательная правовая политика - необходимая предпосылка эффективности осуществляемых в переходный период реформ, основной целью которых является формирование гражданского общества и правового государства.

Анализ сущности и содержания правовой политики приводит к следующему выводу: она немыслима без прогнозирования, без

---

оценки вероятных последствий того или иного хода правового развития общества и государства.

Как видим, правовая политика и юридическое прогнозирование имеют много общего, они тесно переплетены друг с другом, взаимообусловлены и взаимосвязаны. По большому счету и правовая политика и юридическое прогнозирование имеют один и тот же объект: систему общественных отношений, складывающихся в сфере права, совокупность всех явлений правового характера, или, если использовать такую широкую по объёму категорию - «правовая жизнь». Именно на «совокупность юридических факторов, ведущих к юридическим последствиям», на «комплекс всех юридических явлений, включающий как позитивные, так и негативные составляющие»<sup>2</sup>, направлено активное целенаправленное правовое воздействие государства и его составляющих.

Эти же явления составляют объект юридического прогнозирования, поскольку невозможно предсказать вероятное развитие правовых явлений, не основываясь «на уже известном знании сущности интересующих нас явлений и процессов»<sup>3</sup>. «Предвидение, - отмечает К.Ж. Туленова, - является существенным связующим звеном между двумя видами деятельности: познавательной и практической»<sup>4</sup>. Действительно, правовая политика в ходе своего воздействия на юридическую практику опирается на прогнозирование. Все же следует отметить, что объекты правовой политики и юридического прогнозирования полностью не совпадают, поскольку их специфика определяется особенностями целей, задач, методов.

Каково же соотношение этих двух правовых категорий, в чем проявляется их взаимодействие и взаимовлияние, к каким результатам оно приводит?

Поиск ответов на эти вопросы поможет, как нам представляется, совершенствованию правотворческой деятельности, повышению эффективности и качества правовых норм, действенности и целенаправленности правовой политики.

---

<sup>1</sup> См.: Исламов З.М. Общество. Государство. Право. - Т., 2001. - С. 137.

<sup>2</sup> Малько А.В. Категория «правовая жизнь»: проблемы становления // Государство и право. - 2001. - № 5. - С. 5-6.

<sup>3</sup> Крапивенский С.Э. Социальная философия. - М., 1998. - С. 396.

<sup>4</sup> Туленова К.Ж. Научное предвидение как философская проблема и её методологическое значение для социальной практики в условиях независимого Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра философ. наук. - Т., 2001. - С. 16.

---

На наш взгляд, соотношение и взаимосвязь правовой политики и юридического прогнозирования определяются следующими факторами.

1. Оба правовых явления относятся к функциональной составляющей правовой системы, точнее механизма действия права. Они характеризуются динамичностью, активным воздействием на общественные отношения. И правовая политика, и юридическое прогнозирование есть деятельностные, динамичные, преобразующие явления, определяющие и характеризующие правовую практику как функционирующую систему, механизм воплощения целей права в практическую плоскость. Они, прежде всего, проявляются в юридически значимых действиях, мерах, акциях.

2. Юридическое прогнозирование служит базой, основой для правовой политики. Результаты прогнозирования ложатся в основу стратегии и тактики правовой политики. Если прогнозирование выявляет возможные пути правового развития общества, то правовая политика - желательное его развитие. Поэтому оба этих явления лежат в одной плоскости, продолжают друг друга.

3. Оба оперируют общими (или схожими) средствами, методами, инструментарием. Такие понятия, как «программа», «моделирование», «экстраполяция», «цель», «экспертная оценка» и другие входят в арсенал и правовой политики и прогнозирования.

4. Очевидна необходимость научной обоснованности и последовательности обоих видов деятельности. Настоящая правовая политика, равно как и прогнозирование, суть система научных знаний о возможном и желательном государственно-правовом развитии общества и действий по его планомерному воплощению в реальность. Она представляет собой цепь последовательных, логически связанных действий и мер по анализу, выработке и воплощению в жизнь политико-правовых решений. На каждом этапе осуществления правовой политики в той или иной мере применяются методы предвидения, вырабатывается юридический прогноз.

Указанные грани соотношения правовой политики и юридического прогнозирования свидетельствуют, с одной стороны, об их неразрывности, взаимообусловленности и

взаимопроникновении, а с другой - об известной их самостоятельности и самоценности в юридической практике.

Отсюда следует важный вывод: действенная, сбалансированная, продуманная правовая политика всегда основывается на научно обоснованном системном юридическом прогнозировании. Другими словами, лишь научно достоверная гипотеза о возможных путях развития государства и права может служить залогом эффективной системы практических действий по достижению поставленной цели.

В контексте рассматриваемой проблематики можно указать на следующие характерные черты проводимой в Республике Узбекистан правовой политики:

– принятие единой, целостной программы государственно-правового развития страны, которая определяет ориентиры стратегии государства в правовой сфере, служит базой для долгосрочной системы действий в государственном масштабе<sup>1</sup>;

– функционирование своеобразного координационного центра по руководству и согласованию правовой политики в масштабе всего государства. В нее входят представители Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, высших судебных органов страны, Аппарата Президента Республики Узбекистан, Министерства юстиции Республики Узбекистан, общественных организаций, научных учреждений;

– деятельность Института мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан по отслеживанию процессов, связанных с осуществлением правовой политики государства, их исследованию и анализу.

Таким образом, в условиях проведения социальных реформ успех правовой политики государства определяется такими качествами, как целеустремленность, последовательность, системность, научность, обоснованность на выверенных юридических прогнозах, ибо опирающаяся на глубокий и всесторонний анализ и учет тенденций развития государства и общества правовая политика способна привести к намеченным результатам.

---

<sup>1</sup> См.: Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. - 2010. - 13 нояб.



И. Турғунов\*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ: ТУШУНЧАСИ ВА ЮРИДИК МАЗМУНИ

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш, модернизациялаш бўйича кенг қамровли ва изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юксаклиги жамиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, яъни унга риоя этиш, ҳуқуқлардан фойдаланиш ва мажбуриятларни ўз вақтида бажариш юксак мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Инсон ҳуқуқларининг устувор таъминланиши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий принципларидан биридир. Асосий қонунимизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. 2-моддага мувофиқ, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар».

Умуман олганда, «инсон ҳуқуқи», «инсон ҳуқуқи маданияти», чин маънодаги «ҳуқуқий маданият» каби тушунчалар фақат мустақиллик шарофати билан ҳаётимизга кириб кела бошлади»<sup>1</sup>.

Маълумки, инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Шу боис, хусусан, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти

жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Жамият ҳуқуқий маданияти – аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ ҳодиса, шунинг учун инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари, эркинликларининг ривожланганлиги ва таъминланганлиги; амалда ҳуқуққа эҳтиёжнинг мавжудлиги; мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси кабилар белгиланади.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш – қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, жумладан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини фаоллаштиришни тақозо этади.

*Инсон ҳуқуқлари маданияти* ҳам маънавий маданиятнинг таркибий қисми саналади. Бу тушунча илк бор 1989 йилда БМТ ахборот материалларининг саҳифаларида пайдо бўлди. Лекин у фанда тадқиқот предметига айлангани йўқ, юридик адабиётларда ушбу тушунчага ҳанузгача умумэтироф этилган ягона таъриф берилмаган. Профессор З.Исломовнинг таъкидлашича, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчаси ҳуқуқнинг инсон-парварлашуви ғоясидан келиб чиқади. Шу боис, мазкур тушунча мазмунини ёритиш, унинг асосий таркибий қисмларини фарқлаш»<sup>2</sup> муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари маданияти ҳақидаги фикрлар илк бор Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 29 августдаги

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

<sup>1</sup> Ниёзов М. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шаклланишида ҳуқуқшунос кадрлар салоҳиятининг аҳамияти / Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш – мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифа: Халқаро давра суҳбати материаллари. – Т., 2012. – Б.161.

<sup>2</sup> Исломов З. Инсон ҳуқуқлари маданияти: тушунча, мазмуни ва шакллари // Фуқаролик жамияти. – 2009. – № 4. – Б. 27.

биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» номли маърузасида илгари сурилган бўлиб, унда қайд этилишича, «аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак»<sup>1</sup>.

Ушбу фикрлар кейинчалик янада устувор аҳамият касб эта бошлади. Хусусан, давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида «инсон ҳуқуқлари маданияти»га алоҳида тўхталиб, уни ривожлантириш муҳим масала эканлигини яна бир бор қайд этди. Ушбу устувор вазифадан келиб чиққан ҳолда жамият ҳаётида инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришда айнан инсон ҳуқуқлари маданиятига янада жиддий эътибор қаратилди.

Юқорида қайд этилганидек, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчаси юзасидан ҳозирги кунга қадар нафақат республикамиз ҳуқуқшунос олимлари, балки чет эллик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам ягона илмий таъриф ишлаб чиқилмаган бўлса-да, улар томонидан ушбу тушунча бўйича айрим фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Масалан, профессор З.Исломовнинг фикрича, «ҳуқуқий маданият», «ҳуқуқ маданияти» ва «инсон ҳуқуқлари маданияти» ўхшаш тушунчалардир, бироқ бир-бирининг таркибий қисми ҳисобланмайди, лекин жамият маънавий маданиятининг таркибий

қисмлари сифатида бир-бири билан табиий ва мураккаб алоқаларга киришади. ...Зеро, ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳим омили ва уларни рўёбга чиқариш усулидир. Шу боис ҳуқуқ замиридаги инсонпарварлик хусусияти инсон ҳуқуқларини амалда янада самаралироқ рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари маданияти эса инсон ҳуқуқлари кафолатларига дахлдор омил ҳисобланади»<sup>2</sup>.

Бинобарин, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчаси, назаримизда, кўпроқ амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан З.Исломов: «Инсон ҳуқуқлари маданияти – бу маънавий маданиятнинг инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳурмат қилишга асосланган билимлар, қадриятлар, йўналишлар ва қарашларнинг, шунингдек бу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш борасидаги амалий тажриба ва кўникмалар тизимидан иборат таркибий қисмидир», деб таъриф беради.

Профессор А.Х. Саидовнинг таърифига кўра, «инсон ҳуқуқлари маданияти – юксак ҳуқуқий маданиятнинг узвий қисми сифатида демократик жамиятнинг асоси ва баркамол ҳуқуқий тизимнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Қонунни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамият, сиёсий ва ҳуқуқий тизим фаолияти самарадорлигининг асосий шартларидандир»<sup>3</sup>.

Ш.У. Якубовнинг фикрича, «инсон ҳуқуқлари маданияти – бу ҳар бир шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни мукамал даражада билиш, уларни муваффақиятли амалга ошириш (ҳуқуқ нормаси талабларига риоя қилиш, мажбуриятларини бажариш, ваколатларидан фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллаш), бошқа шахсларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва инсон ҳуқуқларини бузадиганларга муросасиз хулқатворда бўлишда ифодаланадиган ижтимоий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади»<sup>4</sup>.

А.Яшнарьбековнинг таърифига кўра, «инсон ҳуқуқлари маданияти – бу шахснинг инсон ҳуқуқларига доир меъёрларни мукамал

<sup>1</sup> Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 119–120.

<sup>2</sup> Исломов З. Инсон ҳуқуқлари маданияти: тушунчаси, мазмуни ва шакллари // Фуқаролик жамияти. – 2009. – № 4. – Б. 27.

<sup>3</sup> Саидов А.Х. Истиқлол ва инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – № 7. – Б. 3–5.

<sup>4</sup> Якубов Ш.У. Инсон ҳуқуқлари маданияти: мазмун-моҳияти ва ижтимоий зарурати // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалалари. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б.402.

ўзлаштириши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиши ва уларни рўёбга чиқариши, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этиши, ўзгаларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, инсон ҳуқуқларини бузадиганларга нисбатан мурасасиз хулқ-атворда бўлишида ифодаланадиган ҳаётий фаолият шакли бўлиб, у айна вақтда ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятнинг замонавий кўриниши ҳисобланади»<sup>1</sup>. Ушбу таърифда «инсон ҳуқуқлари маданияти»ни «ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятнинг замонавий кўриниши» сифатида таърифланиши, назаримизда, у даражада тўғри эмас.

Чунки юқорида қайд этиб ўтилганидек, «ҳуқуқий маданият», «ҳуқуқ маданияти» ва «инсон ҳуқуқлари маданияти» ижтимоий маданиятнинг таркибий қисмлари сифатида бир-бирига ўхшаш тушунчалар бўлса-да, бироқ бир-бирининг таркибий қисми бўла олмайди. Бинобарин, уларнинг, яъни «ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятнинг замонавий кўриниши» сифатида талқин этилиши ҳам нотўғридир. Бундан ташқари, бу ерда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклий кўриниши эмас, балки унинг мазмун ва моҳияти кўпроқ аҳамият касб этади.

«Инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчасини очиб беришда хорижлик мутахассисларнинг фикрлари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади, албатта.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро таълим маркази мутахассиси Винченца Назарининг (Канада) фикрича, *инсон ҳуқуқлари маданияти – бу сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маъноларда ҳаёт тарзи бўлиб, у ҳар доим ривожланиб боради ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандарт ва нормалар унга илҳом бағишлайди ва унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлади*<sup>2</sup>.

Лори Роднининг (Сан-Франциско) таърифига кўра, *инсон ҳуқуқлари маданияти*

*шундай маданиятки, унда ҳамма инсон ҳуқуқларининг аҳамиятини англайди ва барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади ҳамда фуқароларда инсон ҳуқуқлари учун масъуллик (жавобгарлик) ҳисси юзага келади.*

Вафула Муила (Дания) *инсон ҳуқуқлари маданияти бу шундай шартки, унда инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳаёт тарзига айланади*<sup>3</sup>, дея фикр билдиради.

«Халқаро амнистия» нодавлат ташкилотининг талқинига кўра, *инсон ҳуқуқлари маданияти бу шундай муҳитки, унда жамиятнинг барча аъзолари инсон ҳуқуқларини англайди, қадрлайди ва ҳимоя қилади ҳамда унда тенглик, қадр-қиммат, ҳурмат, камситмаслик ва фаол иштирок этиш каби қадриятлар олиб борилаётган сиёсат ва жамиятда кечаётган барча жараёнларнинг асосини ташкил этади*<sup>4</sup>.

Мазкур талқин бир тарафдан ҳар бир алоҳида шахснинг бундай маданиятни шакллантиришдаги роли ва масъулиятини, бошқа тарафдан эса барча жараёнлар инсон ҳуқуқлари маданияти асосида олиб борилиши лозим бўлган давлатнинг родини таъкидлаб кўрсатади.

Юқоридаги таърифларнинг мазмун ва моҳиятан бир хиллиги ёки қайсидир жойлари бир-бирини тўлдиришининг сабаби, фикримизча, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчаси ҳамда унинг таркибий қисмларини очиб беришда маълум бир меъёр ёки қатъий қоида қўллаш доирасининг аниқ чегараси мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Ушбу меъёр ва қоидаларни шакллантириш учун эса, назаримизда, энг аввало, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчасини очиб беришга асос бўлувчи ўзига хос ва ўзаро алоқадор бўлган белгиларга аниқлик киритиш талаб этилади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

<sup>1</sup> Яшнарьбеков А. Инсон ҳуқуқлари маданияти ва фуқаролик жамияти институтлари // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш – мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифа: Халқаро давра суҳбати материаллари. – Т., 2012. – Б.165–167.

<sup>2</sup> Хацук П. Формирование культуры прав человека и роль БДИПЧ ОБСЕ в этом процессе // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш – мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифа: Халқаро давра суҳбати материаллари. – Т., 2012. – Б. 32.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Проект Международной амнистии «Школы, которые дружат с правом человека» <http://friendlyschools.tiged.org/?about=hrfsn>

*биринчидан*, жамият аъзолари ҳуқуқий онгининг ҳолати, жумладан ҳуқуқий билим даражаси ва уни амалга ошириш имконининг кафолатланганлиги;

*иккинчидан*, қонунчилик ҳолати, яъни қонунчилик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва мазмуни, унинг амалий самараси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараённинг кенг қамровлиги шунда кўринадики, фаол ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида юзага келган айрим муаммолар бу борада ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар кўришни тақозо этади. Қабул қилинган қонунда маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ барча масалалар ўз ифодасини тўлиқ топиши ва муайян бўшлиқларнинг олдини олиш, ушбу жараённинг ўта мураккаблигини билдиради;

*учинчидан*, қонун ҳужжатларининг ҳолати, яъни қонуности ҳужжатларини ҳам шаклан, ҳам мазмунан такомиллаштириб бориш зарурати. Афсуски, қонун нормаларига зид равишда қонуности ҳужжатларининг нормаларини етакчи аҳамият касб этиши ҳоллари ҳуқуқни қўллаш амалиётида баъзан учраб туради<sup>1</sup>.

Хусусан, Павел Хацукнинг таъкидлашича, инсон ҳуқуқлари маданиятини тушунтиришда мазкур тушунчанинг бир нечта шартли белгилари (ўлчовлари)ни, яъни «вертикал» ва «горизонтал» белгилари (ўлчовлари)ни таклиф қилади. «Горизонтал» белги (ўлчов) бирлиги кенг маънода – шахсий, жамоатчилик (ёки давлат) ва халқаро миқёсдаги тушунчаларни қамраб олиши мумкин. «Вертикал» белги (ўлчов) бирлиги эса ўзида ахлоқий ва ҳуқуқий яхлитликни мужассамлаштиради<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари маданияти тўғрисида сўз юритганда, бу тушунча мазмун ва оҳанг жиҳатдан уйғун бўлган бошқа ҳуқуқий атамалар, чунончи, ҳуқуқий маданият, инсоннинг маданий ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ

эканлигини пайқамаслик мумкин эмас. Бу тушунчалар мазмунан яқин бўлса-да, лекин амалда бир-биридан анча фарқ қилади.

Шу боис, инсон ҳуқуқлари маданияти замирида инсон шахсининг қадр-қиммати ғояси ётадики, бу, шак-шубҳасиз, ахлоқий категориядир. Шу сабабли мазкур тушунчага тавсиф беришда, ахлоқий жиҳат, аниқроғи маънавият етакчилиги қилади<sup>3</sup>. Зеро, «Маънавият – инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлаштирувчи тушунча»<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, «маънавият» тушунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди... Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутуди»<sup>5</sup>.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ҳуқуқий маданиятнинг энг юқори босқичидир десак, хато бўлмайди. «Бу, биринчи навбатда, мамлакатимиз Президенти таъбири билан айтганда, қонунни ҳимоя қилувчи ва унинг ижроси назоратини таъминловчи органларга тааллуқлидир. Яъни, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўзи қонунларга сўзсиз риоя қилишини таъминлашимиз зарур»<sup>6</sup>. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир<sup>7</sup>.

Ушбу ўринда Юртбошимизнинг «қонунга беписандлик билан қарамаслик, уларга сўзсиз риоя қилиш талабларини кучайтиришни аввало шу идоралардан бошлаш керак»<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Кудрявцев И.В. О научно-методологических аспектах формирования культуры прав человека в обществе // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш – мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифа: Халқаро давра суҳбати материаллари. – Т., 2012. – Б. 139.

<sup>2</sup> Хацук П. Кўрсатилган манба. – Б. 33.

<sup>3</sup> Исломов З. Инсон ҳуқуқлари маданияти: тушунча, мазмуни ва шакллари // Фуқаролик жамияти. — 2009. – № 4. – Б. 28.

<sup>4</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т., 1996. – Б. 111.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 19.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 344.

<sup>7</sup> Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқи назарияси. – Т., 2007. – Б. 872.

<sup>8</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 88.

«Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»<sup>1</sup>, деган фикрлари тўла асослидир.

Мазкур талаб ички ишлар органларининг барча ходимлари учун ҳам тегишлидир. Ходимларнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва билими, фуқаролар билан бўладиган муносабатлардаги ижобий хулқ-атвори, ўз иши ва касбига бўлган садоқати, нафақат ҳамкасбларининг, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг обрўсини ҳам оширади. Айни вақтда, фуқароларнинг давлат бошқарув органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқшунос олим А.Х. Саттаровнинг фикрича, давлатчиликнинг ривожланиши, жамият тараққиётининг илғорлашуви бевосита ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашувига, бу эса, ўз навбатида, мазкур ижтимоий муносабатларни бевосита ҳуқуқ ёрдамида тартибга солишга ҳамда бу ҳуқуқларни «қўриқловчи» ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли ва мавқеини ошириш заруратини юзага келтиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат ва жамиятдаги нуфузи ошиб борар экан, давлат томонидан уларга берилган кенг ваколатлар ҳисобига уларнинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ фаолиятида улкан имкониятларни юзага келтиради. Бундай имкониятнинг мавжудлиги эса ўз-ўзидан ушбу органларнинг «юриш-туриши» билан боғлиқ айрим муаммоларни юзага келтиради, улар томонидан ҳуқуққа зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши эҳтимолини келтириб чиқаради<sup>2</sup>.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябр-

даги қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида «Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда»<sup>3</sup>, деб таъкидлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг жорий этилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали таъминлаш механизмини шакллантирилишида ўзига хос туртки бўлди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар бевосита ҳуқуқий таъсир этиш чораларини қўллаш ваколатига эгадирлар. Бунинг натижасида улар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш хавфи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолат демократияга нисбатан реал хавфни келтириб чиқариши боис, ушбу органлар фаолиятини назорат қилиб туриш механизмнинг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Ушбу органлар фаолиятида ана шунга ўхшаш қонунлардан четга чиқиш ҳолатлари юз берса, бунинг оқибатида ушбу давлат органларининг, умуман, давлатнинг обрўсизланишига, амалда уларга нисбатан халқ ишончининг кескин пасайишига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келади<sup>4</sup>.

Ушбу ўринда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Биз давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги нохуш ҳолатлар – аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятни обрўсизлантираётган порахўрлик, тамагирлик ва коррупция кўринишлари билан

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б. 29.

<sup>2</sup> Саттаров А. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми. – Т., 2012. – Б. 44.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2012. – Б. 27.

<sup>4</sup> Саттаров А.Х. Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2003. – С. 3.

---

бундан буён асло мураса қила олмаймиз»<sup>1</sup>, деган таъкидлари ўринлидир.

Тўғрироғи, «...агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади»<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг асл мазмун ва моҳияти ҳам миллий маънавиятимизга асосланган ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Албатта, инсон ҳуқуқларини тан олиш ва халқаро меъёрлар доирасида уларни ҳимоя қилишнинг турли воситаларини яратиш, айтиш мумкинки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизимнинг демократик мазмунда такомиллашиб бориши қонуний ҳолдир. Бундай шароитда ҳуқуқий муносабатлар янги савияга кўтарилиши, қонунчиликнинг жамият даражасига мос тарзда янгиланиб бориши кузатилади. Булар ўз навбатида, «юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришни талаб этади. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бевосита давлатимизда юридик таълимнинг аҳволи, ривожланиш даражаси, сифатига боғлиқ бўлиб, бу ҳол ушбу соҳадаги муаммоларни тадқиқ этиш ва унга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади»<sup>3</sup>.

Фикримизча, ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим. Жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳуқуқий маданият ва миллий

маънавиятимиз асосларига жиддий эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш каби вазифаларни аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини шакллантирмай туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Демак, ҳуқуқий маданият – миллий маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми экан, уни янада такомиллаштириш талаб этилади. Зеро, ҳуқуқий маданият халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланган ҳолда – инсоф ва иймон, адолат ва қонунийлик, инсонга юксак ҳурмат ва эътибор, сабр-тоқат каби маърифат ва ҳақиқат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилади.

Хуллас, кишиларнинг фикрини, дунёқарашини мустақиллигимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий маданиятини миллий маънавиятимиз билан ҳамоҳанг тарзда юксалтириш устувор вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш жамият ҳаётининг ижтимоий шароитларини яхшилаш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, фуқароларимиз ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга масъул бўлган давлат органларининг қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини бекаму кўст ишлаши, фикримизча, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари маданияти юксак ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятнинг энг юқори шакли сифатида фуқаролик жамиятида намоён бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш барча фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва давлат ҳокимияти органлари учун одатий ҳаёт тарзига айланади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т., 2000. – Б. 336.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – Б. 184.

<sup>3</sup> Абдуллаев И.Б. Республикада юридик таълимнинг истиқболи. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2006. – Б. 3.

## «ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимизда қисқа давр ичида Конституцияга таянган ҳолда мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Президент Ислам Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислохотлар ва либераллаштириш жараёнлари мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Унда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш ҳамда мустақамлаш жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси олдинги ўринга қўйилди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳаси асосларини шакллантириш масалалари ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилди.

Давлатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай деган эди: «Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи лозим. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»<sup>1</sup>. Миллий истиқлолимизнинг тарихан қисқа, аммо сермазмун йиллари давомида суд мустақиллигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини миллий қонунчиликда мустақамлаш, давлат органларининг фаолиятини айнан шу соҳага йўналтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мазкур қоидага амал қилган ҳолда ўтказилаётган ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат

органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш биринчи даражали устувор вазифа сифатида белгиланди. Собиқ Иттифоқ даврида жазоловчи орган ҳисобланиб келган суд, милиция ва прокуратурани демократик институтларга айлантириш учун ҳуқуқий асослар яратилиб, бу йўналишда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Инсоннинг узвий ҳуқуқи ҳисобланмиш яшаш ва дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги навбатдаги қадам, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши бўлди, бунинг натижасида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатини катта қизиқиш билан қарши олди. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар, шу жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабеас корпус» институтининг жорий этилишини қизғин қўллаб-қувватлашини билдирди.

«Habeas corpus» – «Сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан», деган маънони англатиб, бу тартибот XII асрдаёқ пайдо бўлган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т., 2003. – Б. 30–31.

---

ва илк бор Англия парламенти томонидан 1679 йилдан бошлаб қонун билан амалиётга татбиқ этилган. Ушбу ҳужжатга 1689, 1766 ҳамда 1816 йилларда қўшимчалар киритилиб, янада такомиллаштирилган. Ҳозирги кунда у, энг аввало, инглиз-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатларида, шунингдек, Лотин Америкаси давлатларида инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг энг ишончли кафолати сифатида такомиллашиб бормоқда.

Мазкур институт мамлакатимизда жорий этилиб, инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлмиш озодлик, эркинлик ҳуқуқини чеклаш фақатгина суд томонидан амалга оширилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу эса, мамлакатимизда демократик тамойилларни жорий этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да мазкур институт талабларини юртимизда янада кенгроқ жорий қилиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу - қонун устуворлиги ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Концепция давлатчилигимизнинг келгусидаги тараққиётини белгилаб берувчи ислохотлар лойиҳаси сифатида хизмат қилади. Унда сўз юритилган долзарб масалалар орасида, айниқса, мамлакатимиз суд тизимига бевосита дахлдор бўлган фикрлар алоҳида эътиборга сазовор. Концепцияда илгари сурилган бу борадаги таклифлар суд ҳокимияти фаолиятининг келажагига беқиёс таъсир этишини эътироф этиш ўринли.

Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур Концепцияда бугунги кундаги сиёсий, иқтисодий, давлатга оид ҳуқуқ муносабатларининг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш мақсадида бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи

сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бунда судга қадар иш юритувда қўлланадиган чоралар, яъни лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби қайд этилган. Шунга кўра, яъни концепцияга мувофиқ «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши, шубҳасиз, бу борада амалга оширилаётган ислохотларда яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, аввало, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор, терговчи томонидан қўлланиладиган айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби белгилаб қўйилди. Бундай чорани қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда, прокурор, терговчи мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни судга юборади. Мазкур илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материаллар келиб тушган пайтдан, эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Бу, албатта, жиноят иши бўйича суд терговининг тезкор ва сифатли ўтказилишига, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Франция, Япония, Корея Республикаси, Россия каби давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, айбланувчини лавозимидан вақтинча четлаштириш ва шахсни экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини жиноят процессида қўллаш фақат суд тартибида амалга оширилади. Юқорида қайд этилганлардан ташқари, мазкур Қонунга кўра айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришнинг суд тартиби ҳам киритилди. Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда шифокорлар ҳулосаси асосида бу муддат прокурор илтимосномаси бўйича суд томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.



Бундан ташқари, мазкур Қонун билан прокурор зиммасига судда жиноят иши кўрилади, айблов хулосасини эълон қилиш мажбурияти ҳам юклатилди. Айтилади, АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Россия сингари жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида жиноят ишларини қўзғатиш суриштирув ва жиноят ишини юритишга масъул бўлган бошқа мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади, айблов хулосасини эълон қилиш эса прокурор зиммасига юклатилган. Ушбу давлатларнинг қонунларида, шунингдек, айблов хулосасининг прокурор томонидан ва ҳукмнинг суд томонидан қарор қисми эълон қилинишига йўл кўйилади. Мазкур қоидаларнинг қўлланилиши суднинг ишни кўришни адолатли тарзда олиб бориш ва одил судловни тезкор амалга оширишдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бу эса шубҳасиз, суд ҳокимияти ваколатларини изчил ошириб бориш, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради. Шунингдек, суриштирув, тергов ва суд амалиётида фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш учун янада ҳолис механизм жорий этилишига ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларни кенгайтиришга; суриштирув ва тергов ходимлари масъулиятини ошириш ҳамда дастлабки тергов сифатини яхшилашга, шахснинг шикоят қилиш кафолатларини кенгайтиришга; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланганидек, ҳар қандай шахс учун суд орқали ҳимояланиш имкониятларини яратишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, концепцияда суд-ҳуқуқ соҳасини қамраб олувчи масалалар бўйича билдирилган таклифлар бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда демократик тамойилларнинг янада чуқур илдиз отишига тўла асос бўла олади. Юқорида қайд этилганлардан ташқари, бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида Концепцияда белгиланган қўйидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти давлат айбловчиси зиммасига юклатилди. Чунки мазкур норманинг аввалги таҳририда давлат айбловчиси,

яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган бўлиб, бунинг оқибатида айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилар, бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмас эди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилгани суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу билан *биринчидан*, суд жараёнини пухта олиб боришга ва аниқ ташкиллаштиришга эришилган бўлса, *иккинчидан*, масалани тўлақонли ёритиш, вазиятга тўғри баҳо бериш, муаммоларга аниқ ечим топиш ва ниҳоят, суд томонидан адолатли, асосли ва қонуний ҳукм чиқариш имконияти яратилди. Бундан ташқари, судларнинг мустақиллиги ва холислиги тамойилларининг бузилишига ёхуд шу ҳақдаги тасаввурларнинг келиб чиқишига чек қўйилди. Бинобарин, суд фақат одил судловни амалга ошириши лозим. Агар у давлат айбловини ҳам эълон қиладиган бўлса, унинг айбланувчига нисбатан салбий муносабатда эканлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлади, бунинг оқибатида судларнинг бетарафлиги принципига путур етади. Концепцияга кўра Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколати чиқарилди. Жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси ҳисобланиб, суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Дарҳақиқат, суд ўзининг бутун диққатини одил судлов фаолиятини олиб боришга қаратиши зарур. Унинг асосий вазифаси билан қамраб олинмайдиган бошқа ҳеч қандай функция уни бу фаолиятни самарали амалга оширишига халақит бермаслиги ёки унинг эътиборини чалғитмаслиги лозим. Айнан шунинг учун суднинг жиноят иши қўзғатиш ваколати ҳам юқорида таъкидлаб ўтилганидек, унинг фаолиятининг холислиги ва бетарафлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Қолаверса, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг асосий вазифасини ташкил этадиган процессуал фаолиятни амалга оширишга суднинг ҳеч қандай эҳтиёжи йўқлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Х.Т. Одилқориев\*

### ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ: МОҲИЯТИ, ТУЗИЛИШИ ВА МЕХАНИЗМИ

Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий хабардорлиги мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муваффақиятининг ишончли гаровидир. Фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқининг таъминланганлиги, бундай ахборотнинг оммабоплиги юқоридаги мақсадга эришишда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситалари (ОАВ)ни одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз<sup>1</sup>. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этиб, демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ушбу раҳбарий кўрсатма фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлашга ҳам бевосита дахлдордир.

Мазкур масала давлат сиёсатининг марказида эканлигини қуйидаги расмий ҳужжат ҳам яққол исботлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида»ги 1994 йил 13 июнь қарорида ёшлар ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шарти, муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланган<sup>3</sup>.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва савиясини юксалтиришда *ҳуқуқий тарғиботнинг* аҳамияти беқиёслигига, шунингдек ҳуқуқий тарғибот самарасини ошириш зарурлиги хусусида турли даражада (илмий адабиётлар, матбуот, расмий доираларда ва ҳоказо) тинимсиз таъкидланишига қарамасдан, ушбу ҳуқуқий институт (воқелик, категория) хусусида ҳанузгача жўяли ҳуқуқий билим ҳосил қилинмаган, назарий тадқиқотлар деярли олиб борилмаган. Шунингдек, ҳуқуқий тарғиботнинг методологик пойдевори ҳамда методикаси илмий нуқтаи назардан ишлаб чиқилмаган.

Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тизимнинг мустақил таркибий элементи, алоҳида воқелиги (институти) сифатида ўзига хос мазмун ва махсус хусусиятлар билан тавсифланади. *Ҳуқуқий тарғибот* жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи фаолият сифатида муайян мазмунга, моҳиятга ва тизимга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг *ижтимоий-юридик табиати* ва мазмун-моҳиятини

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2011. – Б.28.

<sup>2</sup> Ўша манба. — Б.28.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. – 1994.— №6. – Б.204–205.

---

англаш учун тегишли методологик ёндашувлар талаб этилади. Мазкур методологик талқиннинг дастлабки қадами «*ҳуқуқий тарғибот*» иборасининг тушунчасини ойдинлаштиришдан, унинг таърифини шакллантиришдан иборат.

Махсус юридик адабиётларда ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий тарғибот мавзусига ҳамоҳанг кўплаб термин ва ибораларни учратиш мумкин. Масалан, «*ҳуқуқий тарбия*», «*ҳуқуқий маърифат тарғиботи*», «*ҳуқуқий ахборот тарқатиш*», «*ҳуқуқий маданиятни шакллантириш*», «*ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш*», «*ҳуқуқий ахборотлаштириш*», «*ҳуқуқий билимларни оммалаштириш*» ва ҳоказо. Ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш жараёнида, шунингдек, «*ҳуқуқий ахборот*», «*ҳуқуқий ахборот майдони*», «*расмий ҳуқуқий ахборот*» каби тушунчалар қўлланилиб келинмоқда. Табиийки, уларнинг ҳар бири тегишли илмий ва амалий изоҳ талаб этади.

**Ҳуқуқий тарғиботнинг методологияси**, аввало, унинг талқинига комплекс ва тизимли ёндашувни тақозо қилади. Ҳуқуқий тарғибот институти хусусида тўла-тўқис билим ҳосил қилиш учун унинг моҳияти, мазмуни, хусусиятлари, функциялари, структурасини, амалга оширилиш механизмини, шакллари ва усулларини атрофлича таҳлил этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кундаги ислохотлар ва жамиятни модернизациялаш жараёнлари ҳуқуқий тарғибот замонавий инновацион технологиялар асосида, интерактив усулларда амалга оширилишини ва реал самара берувчи воситалар ёрдамида, энг муҳими, оммавий шаклларда ташкил этилишини назарда тутаяди. Сўнги йилларда қонунчиликни тарғиб этишда «Он-лайн» тармоғидан, «Интернет» тизимидан фойдаланилаётганлиги, унда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими (манба)ни ифодаловчи «LexUz», «Норма», «Право» ва бошқа дастурларнинг яратилганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда, ушбу замонавий технологик тизим ҳуқуқий ахборот тарқатишнинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Маълумки, давлат ўзи яратган қонунларнинг, амалдаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини аҳоли кенг

қатламларига, барча фуқароларга, ҳуқуқ субъектларига мунтазам етказилишидан манфаатдор. Шу боис давлат мамлакат миқёсида қонунларни, ҳуқуқни фаол тарғиб этишни таъминловчи изчил тизим яратишга интилади.

Мавзунинг методологик жиҳатлари муҳимлигидан келиб чиқиб, бу борада бир қатор категорияларга назарий жиҳатдан аниқлик киритиб олиш лозим. Хўш, «ҳуқуқий тарғибот» қандай маънони англатади? Аввало, «ҳуқуқий тарғибот» билан «*ҳуқуқий билимлар тарғиботи*» ва «*ҳуқуқни тарғиб қилиш*» ибораларининг нисбатига эътибор қаратайлик. «Ҳуқуқий тарғибот» сўз бирикмаси илмий лекционда ва амалий ижтимоий-ҳуқуқий нутқимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган. «Ҳуқуқий тарғибот» термини амалда назарда тутилаётган «ҳуқуқни тарғиб қилиш» ёки «ҳуқуқий билимлар тарғиботи» деган маъноларни англатиш мақсадида қўлланилса-да, бироқ, мантиқан ва этимология нуқтаи назаридан фикр юритганда, аслида олиб борилаётган тарғиботнинг ҳуқуқийлигини, яъни ҳуқуқ доирасида, ҳуқуққа мувофиқ тарзда амалга оширилаётганини англатаётгандек туюлади. Агар мазкур тушунча борасида фалсафий антитезис ёки қарама-қаршилиқлар диалектикаси даражасида таҳлил юритиладиган бўлса, қуйидагича хулосага келиш мумкин. Башарти, «ҳуқуқий тарғибот» мавжуд бўлса, демак, унинг акси «ноҳуқуқий» тарғибот ҳам бўлиши мумкин. «Ноҳуқуқий тарғибот» деганда ғайриқонуний, ҳуқуққа хилоф тарғибот олиб бориш (масалан, диний-экстремистик мазмунда тарғибот олиб бориш ёки урушни тарғиб қилишнинг ғайриқонунийлиги) назарда тутилади.

Мухтасар айтганда, *ҳуқуқий тарғибот* ибораси нутқимиз ва тилимизга чуқур сингиб ўрнашди. Биз бу атамани «ҳуқуқни ва ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш» ҳодисасини ифодалашда қулай бўлганлиги боис кенг қўллаймиз.

Ҳуқуқий тарғиботнинг илмий таърифига келсак, адабиётларда уни тушунишда яқдиллик йўқ. Баъзилар ҳуқуқий тарғиботни қонунларни тушунтириш, изоҳлаш деб таърифласа, бошқа олимлар уни ҳуқуқ ҳақидаги ахборотни етказиш деб баҳолайдилар.

Учинчи гуруҳ мутахассислар эса, аҳолида ҳуқуқий билимлар минимумини ва муайян ҳуқуқий маданиятни шакллантириш воситаси деб ҳисоблайдилар.

Юридик табиатига кўра, *ҳуқуқий тарғибот* ҳуқуқий тарбиянинг асосий усулларида бири бўлиб, кенг омма орасида ҳуқуқий билимларни тарқатиш, давлатнинг ҳуқуқий сиёсати ва ҳуқуқий мафкура асосларини аҳоли ижтимоий онгига сингдириш, унда ҳуқуқий ғоялар, талаблар, қарашлар, қадриятлар ва ҳуқуқий эътиқодни қарор топтириш, шунингдек ижобий ҳуқуқий хулқ-атвор моделини мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир. Ҳуқуқий тарғибот жамият миқёсида ҳуқуқий билимларни тарқатиш, реципиентларга ҳуқуқий ахборотни мунтазам етказиш учун ташкил этиладиган, мақсадга мувофиқ бошқариладиган жараёндир.

Ушбу жараён қуйидаги элементлардан иборат тарзда кечади:

а) ҳуқуқий ахборотни тарқатувчи (етказувчи, тарғиб қилувчи) **субъект** – *коммуникатор*;

б) ҳуқуқий билимларни, ахборотни қабул қилувчи **объект** – *коммуникант*;

в) **ҳуқуқий ахборот** – *коммунике*;

г) ҳуқуқий коммуникациянинг **амал қилиш майдони** — *ҳуқуқий таъсир ўтказиш вазияти*.

Ҳуқуқий тарғибот субъектлари (давлат органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутасадди ходимлари, ҳуқуқшунос мутахассислар ва олимлар) фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида қонунчиликка оид ва бошқа ҳуқуқий ахборотни аҳоли кенг қатламларига, айниқса ёшларга етказадилар. Бунда ҳуқуқий тарғиботнинг турли *усуллари*, *воситалари ва шакллари*дан фойдаланилади. Булар маъруза, давра суҳбати, ҳуқуқий адабиётларни нашр этиш, интерфаол мулоқот, мультимедиали тақдимот, видеороликлар намойиши, радио, телевидение ва матбуот воситасида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш ва бошқалар.

Ҳуқуқий тарғиботнинг мақсади — давлат ва жамият ривожланиши манфаатларидан

келиб чиқиб, фуқаролар ва ҳуқуқнинг бошқа субъектларида зарур ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий эътиқодни, қонунларга ҳурмат кўникмаларини, ҳуқуқий хулқ-атвор андоза (стереотип)ларини қарор топтириш асосида муайян ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқий тарғиботнинг пировард натижаси фуқароларнинг *ҳуқуқий ижтимоийлашувига*, уларнинг ҳуқуқий ислоҳот жараёнларининг фаол иштирокчисига айланишига эришишда намоён бўлади. Ҳуқуқий тарғиботнинг мақсадига эришиш *мезони*, унинг самарадорлик *кўрсаткичи* фуқароларнинг, аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий ахборотлашганлик даражаси, ҳуқуқий хабардорлик даражаси юқорилиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, фуқароларнинг қонунчилик асосларини билиши, ҳуқуқий ҳаёт ходисалари ва воқеликларидан яхши хабардорлиги ижтимоий ҳуқуқий онгнинг, ҳуқуқий маданиятнинг ўзагини ташкил этади. Ҳуқуқий хабардорлик, бир тарафдан, фуқаролар томонидан муайян ҳуқуқий ахборотни ўзлаштиришни англатса, иккинчи тарафдан, уларнинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий соҳада онгли, фаол иштирок этиши имкониятини кафолатлайди.

Шундай қилиб, **ҳуқуқий тарғиботнинг моҳияти** фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар (яъни, тарғибот олиб борилаётган аудитория)нинг онгига мақсадли маънавий-ҳуқуқий таъсир ўтказиб, уларга жамиятда умумэтироф этилган ҳуқуқий билимларни етказиш, улар онгида ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, қадриятлар ва ҳуқуқий хулқ-атвор стереотиплари (моделлари)ни қарор топтиришга, ҳуқуқий маърифат тарқатиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Юқорида таъкидланганидек, давлат фуқароларнинг амалдаги қонунчилик мазмунидан яхши хабардор бўлишидан манфаатдордир. Шу сабабли у мамлакат миқёсида кенг *ҳуқуқий ахборот майдонини* вужудга келтиради. Табиийки, бундай ахборот майдонини шакллантиришда ҳуқуқий тарғибот тизими, ҳуқуқий билимлар ва ахборот тарқатишнинг кенг инфраструктураси мавжуд бўлиши алоҳида ўрин тутаяди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда ҳуқуқий

ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг тузилиши ва унинг шаклланиши бевосита ҳуқуқий ахборот билан боғлиқдир. Ҳуқуқий ахборотнинг индивидлар, шахслар гуруҳи, давлат органлари ва бошқа ҳуқуқ субъектлари орасида айланиши ҳуқуқий онг шаклланишининг зарурий шарти ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий субъектлар айнан ахборот-ҳуқуқий жараёнлар орқали фаолиятларига тегишли бўлган ҳуқуқий маълумотларга эга бўлишлари ва уларга ўз муносабатларини билдиришлари мумкин<sup>1</sup>. Маълумки, ҳуқуқий ахборот *расмий* ва *норасмий* турларда бўлиб, у *аввало*, ҳуқуқий нормалар мазмунида жамланган ахборотни назарда тутуди; *иккинчидан*, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (ҳуқуқ манбалари)даги ахборотни англатади; *учинчидан*, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳуқуқий ҳодисалар, юридик амалиёт ҳақидаги ахборотни қамраб олади.

Ҳуқуқий ахборотни кенг оммага етказиш, яъни, замонавий самарали ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш пировардида фуқароларнинг, бутун аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлаш имконини беради. Шахсининг ҳуқуқий хабардорлиги унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим шартидир. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқий ислохотлар муваффақияти, қонунларга ихтиёрий риоя этиш ҳолати шунчалик самарали бўлиб, мамлакатда ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик мустаҳкам бўлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлиги уларнинг юксак ҳуқуқий билимларга эгаллиги билан ифодаланиб, ҳуқуқ ва қонунчилик мазмуни хусусида мустақил таҳлил ва муҳокама юрита олиш қобилияти (имконияти)ни, ҳуқуқий кадриятларни, шунингдек имтиёзларни баҳолай олиш кўникмаларини ривожлантиради.

Ҳуқуқий ахборотни етказиш ва уни реципиентлар томонидан ўзлаштириш жамият аъзолари ҳуқуқни англаши жараёнининг узвий қисми ҳисобланади. Демак, ҳуқуқий тарғибот жараёнида ҳуқуқий ахборотни қабул қилувчи

субъектларда (коммуникантларда) муайян ҳуқуқий билимлар, кўникмалар, баҳолаш укувлари, ҳуқуқий кадриятлар ва ҳуқуқий хулқатвор андозалари, ҳуқуқий қарашлар ҳамда ҳуқуқий эътиқод шакллантирилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарғиботнинг қуйидаги **функциялари** ҳақида хулоса қилиш мумкин:

1) замонавий янги ҳуқуқий доктринани, ҳуқуқий мафқурани сингдириш ва оммалаштириш;

2) аҳолини, айниқса ёшларни демократик кадриятлар ва ҳуқуқий ғоялар руҳида тарбиялаш;

3) демократик жамиятга хос ҳуқуқий хулқатвор моделини шакллантириш, уни ижтимоий ҳуқуқий онгга сингдириш;

4) давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмаларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш;

5) фуқароларни ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда фаол иштирок этишини рағбатлантириш.

Ҳуқуқий тарғиботнинг санаб ўтилган функцияларини илмий тилда *а) мафқуравий функция, б) тарбиявий функция, в) унификациялаш функцияси, г) легитимлаштириш функцияси ва д) рағбатлантириш функцияси* деб изоҳлаш мумкин.

Ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу фаолиятнинг самарали бўлиши, фикримизча, бир қатор омилларга боғлиқ, жумладан:

– ҳуқуқий тарғиботни содда, аниқ ва тушунарли тарзда амалга ошириш;

– ҳуқуқий тарғибот юритганда ҳуқуқий ахборотни қабул қилувчи аудитория хусусиятларини инобатга олиш, яъни, тарғиботни дифференциациялаш;

– етказилган ҳуқуқий ахборотни реципиентлар малакаси ва савиясига мослаштириш, яъни адаптация қилиш;

– тингловчиларга ҳуқуқий ахборотни етказишда турли интерфаол усуллардан фойдаланиш;

– ҳуқуқий ахборотни етказишда мотивацияни, яъни мақсадни аниқ белгилаш (ауди-

<sup>1</sup> *Маматов Х.* Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Т., 2009. – Б. 166.

---

ториянинг эҳтиёжини ўрганган ҳолда мамлакатдаги, минтақа, шаҳар ва тумандаги ҳуқуқий вазият ҳақида, қонунчиликдаги янгиликлар ва бошқа ҳуқуқий ютуқлар ҳақида маълумот, шунингдек статистик маълумотлар ҳамда жонли ҳаётини мисолларни тақдим этиш).

Ҳуқуқий тарғибот механик тарзда эмас, балки муайян ҳуқуқий онг ва маданиятни, ижобий ҳуқуқий хулқ-атвор моделини шакллантириш мақсадида тегишли маҳорат билан юксак савияда ҳамда ижодий ёндашувлар асосида амалга оширилиши лозим.

Ҳуқуқ-тарғиботнинг самарасини таъминлашда уни амалга ошириш методикасини такомиллаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда тарғиботнинг замонавий жонли интерфаол усулларига кенг ўрин бериш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, мамлакат Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши жамиятда *Конституция тарғиботини* кучайтиришга қаратилган муҳим тадбир бўлди. Фармойишнинг мақсади – Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа жамиятда Конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш; муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаро ўзининг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукамал англаб етишига эришишдан иборат эди.

Конституцияни ўрганиш ва мунтазам тарғиб этиш учун махсус комиссия тузилгани, у Асосий қонунни барча даражаларда ўрганилишига имкон берувчи ўқув қўлланмалари, дарсликлар, рисоалар, мақолалар, кўргазмали воситалар, дидактик материаллар нашр эттириб, мамлакат миқёсида кенг тарғибот ишларини (семинарлар, давра суҳбатлари, викториналар, танловлар, конференциялар) ташкил қилиб, саъй-ҳаракатлар олиб боргани барчага яхши

---

маълум. Конституцияни ўрганишга бағишланган фармойиш ва тегишли комиссиянинг фаолияти мамлакатда ҳуқуқий тарғиботни самарали ташкил этиш ва амалга оширишда ижобий тажриба, методологик намуна вазифасини ўташи лозим.

Ҳуқуқий тарғибот ижтимоий ҳуқуқий онгга мақсадли таъсир ўтказиш жараёни сифатида муайян механизм тарзида намоён бўлади. Ушбу механизм социологик ва институционал-юридик жиҳатдан талқин этилиши мумкин. Ҳуқуқий тарғиботнинг *социологик механизми* қуйидаги кўринишга эга: мақсад (мотивация) – ҳуқуқий ахборот – етказиш воситалари – ахборот етказувчи субъект – қабул қилувчи объект – медиа ёки жонли мулоқот – кафолатланган натижа.

Ҳуқуқий тарғиботнинг институционал-юридик механизмини эса қуйидагича тасаввур этиш мумкин: Ҳуқуқий тарғибот дастури – ҳуқуқий ахборот манбаи – ҳуқуқий тарғибот субъекти – ҳуқуқий тарғибот объекти – зарурий ҳуқуқий хулқ-атвор модели.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизмида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги) унинг вилоятлардаги бошқармалари, Олий суд, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, уларнинг жойлардаги тузилмалари, маҳаллий давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ҳуқуқий таълим муассасалари, ОАВ муҳим ўрин тутди.

Биргина Адлия вазирлиги, унинг Ҳуқуқий тарғибот бошқармасининг 2012 йил мобайнидаги тегишли фаолияти фикримизга ёрқин далил бўлиши мумкин. Барча шаклда турли йўналиш ва соҳаларда амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари сони ўтган йилда – 59896 тани ташкил этган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид тарғибот тадбирлари – 8642 та, шундан ОАВда – 1694 та; оғзаки шаклдаги тарғибот – 6481 та; ёзма шаклдаги – 299 та (дарслик, рисола, ўқув қўлланма, мақолалар); кўргазмали ҳуқуқий тарғибот – 168 та.

Инсон ҳуқуқларига оид тарғибот тадбирлари жами – 17085 та, шундан оммавий ахборот воситаларида – 3050 та (телевиде-

---

нида – 834 та, радиода – 889, газетада – 1080, ВЕБ саҳифада – 62 та); оғзаки шаклда – 5974 та, ёзма шаклда – 161, кўрғазмалли шаклда – 569 та.

Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид ҳуқуқий тарғибот умумий тадбирлари сони – 7619 та (ОАВда – 1414 та), вояга етмаганлар ҳуқуқларига оид тадбирлар – 6115 та (ОАВда – 1052 та), тадбиркорларнинг ҳуқуқларига оид тадбирлар – 8853 та (ОАВда – 1386 та) бошқа қонунчилик ҳужжатларининг тарғиботига тегишли тадбирлар – 19289 та (ОАВда – 4852 та)ни ташкил этган.

Ички ишлар идоралари томонидан ўтган йил давомида қуйидаги ҳажмдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган. Хусусан, ОАВ (телевидение, радио, газета ва журналлар) орқали қилинган ҳуқуқий тарғибот 27858 тани, ўтказилган (давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар) оғзаки ҳуқуқий тарғибот 26658 тани, дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланма, рисола, савол-жавоб шарҳловчи қўлланмалар орқали ёзма ҳуқуқий тарғиботлар 274 тани, кўрғазмалли ҳуқуқий тарғиботлар – 1304 тани ташкил қилган.

Ҳисобот даврида ОАВ орқали олиб борилган инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий тарғибот ишлари 7370 тани, турли маъруза, чиқишлар орқали оғзаки тарғибот 3827 тани, илмий мақола, рисола, ўқув-услубий қўлланма кабиларни чоп эттириш орқали қилинган ёзма ҳуқуқий тарғибот 55 тани, турли плакат, буклетлар орқали аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот 273 тани ташкил этган.

Бундай мисолларни прокуратура, судлар, адвокатура тизими ва бошқа давлат идоралари фаолиятдан ҳам кўплаб

келтириш мумкин. Аммо, ҳуқуқий тарғиботни тизимли ва мунтазам йўлга солиш, бу соҳадаги кенг кўламли ишларни йўналтириб туриш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Айни вақтда, республикада «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш» фаолият олиб бораётганини ҳам ижобий омил сифатида эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, уларга режали, мунтазам ва мақсадли тус бериш учун Ўзбекистон Республикаси Юристар уюшмаси фаолиятини қайта тиклаб, унга барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, ОАВнинг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини уйғунлаштириш, ҳуқуқий тарғибот олиб боришнинг дифференциациялашган дастурларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи лекторларни тайёрлаш, малакасини ошириш, уларга методик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий тарғибот маданиятини ошириш вазибаларини юклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, мамлакатда ҳуқуқий маърифатни юксалтириш дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этиш чораларини кўриш ўринли бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни, қонунни пухта билиш, уларни ҳурмат қилиш жамият аъзоларининг эътиқодига айланиши, умуман ҳуқуқни ижтимоий қадрият даражасига кўтариш учун ҳуқуқ адолат мезонига, халқ қалбининг қудратига айланмоғи лозим. Зеро, халқ ўз қонунларини мукамал билиши ва ҳаётга қатъий татбиқ этиши зарур. Бу ҳуқуқий ҳаётнинг узвий талабидир.

М.З. Зиёдуллаев\*

**МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ НЕГИЗИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ: ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Милиция таянч пунктлари негизида кенг кўламли ҳамкорликни самарали таъминлаш учун мазкур ҳамкорликни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади.

*Милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни бошқариш* – бу ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари ва улар билан бошқа давлат органлари, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни ташкилий-методик, ҳуқуқий, моддий-техникавий таъминлашга доир ижроия-фармойиш бериш фаолияти ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганидек, туман, шаҳар миқёсида милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни бошқариш туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Туман, шаҳар миқёсида милиция таянч пунктлари негизидаги кенг кўламли ҳамкорликни бошқариш учун юқори турувчи масъул шахс – ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи ҳисобланади. Унинг бу борадаги ваколатлари, вазифаларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

– милиция таянч пункти хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг чегаралари ва уларда хизмат қиладиган профилактика (катта) инспекторлари шаҳар, туман ИИБ бошлиғи томонидан мазкур шаҳар ёки туман ҳокимлари билан келишилган ҳолда маҳалла ҳудудлари миқёсида белгиланади;

– профилактика (катта) инспектори томонидан тузилган милиция таянч пункти хизмат фаолияти бўйича ойлик иш режаси шаҳар, туман ИИБ бошлиғи ёки унинг профилактика

хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари томонидан тасдиқланади;

– милиция таянч пунктнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳар ой, чорак, ярим йил ва йил якуни бўйича шаҳар, туман ИИБ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларидан бирининг ҳузуридаги йиғилишларда муҳокама қилинади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, келгусида бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаб борилади.

Мазкур йиғилишларда жинойтчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда амалга оширилган ишлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда бу жараёнда мунтазам равишда хизмат интизомини бузган, белгиланган йўналишлардан кетиб қолган ва паст кўрсаткичларга эришган ёрдамчи ходимлар тўғрисида профилактика (катта) инспектори ахборот беради ҳамда зарур ҳолларда ҳамкорлик мобайнида хизмат интизомини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий жазолаш, керак бўлса, уларга янада қаттиқроқ чоралар қўллаш тўғрисида асосли таклифлар киритади;

– милиция таянч пунктнинг аҳволи, таъмирланиши, жиҳозланиши учун ҳам шаҳар, туман ИИБ бошлиғи шахсан масъул бўлиб, у ҳар чоракда камида бир марта милиция таянч пунктига бориб, бевосита шароитни ўрганиши, натижалари бўйича амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиши шарт;

– туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи милиция таянч пунктлари фаолиятини, уларнинг негизидаги кенг кўламли ҳамкорликни бошқаришнинг муҳим жиҳати сифатида мазкур фаолият ёки ҳамкорликни самарали ташкил этиш ва

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.



---

такомиллаштириш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган ташкилий-методик ва моддий-техникавий хусусиятга эга бошқарув қарорларини қабул қилади ва улар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Бу эса милиция таянч пунктлари фаолияти ва улар негизидаги кенг кўламли ҳамкорликни бошқаришнинг ажралмас қисми бўлган ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади;

– милиция таянч пункти профилактика (катта) инспектори лавозимига тайинланган ходим томонидан хизмат ҳудудини қабул қилиш ва топшириш шаҳар, туман ички ишлар органи бошлиғи, унинг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари ёки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг бевосита иштирокида амалга оширилади. Қабул қилиш ва топширишда иштирок этган раҳбар янги тайинланган профилактика (катта) инспекторини хизмат ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари, тезкор вазият, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоатчилик тузилмалари билан маъмурий ҳудуд фаоллари йиғилишида шахсан ўзи таништиради.

Туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи аксарият ҳолларда милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органи соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини, қолаверса, уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ўзининг ўринбосарлари орқали бошқаради.

Мавзу доирасидаги тадқиқотлар жараёнда ўтказилган ижтимоий сўровда мутахассисларга амалиётда милиция таянч пунктининг фаолиятини бошқариш бўйича туман, шаҳар ИИБ бошлиқларининг ролини билиш учун берилган саволга уларнинг кўпчилиги, яъни 48,2 фоизи «туман, шаҳар ИИБ бошлиқлари асосан ўзларининг ўринбосарлари орқали милиция таянч пунктларининг фаолиятини бошқарадилар», дея жавоб берганлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Туман, шаҳар ички ишлар органи тизимида милиция таянч пунктлари негизидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, содир этилган жиноятларни иссиқ изидан очиш, қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва қўлга олиш, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, хусусан шу мақсадда тезкор тадбирларни амалга ошириш каби йўналишлардаги кенг кўламли ҳамкорлик ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг биринчи ўринбосари томонидан бошқарилади.

---

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланганидек, милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни бошқариш борасидаги асосий масъулият туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғининг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари зиммасига юклатилган.

Ички ишлар органи профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислохотлар жараёнида Тошкент шаҳар ИИББ туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари лавозими жорий этилди ҳамда милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органи соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамда уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини бошқариш бўйича муайян ваколат ва вазифалар белгилаб берилди. Бироқ, ҳудудий шароитларни инобатга олган ҳолда вилоятлардаги туман, шаҳар ИИБларида бу лавозим жорий этилмади ҳамда профилактика хизматлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органи соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини ҳамда уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини бошқариш вазифаси туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилди.

Туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосарининг милиция таянч пунктларининг фаолиятини ва улар негизида кенг кўламли ҳамкорликни бошқариш борасидаги вазифалари ИИВнинг 2009 йил 15 июндаги буйруғи билан тасдиқланган «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторларининг хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқнома»да аниқ белгилаб қўйилган.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган ижтимоий сўровда мутахассисларга «Сизнингча, туман, шаҳар миқёсида милиция таянч пунктининг фаолиятини бошқариш ва унинг негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун кўпроқ ким масъул деб ҳисоблайсиз?», деб савол берилганда уларнинг кўпчилиги, яъни 45,1 фоизи бу борада туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари (хизмат бўйича ўринбосар) бошқа раҳбарларга нисбатан кўпроқ масъул эканини айтиб ўтишган.

*Милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш* – бу милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, ҳамкорликка киришувчи турли субъектларнинг белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирилган ҳаракатларини тартибга солиш, тақсимлаш, келишган ҳолда ташкил этишдан иборат.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда туман, шаҳар миқёсида милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ваколати соҳавий хизматлар (бўлим, бўлинма) бошлиқларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг амалдаги буйруқларида ички ишлар органлари тизимида милиция таянч пунктларининг фаолиятига умумий раҳбарлик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бу эса милиция таянч пунктлари негиздаги кенг кўламли ҳамкорликни мувофиқлаштириш борасида туман, шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиқларининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Милиция таянч пункти негизда профилактика (катта) инспекторларининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш мақсадида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғи кунлик эрталабки йўриқномаларда бошқа хизматлар билан ҳамкорликда режалаштирилган тадбирлар ҳақида ахборот беради ва уларга вазифаларини етказилишини таъминлайди; ҳудудлар бўйича содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар бўйича таҳлилий ишлар асосида профилактика хизматларининг бошқа хизматлар билан ҳамкорлиги йўналишларини аниқлайди ва бу борадаги режаларни ишлаб чиқишда иштирок этади; милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликдаги ишларини таҳлил этади ва баҳо беради ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан ИИБ раҳбариятига таклифлар киритади; содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар, энг аввало, ўта хавфли жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мақсадли тадбирларни ўтказиш; ҳудуддаги тезкор вазият асосида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, давлат ва жамият мулкини сақлашда бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва бу борадаги

фаолиятни такомиллаштириш бўйича ички ишлар органлари раҳбариятига аниқ таклифлар киритади ҳамда шу каби бошқа чоратадбирларни амалга оширади.

Профилактика катта инспекторлари ва инспекторларининг фаолияти ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг иш режасига мувофиқ ҳамда тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Ушбу режада профилактика (катта) инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширишлари лозим бўлган чора-тадбирлари алоҳида бобда кўрсатилади.

Шунингдек, амалга оширилаётган вазифа мазмунига кўра милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш туман, шаҳар ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари раҳбарлари томонидан ҳам амалга оширилади. Жумладан, ҳудудда ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида милиция таянч пунктига жалб этилган турли соҳавий хизматларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилган бўлса, маъмурий ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни иссиқ изидан очишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган турли соҳавий хизматлар ходимларининг милиция таянч пункти негиздаги ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилган.

Шунингдек, милиция таянч пунктлари негизда профилактика инспекторларининг патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, қўриқлаш хизмати нарядлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғининг ҳамкорликни ушбу соҳавий хизматларнинг тегишли саф бўлинмалари (батальон, отряд) командирлари билан келишилган ҳолда мувофиқлаштириб боришини талаб қилади. Бу эса қўл остидаги ходимларнинг милиция таянч пунктлари негизда бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш борасида патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, қўриқлаш хизмати саф бўлинмалари (батальон, отряд) командирларига ҳам муайян масъулият юклайди.

Бугунги кунда амалиётда милиция таянч пунктлари негиздаги ҳамкорликни мувофиқ-

---

лаштириш ва бошқариш борасида ютуқлар билан бирга ушбу соҳада муаммоларни келтириб чиқараётган муайян омиллар ҳам мавжуд. Бундай омилларни милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техникавий таъминлаш каби соҳаларда кузатиш мумкин.

Хусусан, милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликнинг етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги мазкур ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқаришни самарали таъминлашга муайян даражада тўсқинлик қилмоқда. Милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида 2002 йил 22 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Милиция таянч пунктида ички ишлар органлари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг ҳамкорлигидаги фаолиятини ташкиллаштириш бўйича услубий қўлланмани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи фақат профилактика (катта) инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб бериш билан чеклангани; унда белгиланган профилактика (катта) инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ходимлари билан ҳамкорлиги йўналишларининг кўпчилиги умумий хусусиятга эгаллиги; буйруқда профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгиланган айрим хизматлар ва лавозимлари номланиши ўзгарганлиги, тарбиячи-педагог жамоат тузилмаси ўрнига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи жамоат тузилмаси жорий этилганлиги; милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш масалаларининг мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқ белгилаб берилмаганлиги бугунги кунда милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар жараёнида ўтказилган ижтимоий сўровлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўровга жалб этилган ички ишлар органлари ходимларининг 34,6 фоизи ҳам милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликнинг етарли ҳуқуқий тартибга солинмаганлигини қайд этган бўлса, 16,0 фоизи – амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамкорлик доираси, ташкил этилиши аниқ кўрсатилмаганлигини баён этганлар.

Шундай экан, милиция таянч пунктлари негизидаги кенг кўламли ҳамкорликни тартибга соладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган Низомни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд муаммо ечимининг бу тариқа ҳал этилиши милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этишдаги айрим тушунмовчиликларни ҳам бартараф этиш имконини беради.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни очиш ва жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган жамоат тузилмаларининг, шунингдек фуқароларнинг ушбу соҳада фаол иштирок этишидан манфаатдорлигини таъминлаш усуллари, шакллари ва механизмларини ҳам белгилаб бериш милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга шароит яратади.

Милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқаришга салбий таъсир кўрсатувчи ҳамкорликни ташкилий-методик таъминлаш соҳадаги омиллардан бири – милиция таянч пунктларига хизматга жалб қилинган патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати нарядларининг фаолияти кўп ҳолларда улар бевосита бўйсунувчи саф бўлинмалари томонидан, ҳудуддаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олмаган ҳолда бошқарилиши, уларнинг бошқа хизматлар ходимлари билан ҳамкорлиги мувофиқлаштирилишида намоён бўлади. Бу эса ҳамкорликнинг самарали бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Айрим жойларда милиция таянч пунктида хизмат олиб борувчи ички ишлар органларининг турли тузилмалари раҳбарлари ўртасидаги расмиятчилик ва ўз хизмат соҳаси манфаатларининг устун қўйилиши бу салбий ҳолатни янада кучайтиради.

Ўтказилган ижтимоий сўровда милиция таянч пункти негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида раҳбар ходимларга «Сизнингча, милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги

қай даражада ўрнатилган?» деган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг атиги 12,0 фоизи – «ҳамкорлик етарли даражада ўрнатилган», 14,3 фоизи – «Вақти-вақти билан ҳамкорлик ўз ўрнида бўлиб туради», деб жавоб беришган бўлса, 9,6 фоизи – «ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томондан ҳам фақат ҳисобот учунгина амалга оширилади», 31,9 фоизи – «ўзаро ҳамкорлик етарли ўрнатилмаган», 37,7 фоизи «раҳбарлар талаб қилгандагина ҳамкорликни амалга ошириш жонланади» деган жавобларни беришган. Бу эса йўлга қўйилган ҳамкорликдан амалиёт ходимларининг ҳам қониқмаётганини кўрсатади.

Қолаверса, ҳудудий ички ишлар органлари соҳавий хизматларидан милиция таянч пунктларида кунлик иш фаолиятини ўташ учун ходимларнинг етарли даражада ажратилмаслиги ёки ажратилган ходимларнинг ҳам ишини ўзбошимчалик билан ташкил қилиши ҳолатлари милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни самарали ташкил этишга жиддий салбий таъсир этади.

Шу сабабли, ушбу муаммони ҳал этиш учун, фикримизча, *биринчидан*, тегишли соҳавий хизматлар раҳбарлари томонидан кунлик иш фаолиятини ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда олиб бориш учун милиция таянч пунктига бириктирилган ходимларнинг хизмати устидан назоратни кучайтириши, уларга иш ҳажми меъёрининг ва хизмат вазибаларининг аниқ белгилаб берилиши ҳамда уларни ҳудуддаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органи профилактика хизмати бошлиғи ва ҳудуд профилактика катта инспектори билан келишиб бошқаришга алоҳида эътибор қаратилиши; *иккинчидан*, амалиётда вазиятнинг бундай ҳолатга келиб қолишида, бир томондан ички ишлар органлари тегишли соҳавий хизматлар раҳбарлари томонидан ўз кўл остидаги ходимларнинг милиция таянч пунктига бириктирилган ҳолда хизмат олиб боришидан манфаатдорлигининг йўқлиги ҳам сабаб бўлаётганини инобатга олиб, уларнинг хизмат фаолиятига баҳо беришда кўл остидаги ходимларнинг милиция таянч пункти негизидаги бошқа субъектлар билан ҳамкорликдаги фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири сифатида қабул қилиш;

*учинчидан*, амалиётда ички ишлар органлари тегишли соҳавий хизматлари ходимларининг милиция таянч пунктлари негизида бошқа субъектлар, айниқса, профилактика (катта) инспектори билан ҳамкорликдаги кундалик ишини ташкил этишнинг энг мақбул механизмини ишлаб чиқиш ҳамда уни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан аниқ белгилаб қўйиш; *тўртинчидан*, ички ишлар органлари фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим шартларидан бири бошқарувнинг умумий функциялари бўлган режалаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва назоратнинг уйғунлигини таъминлашда эканлигини назарда тутиб, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг милиция таянч пунктлари негизида ўзаро ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширадиган кундалик иш фаолиятини режалаштириш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда назорат қилишнинг аниқ тизимини яратиш жоиз. Бунда туман, шаҳар маъмурий ҳудудини зоналарга ажратиб, уларга ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, соҳавий хизматлар раҳбарларини беркитиш орқали милиция таянч пунктларида амалга ошириладиган кенг кўламли ҳамкорликдаги ишларни кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик режалаштириш, натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, назорат қилишга асосланган бошқарув тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Милиция таянч пунктлари фаолияти, улар негизидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг бу тариқа бошқарилиши, йўл қўйилган камчиликларни тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб борилиши, натижалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниши ўзининг самарасини бериши табиий.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқариш соҳасида ютуқлар билан бирга, бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Мазкур муаммоларни бартараф қилиш учун Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш лозим<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

## ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИКНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири – бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир<sup>1</sup>. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан ушбу концептуал талабларни, шу қаторда содир этилган қилмишларга қонун асосида тўғри ҳуқуқий баҳо бериш орқали одил судловни таъминлаш лозимлигини талаб этади.

Бугунги кунда иштирокчилик билан боғлиқ жиноятларнинг сезиларли даражада кўпайиб бораётганлиги, бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда йўл қўйилаётган хатоликлар ва ушбу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятлари мазкур муаммони илмий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо этади. Маълумки, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар, хусусан, уюшган жиноятчилик салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга жиддий хавф туғдиради, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди. Бундан ташқари, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига моддий зарар етказиши, уни издан чиқаради ва иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, унинг мамлакат миллий хавфсизлиги учун реал хавф туғдириши жиноятда иштирокчилик институтининг ички тузилишига доир муаммоларни илмий асосланган ҳолда муҳокама қилишни талаб этади.

Одатда, жиноятда иштирокчилик объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан ташкил топади. Иштирокчиликнинг объектив ва субъектив хусусиятларига хос бўлган белгилари

Жиноят кодексининг 27-моддасида иштирокчиликка берилган тушунчада ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ мазкур белгилар жиноят қонунчилигида алоҳида ажратилмаганлиги ҳамда уларнинг ҳуқуқий маънолари қонунда акс этмаганлиги боис, назарияда мазкур белгилар тўғрисида турли фикрлар билдирилган.

Жиноят ҳуқуқида «объектив белги» деганда, ҳар бир ҳодиса, ҳолат ёки воқеликнинг ташқи томони<sup>2</sup> тушунилиши умумэтироф этилган. Шу билан бирга, объектив томон белгилари ўз таркибига жиноятнинг объекти ва объектив томонини қамраб олади. Демак, иштирокчиликнинг объектив белгилари ҳам ушбу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади.

Жиноятнинг объекти иштирокчиликда содир этилган жиноят таркибининг элементларидан бири ҳисобланади ва жиноятда иштирок этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида хизмат қилади. Ҳамкорликда ва ўзаро келишган ҳолда жиноятда иштирок этаётганлар жиноят қонуни нормалари билан қўриқланадиган ягона жиноят объектига таъсир кўрсатади. Шундай экан, иштирокчилик фактини тасдиқлаш ва иштирокчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида уларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари айнан жиноят қонуни нормалари билан қўриқланадиган ягона ва улар учун умумий бўлган жиноят объектини бузишга йўналтирилганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бинобарин, иштирокчиликнинг ўзи ягона тизим, муайян бутунликни ташкил этар экан, демак иштирокчиликда жиноят содир этаётган шахслар қонун билан қўриқланадиган турли жиноят объектларига тажовуз қила олмайдилар. Шунинг учун ҳам жиноятнинг эксцесс бажарувчиси, бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиши натижасида

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 26.

<sup>2</sup> Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т., 2012. – Б.119.

бошқа жиноят объектига тажовуз қилганда, унинг ҳаракатларига иштирокчиликдан ташқари умумий асосларда ҳам ҳуқуқий баҳо берилади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят таркибларининг объектив томони деганда, жиноят иштирокчиларининг умумий жиноий натижага эришиш учун йўналтирилган ҳаракатларининг ташқи томонини ифодаловчи белгилари тушунилади. Иштирокчиликнинг ташқи томонини ифодаловчи белгилари уларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларини бирлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, иштирокчиликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва назарияда кўпроқ қийинчилик туғдирадиган белгиси сифатида унинг объектив белгиларини аниқлаш билан боғлиқ муаммолари ётади. Шу боис ҳуқуқшунос олимлар ўртасида айнан ушбу белгини тушунтириб бериш борасида турлича фикрлар баён этилган. Хусусан А. Трухин жиноят содир этилишида *икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қатнашишини* иштирокчиликнинг объектив томон белгиси сифатида баҳолайди<sup>1</sup>. Иштирокчилик муаммосини тадқиқ этган С.С. Муҳамеджанов эса иштирокчиликнинг объектив белгиларига: 1) жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қатнашиши; 2) ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бошқасининг қилмишини тўлдириши ҳамда ягона натижага эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши; 3) жиноятнинг биргаликда содир этилиши; 4) жиноятнинг барча иштирокчилари учун ягона бўлган натижанинг келиб чиқиши; 5) жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси ва жиноий оқибат ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги<sup>2</sup> кабиларни киритади.

Дарҳақиқат, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноятда қатнашганлиги иштирокчиликнинг объектив белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай фикр юридик адабиётларда ҳам эътироф этилган<sup>3</sup>. Айнан икки ва ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этишда биргаликда қатнашганлик белгиси иштирокчиликнинг сон кўрсаткичини англатади. Айтилган пайтда жиноят содир этишда қатнашаётган икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлган бўлиши лозим<sup>4</sup>. Демак, иштирокчилик деб ҳуқуқий баҳолаш учун жиноят содир этишда

қатнашган икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноят субъекти бўлиши керак.

Инсон танасининг ҳар қандай тарзда ҳаракатга келиши инсон ҳаракати бошланганлигидан далолат беради. Шу боис, иштирокчилар ҳаракатининг бошланиши ва унинг давомийлигини аниқлаш учун, аввало, улар ҳаракатининг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилоф эканлигини баҳолаш лозим. Маълумки, икки ёки ундан ортиқ шахс ҳаракатларининг бошланиши ва давомийлиги иштирокчиликнинг тизимли тузилиши билан мувофиқ тарзда ўрганилганда унинг ижтимоий хавфлилигини ифода этади. Шунинг учун иштирокчиларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси диспозициясида белгиланган жиноий қилмишлар билан ўзаро боғлиқ эканлигида ифодалангани ва унинг содир этилиши (формал таркибли) ёки жиноий оқибат келиб чиқиши (моддий таркибли) билан аниқланади.

Адабиётларда жиноятда иштирокчиликнинг объектив томони ҳаракатсизликда ифодаланиши тўғрисидаги масала баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, М.Д. Шаргородскийнинг ёзишича, инсон ҳаракатсизлиги ҳеч қачон, ҳеч нарсага зарар етказмайди ва шу сабабли бундай хулқ-атвор ҳеч қандай оқибат билан сабабий боғланишни ҳам келтириб чиқармайди. Шу боис ҳам ҳаракатсизликни муайян жиноий натижа билан сабабий боғлиқ бўлишини ҳал қилиш муҳим масалага айланмаслиги керак, чунки у муайян ҳолатда инсоннинг ҳаракатсизлик учун жавоб беришини англатади холос<sup>5</sup>. Ушбу муаммо бўйича И.Я. Козаченко: «Ҳаракатсизлик орқали иштирокчиликда жиноят содир этиш фақатгина жиноят содир этишга қадар ёхуд уни содир этиш жараёнида, бироқ барча ҳолларда ҳам жиноий оқибат келиб чиққунча ўзаро келишув тузилган ҳолларда мумкин бўлади. Ҳаракатсизлик орқали иштирокчилик жуда камдан-кам ҳолларда юз беради. Масалан, ўз хизмат мавқеига кўра жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўриши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг олдиндан келишиб, бундай чораларни кўрмаслиги ҳаракатсизлик орқали

<sup>1</sup> Трухин А. Объективная сторона соучастия в преступлении // Уголовное право. – 2008. – № 2. – С. 86.

<sup>2</sup> Муҳамеджанов С.С. Жиноий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2011. – Б. 12.

<sup>3</sup> Уголовное право России. Т. 1. Общая часть / Под ред. А.Н. Игнатова и Ю.А. Красикова. – М., 2005. – С. 256.

<sup>4</sup> Қаранг: Малинин В.Б. Причинная связь в уголовном праве. – СПб., 2000. – С. 170.

<sup>5</sup> Қаранг: Шаргородский М. Д. Избранные труды. – СПб., 2004. – С. 460.

иштирокчилик сифатида баҳоланиши мумкин»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Мазкур нуқтаи назар А.А. Арутюнов томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Унинг фикрича, ҳаракатсизликни иштирокчиликка нисбатан татбиқ қилганда ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноятнинг бажарувчиси, жиноят қонунининг нормаси бажаришни талаб этадиган муайян ҳаракатларни содир этишга реал имконияти ва мажбурияти бўла туриб уни бажармаганлигидан келиб чиқади. Шунингдек, жиноят содир этишга ёрдам бериш ҳам ҳаракатсизликда намоён бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

И.Я. Козаченко ва А.А. Арутюновларнинг фикрларига қўшилган ҳолда қуйидагиларни ҳам қўшимча қилиш лозим, яъни аслида ҳаракатсизлик – хулқ-атворнинг пассив шаклини назарда тутати. Ўз навбатида, жиноятда иштирокчиликнинг далолатчи ва ташкилотчилик турлари юридик белгиларининг ўзига хослиги уларни ҳаракатсизликда содир этилиши мумкинлигини инкор этади.

Маълумки, фикрни «яккаликдан умумийликка, умумийликдан яккаликка йўналтириш» билиш категориясининг асосий хусусиятларидандир. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишдан келиб чиққанда, жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирок этиши ёки уларнинг ҳар бири ақли расо ёхуд қонунда белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига етганлиги, шунингдек барча иштирокчиларнинг қилмиши ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги ҳақиқатан ҳам иштирокчиликнинг объектив томони зарурий белгиси ҳисобланадими? деган ҳақли савол туғилишига сабаб бўлади.

Жиноят содир этишда «биргаликда қатнашиш» битта шахсни эмас, балки бир нечта шахсни биргаликда жиноят содир этишда иштирок этишини назарда тутати. Шунинг учун ҳам шахснинг ақли расолиги ёки жавобгарлик ёшига тўлганлиги ҳақидаги белгилар иштирокчиликнинг объектив белгилари сифатида эмас, балки унинг субъектив белгилари қаторида кўриб чиқилиши керак.

Жиноят кодексининг 27-моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этишда биргалишиб қатнашиши иштирокчиликнинг объектив томонини ифодалаш белгилаб қўйилган. Мазкур ҳолат аслида

иштирокчиликнинг вазифаларни ижро этиш тақсимоти нуқтаи назаридан намоён бўлиши ва унинг кўринишлари, иштирокчиликнинг турларини белгилаб беради. Бинобарин, Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг объектив томонини бевосита тўла ёки қисман бажарган шахс жиноятнинг бажарувчиси деб баҳоланади. Табиийки, бу ҳолат мазмун жиҳатдан тушунарли бўлиб, ортиқча изоҳ талаб этмайди. Бироқ, қонунга кўра, жиноятнинг объектив томонини бевосита бажармаган шахснинг қилмишини ҳам аксарият ҳолларда жиноятнинг бажарувчиси деб баҳолаш мумкин. Бундай қоида Жиноят кодекси 28-моддаси иккинчи қисмида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, жиноятда иштирокчиликнинг тури сифатида ҳар қандай бажарувчилик ҳам доимо содир этилган жиноят натижасида келиб чиққан жиноий оқибат билан сабабий боғлиқликда бўлавермайди. Масалан, бундай вазиятни моддий таркибли жиноятлардаги иштирокчиликда кузатиш мумкин. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, бажарувчиликда жиноятни бевосита содир этган шахснинг ҳаракатларигина жиноий оқибат билан сабабий боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо бажарувчининг қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан фойдаланиб, жиноят содир этиш ҳолати фақатгина бошқа шахсдан жиноят қуроли сифатида фойдаланганида ёки жиноят содир этишда фойдаланилаётган шахс жиноятда ким сифатида иштирок этаётганлиги ёки жиноятининг асл хусусиятини англамаган ҳолда намоён бўлгандагина унинг оқибатлари билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо А. Трухин «...бундай вазиятни жиноий натижага сабаб бўладиган омил сифатида қараш учун етарли асослар мавжуд эмас»<sup>3</sup>, деб фикр билдиради.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда жиноятда қатнашаётган икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир хил ҳаракатлари Жиноят кодекси

<sup>1</sup> Уголовное право. Общая часть: Учебник / Отв. ред. И.Я. Козаченко. – М., 2008. – С. 330.

<sup>2</sup> Арутюнов А.А. Соучастие в преступлении по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2006. – С. 28.

<sup>3</sup> Трухин А. Кўрсатилган манба. – Б. 88.

Махсус қисмининг турли моддалари ёки битта модданинг турли қисмлари билан квалификация қилиниши ҳам мумкин. Бу ҳол иштирокчилик мавжудлигини инкор қилмайди. Бинобарин, жиноятларни квалификация қилиш қоидасига мувофиқ жиноят содир этишда қатнашаётган икки шахсдан бирида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса, бу ҳолат фақат шу иштирокчига таъсир этади. Хусусан, «иштирокчиликда қасддан баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилганида, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси фақат ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади»<sup>1</sup>.

Шунингдек, иштирокчиликда *ҳамкорликда ҳаракат қилиш* (ягона жиноятни содир этиш учун биргаликда ўз ҳиссасини қўшиши)ни ҳам кўпчилик муаллифлар иштирокчиликнинг объектив белгисига киритадилар<sup>2</sup>. Ҳамкорликда содир қилинган жиноят ўзида иштирокчиларнинг умумий жиноий оқибат келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари мавжудлигини англатади.

Жиноятда қатнашаётган шахслардан бири кўпроқ (жиноятнинг объектив томонини содир этиш, фаол ҳаракатлари билан жиноий оқибат келиб чиқишига шароит яратиши ва бошқалар), иккинчиси камроқ (ҳуқуқий маслаҳат бериш, жиноят ҳақида хабар бермасликка ваъда бериш орқали ҳаракатсизлик қилиш ва бошқалар) ҳиссасини қўшиши мумкин. Бу ҳолатлар иштирокчиликда жиноят содир этилган деб квалификация қилишга таъсир этмайди, аммо суд жазо тайинлаш вақтида ҳар бир иштирокчининг жиноятга қўшган ҳиссасини (жиноий оқибат келиб чиқишига фаоллик даражасини) инobatга олиб жазо муддатларини турлича белгилайди.

Ҳамкорлик, бир жиноятни содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштирок этаётганидан далолат беради. Иштирокчиларнинг жиноят содир этишда биргалашиб ҳаракат қилиши объектив белгининг асосий қисмини ташкил этади. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишнинг моҳияти шундаки, айбдорларнинг ҳаракати бир-бирига алоқадор бўла-

ди ҳамда барча иштирокчилар учун ягона бўлган жиноий оқибатга олиб келади.

Бир неча шахслар томонидан ҳамкорликда содир қилинган жиноят, бу шахсларнинг умумий бўлган жиноий оқибат келтириб чиқаришга биргалашиб ўз ҳиссасини қўшишини англатади. Ҳамкорликдаги ҳаракат: 1) жиноят бир неча шахсларнинг умумий ҳамкорликдаги кучлари йиғиндиси орқали содир этилиши; 2) жиноий оқибат ушбу шахслар учун умумий, ягона бўлиши; 3) ҳар бир иштирокчининг ҳаракати, умумий жиноятни содир қилишда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракат қилиши учун зарур ва шарт ҳисобланиши; 4) жиноий оқибат ёки (формал таркибли жиноятларда) содир этилган жиноий қилмиш ҳар бир иштирокчининг ҳаракати билан сабабий боғлиқликда бўлиши каби элементлардан ташкил топади. Аммо бу фикр жуда чуқур баён қилинган бўлиб, айрим мулоҳаза уйғотувчи баҳсларга сабаб бўлади. Жумладан, амалдаги қонунчиликка кўра олдиндан жиноят ҳақида ҳокимият органларига хабар бермасликни ваъда қилиш иштирокчиликнинг ёрдамчи турини ташкил қилади. Бу ҳолда айбдор ҳаракатсизлик қилиб жиноятда иштирокчи бўлади, аммо унинг ҳаракатсизлиги билан жиноий оқибат ўртасида сабабий алоқадорлик бўлмаслиги мумкин.

Шунингдек, ҳамкорликда қатнашишда иштирокчиларнинг умумий, биргаликдаги ҳаракатлари орқали жиноят содир қилинади, жиноий фаолият эса амалга оширилади. Ушбу ҳаракатда кимдир камроқ (иккинчи даражали ҳаракатларни содир этиши) кимдир кўпроқ (асосий жиноий ҳаракатларни содир этиши) ҳиссасини қўшиши мумкин. Аммо жиноятда иштирокчиликдаги ҳаракатлар доимо ихтиёрий бўлади, яъни ҳар бир иштирокчи ўзига юклатилган вазифани (ҳаракатни) бажариш ёки бажармаслик ихтиёрига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, қилмишда жиноят содир этишга мажбурлаш белгилари аниқланганда, қилмишни иштирокчилик деб баҳолаб бўлмайди. Шу боис, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қилмишини иштирокчилик деб ҳуқуқий баҳолаш учун ҳар бир шахс жиноят содир қилиш ёки қилмаслик масаласини ўзи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори. – Т., 2007. – Б. 7.

<sup>2</sup> Ермакова Л.Д. Понятие соучастия // Энциклопедия уголовного права. Т. 6. Соучастие в преступлении. – СПб., 2007. – С. 77; Козлов А.П. Соучастие в преступлении: традиции и реальность. – Красноярск, 2000. – С. 26.



---

эркин ҳал қилиш имкониятига эга бўлганлигини аниқлаш лозим.

Бундан ташқари, ҳамкорликда жиноят содир этишни бир вақтда мустақил жиноятларни содир этаётган икки шахснинг жиноятларидан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда улар жиноят содир этаётганликларидан ўзаро хабардор бўладилар ва объектив томондан ўхшаш ҳаракатларни бир вақтда, бир жойда, ҳамкорлик қилмасдан содир этишлари мумкин. Ҳамкорлик йўқлиги сабабли бундай ҳолларда иштирокчилик мавжуд бўлмайди. Масалан, мулк қўриқланадиган омборхонада қоровулнинг вақтинча йўқлигидан фойдаланиб ўғрилик қилаётган шахсни кўрган иккинчи шахснинг мустақил жиноят сифатида мулкни ўғирлашга киришиши ёки қаровсиз қолган транспорт воситасидан бир шахснинг ўзига керакли эҳтиёт қисмларни ўғирлаши, иккинчиси автомагнитола ва бошқа нарсаларни ўғирлаши ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб номусга тегиш жиноятини содир этган шахс кетиши билан уни панада кузатиб турган шахс келиб, у ҳам номусга тегиши ва бошқалар шулар жумласидан<sup>1</sup>.

Юқоридаги ҳамкорлик мавжуд бўлмаган жиноятларда, бир неча шахс қатнашганлигига қарамай, объектив томон бир-бирига боғлиқ бўлмаганлиги (ҳамкорликнинг йўқлиги) сабабли иштирокчилик каби квалификация қилинмайди, ҳар бир шахс мустақил жиноят содир этган ҳисобланади.

Ҳамкорликдаги ҳаракат жиноят содир этишда иштирокчилар ҳаракатларининг ўзаро боғлиқлигини англайди. Бунда бошқа иштирокчининг ҳаракати бажарувчининг жиноят содир этишини осонлаштиришга, унга зарур ёрдам бериш ёки жиноят изларини яширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан жиноят содир қилинаётган вақтда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати гуруҳнинг барча аъзолари ёки бир неча аъзолари ёки битта аъзоси ҳаракати билан узвий (тўғридан-тўғри) боғлиқ бўлади. Бундай қилмишни иштирокчилик каби баҳолаш учун шахс камида

гуруҳнинг битта аъзоси билан алоқада бўлиб ҳаракатни содир этиши лозим. Иштирокчиларнинг ҳаракати ўзаро боғлиқлигининг хусусияти шундаки, битта иштирокчининг ҳаракати бажарувчининг ҳаракати учун зарур ва шароит яратиб берувчи бўлиши мумкин.

Хулоса қилганда, иштирокчилар умумий бўлган жиноий оқибатни келтириб чиқаришга ўз ҳиссасини (кам ёки кўплигидан қатъи назар) қўшишининг ўзиёқ, уни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бирга бажарувчиликда (барча иштирокчилар жиноятнинг объектив томонини бажаришида) жиноий оқибатни келиб чиқишига иштирокчилар бевосита алоқадор бўладилар. Иштирокчилик турлари (ташкilotчи, ёрдамчи ва далолатчи) мавжуд ҳолатда эса, улар жиноятнинг объектив томонини бажаришда бевосита қатнашмаган бўлсалар, гуруҳ учун умумий бўлган жиноий оқибатни келиб чиқишига билвосита, яъни бажарувчининг ҳаракати орқали, унга шароит яратиб бериши (жисмоний ёки маънавий ёрдами) билан ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади.

Умуман, иштирокчиликнинг объектив белгиларига: 1) жиноят содир этилишида икки ва ундан ортиқ шахснинг мавжудлиги; 2) икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноятда биргаликда қатнашганлиги; 3) улар ягона жиноятни содир этиш учун биргаликда ўз ҳиссасини қўшиши, яъни ҳамкорликда ҳаракат қилиши тааллуқлидир. Ўз навбатида, ҳамкорликдаги ҳаракат: содир этилган жиноят бир неча шахсларнинг умумий ҳамкорликдаги кучлари йиғиндиси орқали содир этилиши; жиноий оқибат ушбу шахслар учун умумий, ягона бўлиши; ҳар бир иштирокчининг ҳаракати, умумий жиноятни содир қилишда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракат қилиши учун зарур ва шарт ҳисобланиши; жиноий оқибат ёки содир этилган жиноий қилмиш ҳар бир иштирокчининг ҳаракати билан сабабий боғлиқликда бўлишидан иборат бўлади. Икки ёки ундан ортиқ шахс қилмишида юқорида таъкидланган белгиларнинг аниқланмаганлиги қилмишни иштирокчилик деб баҳолашни истисно этади.

---

<sup>1</sup> Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – T., 2012. – B.121.

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ  
ҚИЛИШДА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ КЎЗДАН  
КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ахборот технологиялари ҳаётнинг турли соҳаларига шиддат билан кириб келиши суриштирувчи ва терговчиларнинг компьютер жиноятчилиги билан юзма-юз келишларига сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, ҳисоблаш техника воситалари билан бевосита боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларига амалиёт ходимлари аввалгидан кўпроқ дуч келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги қонуни билан миллий жиноят қонунчилигимизда илк бор Жиноят кодекси Махсус қисми XXI бобида ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий нормалар белгиланди<sup>1</sup>.

Ушбу жиноятларни тергов қилишда кўздан кечириш тергов ҳаракати муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот соҳасидаги жиноятлар янги криминалистик объектлигини ва ушбу йўналишда тергов қилиш методикаси ва амалий кўникмалар шаклланмаганлигини инobatга олган ҳолда ҳозирги кунда ушбу тергов ҳаракатларини тўғри ва батафсил ўтказиш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Фикримизча, ахборот соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда учрайдиган кўздан кечириш тергов ҳаракати 4 турга бўлинади, булар: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ҳисоблаш техника воситасини кўздан кечириш, рақамли ахборот ташувчиларни кўздан кечириш ва рақамли ахборотни кўздан кечириш.

Криминалистик методикага доир адабиётлар таҳлили ҳамда ахборот соҳасидаги жиноятларнинг ўзига хослигини инobatга олган ҳолда, жиноятга алоқадор бўлган ҳисоблаш техника воситасини кўздан кечириш мақсад-

ларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) жиноятни ким, қандай мақсадда ва қандай шароитда содир этганлигини аниқлаш учун жиноят натижасида юзага келган изларни топиш;

2) жиноятни содир этиш механизмини тиклаш мақсадида қилмиш шароитларини аниқлаш;

3) ҳисоблаш техника воситасининг техник аҳволини аниқлаш.

Ҳисоблаш техника воситасининг дастлабки кўздан кечирилишини амалга оширишда, рақамли ахборот ташувчилар ва компьютер эҳтиёт қисмлари билан ишлаш қоидаларини биладиган криминалист-мутахассиснинг ёрдами керак бўлади.

Ҳисоблаш техника воситаларини дастлабки кўздан кечиришда қўшимча далилларни қайд қилиш жараёни сифатида рангли расм ёки видеога олишни қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва қуйидагиларга эътибор беришни таклиф қиламиз:

ҲТВ ва қўшимча қурилмаларни<sup>2</sup> атрофдаги жиҳозларга нисбатан жойлашишига (ориентирли расмга олиш мақсадга мувофиқдир);

ҲТВ ва қўшимча қурилмаларнинг уланишларига (узелли расм тўғри келади деган фикрдамиз);

кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бошида ЭҲМнинг мониторидаги тасвир ва принтердан чиқарилаётган ҳужжатлар, электрон ҳужжатларнинг излари ва бошқа ашёвий далилларга (деталли расм тўлиқ ёритиб бериши мумкин).

Россиялик олимлар В.Б. Вехов ва Д.А. Илюшинлар ўз илмий тадқиқотларида ҲТВлар-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №52. – 532-м.

<sup>2</sup> Қўшимча қурилмалар – марказий процессорнинг бевосита бошқарувида бўлмаган ЭҲМнинг ташқи асбоб-ускуналар комплекси (сканер, принтер ва хоказо). Баъзи ҳолларда «периферик техника» деб аталади.

ни кўздан кечиришда баённома тузишнинг ўзига хос томонларига эътибор берадилар<sup>1</sup>, Улар фикрларининг айрим жиҳатларига қўшилган ҳолда **ХТВни кўздан кечириш баённомаси**да қуйидаги маълумотларни акс эттириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– ХТВнинг тури, русуми, шакли (конфигурацияси), ранги, рақами (инвентарь, завод ёки ҳисобга олиш рақами) ва ҳоказо;

– уловчи ва электр энергияси билан таъминловчи симларнинг тури (ишлатилиш мақсади), ранги ва ўзига хос аломатлари;

– тергов ҳаракатини ўтказиш вақтида ХТВнинг ҳолати (иш ҳолатида, ўчирилган);

– ХТВнинг техник аҳволи – ташқи кўриниши, корпусининг бутунлиги, қўшимча қурилмаларнинг тўғри уланганлиги, чиқимга оид материалларнинг (тонер, қоғоз ва ҳоказо) мавжудлиги, рақамли ахборот ташувчининг тури ва ҳоказо. Бунда текшириш учун мутахассисни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир;

– электр токи манбаининг тури, унинг тактик-техник тавсифи ва техник ҳолати (ишчи кучланиши, частотаси, иш юктамаси, сақлагичларнинг мавжудлиги, унга уланган техник воситалар сони, розеткалар сони ва ҳоказо);

– ХТВга қўшимча қурилмаларни улашга ёки ХТВни электр алоқа каналига уланиши учун мавжуд шароитлар (мутахассис томонидан тегишли разъёмлар мавжудлигига қараб аниқланади);

– стандартга тўғри келмайдиган ХТВнинг конструкциясидаги ўзгаришлар ёки бузилишлар, айниқса жиноят жараёнида вужудга келиш эҳтимоли бўлса;

– жиноят фаолияти излари (бузиш қуролларининг излари, корпус ичига кириш излари, бармоқ излари, қирқинди сим ва ажратиш материаллари (изоляция), қон, тери, соч, газлама толалари ва ҳоказо);

– ХТВнинг атрофдаги техника воситаларига нисбатан жойлашиши;

– ХТВнинг бошқа техника воситалари билан аниқ уланиш тартиби;

– ХТВдаги мавжуд ахборот тури (очиқ ёки ёпиқ маълумотлар);

– кўздан кечириладиган ХТВда рухсатсиз

киришга ёки маълумотларнинг тарқалиб кетишига қарши, айниқса маълумотларни бутунлай йўқ қилиб юборадиган хусусий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги (мутахассис томонидан аниқланади);

– ХТВ иш механизмларининг жойлашиши ва монитордаги тасвир (ёқилган ҳолатда бўлганда);

– ХТВни кўздан кечириш жараёнида мутахассис томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар (тугмаларни босиш, дастурларни тўхтатиш, ХТВни ўчириш, қўшимча қурилмалар ва электр токидан ажратиш тартиблари, ўлчаш асбобларининг кўрсаткичлари ва ҳоказо).

ХТВни ва унга уланган периферик техникани батафсил кўздан кечиришдан олдин, уларни ўзаро уланишлари схемасини чизиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу схема фотожадвалга қўшиб кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Чизилган схема, бўлиб ўтган воқеа тафсилотларини тўлиқ ёритиб бериш, далилларни батафсил ўрганиш, сабаб-оқибат боғланишини аниқлаш ҳамда тергов қилиш режасини тузишда самарали ёрдам беради. Шунингдек, қўзғатилган жиноят иши материаллари терговни тегишлилиги бўйича ўзга тергов органига тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун ўтказиладиган тақдирда, ушбу ҳужжатлар воқеа жойига чиқмаган терговчида тегишли таассурот пайдо бўлишида муҳим рол ўйнайди.

ЭХМнинг бузилишига ва рақамли ахборот ташувчиларда ахборотнинг ўчиб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлган эксперт-криминалист томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг ишлатилишига алоҳида урғу бериш лозим. Буларга қуйидагиларни киритса бўлади:

– магнитли материаллар (магнит порошоги);

– магнитли асбоблар (магнит мойқалами);

– магнитли ускуналар (электромагнит, металлдетектор);

– электр-магнитнинг йўналтирилган тарқатувчи ускуналари (кучли ёритгич лампалари, кучли инфрақизил ва ультрабинафша тарқатувчилари);

<sup>1</sup> Қаранг: Вехов В.Б., Илюшин Д.А. Особенности осмотра ЭВМ как вещественного доказательства по делам о преступлениях в сфере предоставления услуг «Интернет» // Вопросы борьбы с преступностью: Сборник научных трудов. – Волгоград, 2004. – С. 159–166.

---

– иситгич ускуналари;  
– ишқорли кислота материаллари ва ҳоказо.

Кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширишда юқорида айтиб ўтилганларни эҳтиёткорлик билан ҳисоблаш техника воситалари, рақамли ахборот ташувчилар ва улагич симлардан камида 1 метр масофада ишлатиш лозим.

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтларни очиш ва тергов қилиш билан боғлиқ ишларда суриштирувчи ва терговчиларнинг компьютер ва бошқа техника воситаларидан етарли даражада хабардор эмаслиги ва шу каби жинойтларни тергов қилишда амалий кўникмаларининг шаклланиши билан боғлиқ қийинчиликларнинг мавжудлиги сир эмас. Фикримизча, бу соҳада уларнинг малакасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтларни тергов қилиш методикасининг шаклланишида ва мавжуд амалий кўникмаларни юқори даражага кўтаришда тергов ҳаракатларига тегишли мутахассисларни жалб қилиш, қолаверса, бу соҳада терговчи ва суриштирувчиларнинг малакасини ошириб, компьютер тизими ва техника турларини, шунингдек улар билан ишлаш ва далилларни йиғиш жараёнида қўлланиладиган усуллар билан батафсил танишишлари, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Давлатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида жинойтларни тергов қилиш ва очишда бу фаолиятнинг самарадорлигини

ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳам назарда тутилган. Бу ўзига хос соҳа бўлмиш ахборот технологияларига ҳам тегишлидир.

Давлатимиз раҳбари ҳақли эътироф этганидек, «... замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобил алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади»<sup>1</sup>.

Ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатлар ҳозирги кунда кенг миқёсда тарқалганлиги, шунингдек замонавий техника ва ундан фойдаланувчилар сонининг тинимсиз ўсиб боришини кузатар эканмиз, бу соҳадаги жинойтчиликка қарши ўз вақтида самарали кураш олиб бормаса, бу жинойт кўрсаткичларининг ҳам ўзгариши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. ҲТВни кўздан кечириш тергов ҳаракати билан боғлиқ ҳолатлар келгусида ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтчиликка қарши курашда ўз ижобий натижасини беради, деган умиддамиз.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011. – Б. 124

## ГАРОВ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Жиноят-процессуал ҳуқуқий механизмлар тизимида эҳтиёт чоралари ўзига хос ўрин тутди. Жиноят-процессуал қонунда белгиланишича, эҳтиёт чоралари деганда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг мажбуриятларни тўла адо этиши ва жиноят процессининг вазифалари бажарилишини таъминлаш мақсадида, қонунда белгиланган ҳолларда терговчи, прокурор ёки судья томонидан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари тушунилади. Эҳтиёт чоралари тизимида гаров мазмун-моҳияти, қўлланиш тартибига кўра ўзига хос ҳисобланади. Гаров эҳтиёт чораси деганда, эҳтиёт чораларини қўллаш мақсадларига шахсни озодликда қолдирган ҳолда, моддий зарар келиб чиқиши таҳдиди билан эришишга қаратилган, дастлабки тергов ва суд органларига муайян мол-мулк ёки пул маблағини топшириш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади.

«Гаров» фуқаролик ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқида ҳам қўлланиладиган атама ҳисобланади. Жиноят процессида гаров эҳтиёт чораси фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган гаровга оид муносабатлар мазмунига ўхшаб кетади, аммо жиноят қонунида белгиланган гаровдан тубдан фарқ қилади.

Эҳтиёт чоралари тизимида гаров ўзига хос ўрин эгаллайди, чунки у қўлланилганида одил судловни таъминлаш учун ҳам, жиноий айблов қўйилаётган шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун ҳам мақбул шарт-шароитлар яратилади. Гаров эҳтиёт чорасининг ҳуқуқий табиатига эътибор берадиган бўлсак, ушбу ҳуқуқий институт жиноят-процессуал ҳуқуққа фуқаролик ҳуқуқидан кириб келганига ишонч ҳосил қиламиз. Фуқаролик ҳуқуқида гаров деганда, бир шахсининг бошқа шахсга мол-

мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши тушунилади<sup>1</sup>. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда гаров юридик ёки жисмоний шахсларнинг зиммаларидаги мажбуриятларини таъминлашга қаратилган. Бунда мулк ёки мулкнинг ҳуқуқлар гаровга кўювчи томонидан ихтиёрий равишда тақдим этилади. Гаров предмети эса топширилиши ёки гаровга кўювчининг ўзида қолдирилиши ҳам мумкин. Бундан фарқли равишда, жиноят процессида гаров қўлланилиши учун гаров предмети албатта топширилиши лозим.

Жиноят процессида гаров қарзни тўлаш ёки бошқа фуқаровий мажбуриятларни бажариш учун эмас, балки айбланувчи ва судланувчи зиммасидаги процессуал мажбуриятларни бажариши учун ишонч (кафолат) сифатида қўйилади.

Фикримизча, гаров деганда муайян мажбуриятларни бажариш учун кафолат сифатида қўйиладиган моддий бойликлар, қимматликлар тушунилиб, агар ушбу мажбуриятлар бажарилмаганда ёки унга риоя қилинмаганда, гаровга қўйилган предмет мажбурият қўйган субъект тасарруфига ўтиб кетади. Ушбу таъриф гаров институтининг ҳам фуқаролик-ҳуқуқий, ҳам жиноят-процессуал ҳуқуқий институт сифатидаги мазмунига мос келади. Шу билан бирга, эҳтиёт чораси сифатида гаровни тартибга солиш амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда гаровга бошқачароқ таъриф бериш мумкин: гаров эҳтиёт чораси деганда, айбланувчи (судланувчи)нинг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товланишининг олдини олиш, бундан бўёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик,

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг доценти в.б., юридик фанлар номзоди.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистика кафедрасининг ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр. — Т., 2003. — 264-м.

ҳукмнинг ижросини таъминлаш мақсадида айбланувчи, судланувчи ёки унинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёхуд юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобварағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлар тушунилади<sup>1</sup>.

Келтирилган таърифлар гаров эҳтиёт чорасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш учун етарли деб бўлмайди. Шу сабабли унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Гаров эҳтиёт чорасининг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– гаров, эҳтиёт чораларидан бири сифатида, процессуал мажбурлов хусусиятига эга;

– гаров моддий таъсир этувчи чора ҳисобланади;

– гаров айбланувчи, судланувчи, шунингдек бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин;

– гаров сифатида пул, қимматбаҳо қоғоз, тош ва металллар, кўчар ва кўчмас мулклар берилиши мумкин;

– гаров миқдори терговчи ёки суд томонидан жиноятнинг оғирлик даражаси, айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, айбланувчи ва гаровга қўювчининг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

– гаров миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан кам бўлмаслиги лозим;

– гаров шартлари бузилганда қўйилган гаров давлат фойдасига ўтказилади;

– гаров қўлланилганида суд ҳукми қонуний кучга киргунича шахс озодликда бўлади ва унинг конституциявий ҳуқуқлари ортиқча чекланишига йўл қўйилмайди;

– гаров қўлланилганида одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартларига амал қилинишига эришилади;

– гаров қўлланилганида жамият ишлаб чиқарувчи кучдан, оила эса боқувчисидан вақтинча маҳрум бўлишининг олди олинади, бу ҳолатда давлатнинг ортиқча кучи сарфланишига ҳожат қолмайди;

– гаров қўлланилганида қамоққа олинганларни сақлаш харажатлари камаяди ва давлат бюджети тежаллади;

– суд-тергов хатоликлари натижасида гаров ноқонуний ва асоссиз қўлланилганида айбланувчи, судланувчига (қамоқ қўлланилгандагига нисбатан) қамроқ зарар етказилади;

– гаров биринчи бор жиноят содир этган шахсларга қўлланилганида, улар қамоқ чораси қўлланилганида бўладиган жиноий муҳит таъсиридан халос бўлишади;

– гаров бошқа (қамоқдан ташқари) енгилроқ эҳтиёт чораси шартлари бузилганида унинг ўрнига қўлланиши мумкин<sup>2</sup>.

Шунингдек, гаров эҳтиёт чорасининг мазмунига қуйидагича таъриф бериш ҳам мумкин: Гаров деганда, айбланувчи (судланувчи)нинг тергов ва суддан яширинмаслиги, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, жиноий фаолият билан шуғулланмаслиги, чақирувга биноан етиб келишини, шунингдек озодликда қолдирилишини таъминлаш мақсадида шахслар, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг ўзи, яқин қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки нодавлат юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг банкдаги депозит ҳисобига пул маблағи, қимматбаҳо қоғозлар, валюта бойликлари, заргарлик буюмлари, нодир металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган нарсалар ва бошқа қимматбаҳо буюмларнинг топширилиши, шунингдек, депозит ҳисобга топширилмайдиган қимматбаҳо буюмлар ва кўчмас мулкларнинг қабул қилиниши тушунилади.

Эҳтиёт чоралари, жумладан гаровни қўллашдан мақсад айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг, бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш ҳисобланади (ЖПК 236-м.).

Жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш учун муайян шартлар ҳам мавжуд бўлиши талаб қилинади. Буларга иш бўйича шахсга айб эълон қилинганлиги, яъни айбланувчи сифатида шахснинг ишда иштирок этишга жалб қилинганлиги, иш (дастлабки тергов) юритилаётганлиги, яъни жиноят иши қўзғатилган ва у терговчи (проку-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2010 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр. – Т., 2010. – 236, 249-моддалар.

<sup>2</sup> Батафсилроқ қаранг: *Рашидов Б.Н.* Гаров эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал тартиби: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2010. – Б. 12-13.

---

пор) ёки судьянинг юритувида бўлиши (иш юритуви тўхтатилмаганлиги), айбланувчи (судланувчи) ёки гаровга қўювчининг розилиги ва айбланувчининг ҳозирлиги кабилар киради.

Гаровни қўллашда қўйилган айбнинг оғирлиги айбланувчининг шахси, машғулотнинг тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва айбланувчи билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳам ҳисобга олинади лозим. Ушбу ҳолатлар гаров эҳтиёт чорасини қўллашда, унинг миқдорини аниқлашда асос сифатида ҳам аҳамият касб этиши мумкин. Қайд этилганлар билан бир қаторда гаров миқдорини белгилашда гаровга қўювчининг шахси, айбланувчи (судланувчи) ва гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволи ҳамда ўзаро муносабатларини ҳам инобатга олиш зарур.

Ҳар қандай процессуал ҳаракатни амалга ошириш учун муайян асослар мавжуд бўлиши талаб қилинганидек, гаров эҳтиёт чорасини қўллаш учун ҳам, албатта, асослар бўлиши шарт. Ҳар қандай жиноят иши бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилаётганида қабул қилинаётган қарор асослангирилиши зарур. Асослар билан бир қаторда гаров эҳтиёт чорасини қўллаш сабаблари ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади. Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш сабаблари қонунда бевосита белгилаб қўйилмаган бўлса-да, фикримизча, гаров эҳтиёт чорасини қўллаш сабабига (барча эҳтиёт чоралари каби) жиноят иши қўзғатилишини киритиш мумкин. Асос эса айбланувчи (судланувчи)нинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаши, жиноий фаолиятини давом эттириши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши мумкинлиги ҳақидаги тахмин ва уни вужудга келтирувчи далиллар (маълумотлар) ҳисобланади.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллашдан мақсад фикримизча, гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)ни жамиятдан ажратмаган ҳолда уларни гаровга қўйилган мол-мулкни қўлдан чиқариш таҳдиди орқали зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ва ҳукм ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш асослари деганда, иш бўйича мавжуд далилларга таянган ҳолда айбланувчи (судланувчи)нинг дастлабки тергов ва суддан яшириниши, ҳақиқатни аниқлаш ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкинлигига оид

ўринли тахмин ва моддий зарар қўриш таҳдиди орқали бундай оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш имкони мавжудлиги ҳақида қилинган хулоса тушунилади.

Жиноят ишларини юритишда эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги масала шахс ушланганидан сўнг ёки жиноят иши қўзғатилиб, шахсга айб эълон қилинган пайтда вужудга келади. Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш масаласи тегишли асослар (шарт-шароитлар) мавжуд бўлганида пайдо бўлади. Жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартиб бўйича гаров эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги ташаббус асосан ишни юритаётган терговчи ёки прокурор томонидан қўрсатилади. Қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини енгилроғига (гаровга) ўзгартириш ва баъзан шахс ушлаб турилганида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки бошқа яқин қариндошлари ташаббуси билан гаров эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги масала кўтарилиши мумкин.

Иш бўйича гаров эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида тўхтамга келинганидан сўнг гаров предмети ва миқдори билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарур бўлади. Гаров предмети гаровга қўювчи (айбланувчи ёки бошқа) билан келишилган ҳолда аниқланади ва терговчи томонидан ҳал этилади. Гаров сифатида пул маблағи, қимматбаҳо буюмлар ва кўчмас мулк топширилиши мумкин.

Терговчи гаров қўядиган шахс юқорида келтирилганлардан қайси бирини гаров сифатида тақдим этиши мумкинлигини аниқлаганидан сўнг гаров миқдорини белгилаши лозим. Жиноят-процессуал кодексда белгиланган ҳолатларни инобатга олган ҳолда терговчининг гаров миқдорини белгилаш ҳақидаги фикри гаровни қўллаш ҳақидаги қарорда асослангирилган ҳолда акс эттирилиши лозим.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор чиқарилганидан сўнг ушбу қарор айбланувчи, гаровга қўювчи ва ҳимоячига эълон қилиниши керак. Қарорда унинг мазмунини ифодаловчи номи, қаерда, қачон, ким томонидан, қандай жиноят иши бўйича чиқарилаётгани (кириш қисмида); кимга нисбатан чиқарилаётгани ва унинг қандай жиноят содир этишда айбланаётгани, жиноят тафсилотлари, гаров эҳтиёт чорасини қўллаш

асослари, уни қўллашда инобатга олинган қонунда белгиланган ҳолатлар ҳамда ушбу асос ва ҳолатларни, шунингдек гаров эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини изоҳловчи сабабларни ифодаладиган иш бўйича мавжуд далиллар, ушбу қарорни қабул қилиш тартибини белгиловчи қонуннинг тегишли нормалари (тавсиф-асослантириш қисмида); ушбу иш бўйича айбланувчига гаров эҳтиёт чорасини қўллаш, гаров сифатида қабул қилинадиган нарса ва унинг миқдори, ушбу қарорнинг айбланувчига ва бошқа шахсларга эълон қилиниши ҳақидаги тўхтамлар (хулоса қисмида) баён этилади. Қарор уни чиқарган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг уни ижро этиш талаб этилади. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлашда айбланувчи, унинг яқин қариндошлари ёки гаровга қўювчи фаол ҳаракат қилиши лозим бўлади. Уларнинг ҳаракатлари гаровни қўллаш ҳақидаги қарорни чиқарган терговчи томонидан бевосита назорат қилинади, чунки гаров кўпинча ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахсга нисбатан қўлланилади. Гаров предметини топшириш унинг яқин қариндошлари зиммасига тушади, улар эса гаровни топшириш бўйича ҳаракатларни терговчининг кўрсатмалари асосида бажарадилар.

Терговчи гаров эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор чиқарганидан сўнг унинг мазмунини айбланувчига ва унинг яқин қариндошларидан бирига ёки гаровга қўювчига эълон қилади ҳамда уларнинг гаров предметини топшириш бўйича мажбуриятларини (ҳаракат қилиш тартибини) тушунтиради. Гаров предмети топширилаётганида ёки гаров топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганида (гаров сифатида пул ёки депозит ҳисобвараққа топшириладиган қимматбаҳо буюм тақдим этилганида) терговчи (суд) томонидан тегишли баённома тузилади<sup>1</sup>.

Гаровни қабул қилиш ҳақидаги баённома икки қисмдан, яъни кириш ва тавсиф қисмларидан иборат бўлади. Баённомада унинг қачон, қаерда, ким томонидан, қайси иш бўйича ва нима мақсадда тузилгани, шунингдек ушбу баённома тузилишига сабаб бўлган гаровни қабул қилишда кимлар ҳозир бўлгани (кириш қисмида); айбланувчи (судланувчи)нинг исми, фамилияси, отасининг исми, гаров эҳтиёт чораси қўлланилиши учун тақдим этилган гаров предмети ёки уни тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами, гаровнинг миқдори, айбланувчига унинг зиммасидаги мажбуриятлар тушунтирилгани ва ушбу мажбуриятларни бузган тақдирда гаровга қўйилган нарсалар давлат фойдасига ўтказилиши, унга эса жиддийроқ эҳтиёт чораси (қамоқ) қўлланилиши ҳақида маълум қилингани, агар гаровга қўювчи бошқа шахс бўлса, унинг исми, фамилияси, отасининг исми, манзили, айбланувчига алоқаси (гаровга қўювчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва манзили ҳам), гаровга қўювчига юритилаётган ишнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига тайинлиниши мумкин бўлган жазо ва ўзининг гаров эҳтиёт чораси қўлланилиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари (айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлиши, зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товламаслигини таъминлаш ва ушбу мажбуриятдан нохуш оқибатлар келиб чиққунча воз кечиши мумкинлиги)<sup>2</sup>, айбланувчи (судланувчи) ўз мажбуриятларини бузса, гаров давлат фойдасига ўтказилиши ҳақида тушунтирилгани, гаров предметининг ёки уни тасдиқловчи ҳужжатнинг терговчи (суд) томонидан қабул қилингани ҳамда айбланувчи (судланувчи), гаровга қўювчи ва терговчи (судья)нинг имзолари (тавсиф қисмида) қайд этилади. Гаровни қабул қилиш баённомаси гаров предмети тақдим этилганлигини ифодаловчи ва тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Ушбу баённома тузилиб, имзоланганидан сўнг гаров қўлланилган ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Бадалбаев А. Особенности применения залога в качестве меры пресечения // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2007. – № 4. – С.104.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2009. – Б.412.



## ЮРИДИЧЕСКАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ПРАВИЛ ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ ОТДЕЛЬНЫХ ВИДОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В Узбекистане особое внимание уделяется созданию благоприятных условий для предпринимательской деятельности, устранению излишних административных барьеров. Разработаны и приняты в общей сложности более 400 законов, направленных на реформирование и модернизацию экономики, которые стали прочным правовым фундаментом дальнейшей либерализации и модернизации экономики, необратимости осуществляемых рыночных реформ. Логическим продолжением проводимой работы в этом направлении стали Указы Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур» от 16 июля 2012 г., «О дополнительных мерах по формированию максимально благоприятной деловой среды для дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства» от 18 июля 2012 г., Постановление Президента Республики Узбекистан от 25 августа 2012 г. «О мерах по устранению бюрократических барьеров и дальнейшему повышению свободы предпринимательской деятельности».

При этом использование опыта стран с развитой экономикой по государственному администрированию предпринимательской деятельности, внедрение механизмов создания прозрачных, необременительных административных процедур для предпринимательства позволят значительно упростить сами процедуры, сократить расходы, время, необходимое для прохождения разрешительных процедур.

Согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов

деятельности и разрешительных процедур» от 16 июля 2012 г. с 1 августа 2012 г. было отменено лицензирование следующих видов деятельности: изготовление ювелирных изделий из драгоценных металлов и камней; заготовка и переработка вторичных ресурсов и отходов, содержащих драгоценные и цветные металлы, драгоценные камни; производство материальных носителей для аудиовизуальных произведений, фонограмм и программ для ЭВМ; перевозка пассажиров и грузов на внутренних и международных воздушных линиях; выполнение авиационных работ; производство электрической энергии на стационарных электростанциях, подключаемых к единой энергетической системе; производство и реализация средств защиты от боевых отравляющих веществ (лицензирующий орган — Кабинет Министров); перевозка пассажиров и грузов речным транспортом (лицензирующий орган — Узбекское агентство автомобильного и речного транспорта); проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей персонального радиовызова (лицензирующий орган — Узбекское агентство связи и информатизации); изготовление, реализация и прокат средств измерений (лицензирующий орган — Агентство «Узстандарт»); проведение энергетических обследований и экспертизы (лицензирующий орган — ГИ «Узгосэнергонадзор»).

Согласно данному Указу с 1 августа 2012 г. было также отменено лицензирование следующих видов деятельности путем объединения:

Кроме вышесказанного названным Указом определено, что лицензии по осуществлению издательской деятельности, проведению экспертизы проектов строительства, разработке архитектурно-градостроительной

\* Доцент кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

| №  | Отменяемые виды деятельности   | № | Объединенный вид деятельности  | Лицензирующий орган                        |
|----|--|---|--|--|
| 1  | Научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы в области обращения с источниками ионизирующего излучения, проектирование, сооружение и обслуживание источников ионизирующего излучения, конструирование и изготовление для них технологического оборудования, средств радиационной защиты.   |   | Деятельность в области оборота источников ионизирующего излучения  | Кабинет Министров                          |
| 2  | Добыча, производство, выработка, переработка, использование, хранение, обслуживание, транспортировка, обезвреживание, утилизация и захоронение источников ионизирующего излучения.   |   |  |  |
| 3  | Ввоз (вывоз), хранение, реализация (отпуск), распределение, перевозка, разработка и производство, изготовление, уничтожение наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, использование наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров в научных и учебных целях, для производственных нужд, в том числе в медицине и ветеринарии. |   | Ввоз (вывоз), хранение, реализация (отпуск), распределение, перевозка, разработка и производство, изготовление, уничтожение наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, использование наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров в научных и учебных целях, для производственных нужд, в том числе в медицине и ветеринарии, а также культивирование наркотикосодержащих растений. | Министерство здравоохранения               |
| 4  | Культивирование наркотикосодержащих растений.  |   |  |  |
| 5  | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг местных сетей телекоммуникаций.   | 3 | Проектирование сетей телекоммуникаций  | Узбекское агентство связи и информатизации |
| 6  | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг международных сетей телекоммуникаций.   |   |  |  |
| 7  | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг международных сетей телекоммуникаций.   | 4 | Строительство сетей телекоммуникаций   |  |
| 8  | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной связи.  | 5 | Эксплуатация сетей телекоммуникаций  |  |
| 9  | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей передачи данных.  |   |  |  |
| 10 | Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей распространения (трансляции) телерадиопередач.  | 6 | Оказание услуг сетей телекоммуникаций  |  |

---

документации, проектированию, строительству, эксплуатации и ремонту магистральных газопроводов, нефтепроводов и нефтепродуктопроводов выдаются без ограничения срока действия.

В докладе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан отдельное внимание уделено развитию института лицензирования: «...В целях совершенствования системы управления, устранения излишних бюрократических барьеров важное значение будет иметь разработка и принятие Закона «О разрешительных процедурах в сфере предпринимательской деятельности». Нам необходимо четко определить строго ограниченный перечень и виды разрешительных процедур, необходимых для ведения предпринимательской деятельности, решительно сократить излишние и установив законодательный запрет на введение новых видов разрешений и разрешительных процедур, не предусмотренных законом»<sup>1</sup>. Следует отметить, что правовой режим лицензирования отдельных видов деятельности<sup>2</sup> представляет собой особую систему взаимодействия отдельных субъектов и представителей исполнительной власти, когда нужно разрешение вопроса о допуске к определенным видам деятельности, требующим квалифицированного и профессионального ведения работ, контроля за их фактическим осуществлением и прекращением пребывания субъекта в качестве обладателя разрешительного правового статуса. Несомненно, индивидуализация правового воздействия, специфика режимных требований обуславливают наличие специального механизма ответственности за их нарушение.

Отступление субъектов от требований режима лицензирования отдельных видов деятельности может быть выражено в осуществлении деятельности без лицензии или нарушении правил лицензирования.

Нарушение требований разрешительной системы связано с привлечением виновных лиц к административной, дисциплинарной,

уголовной и гражданско-правовой ответственности. В этой системе преобладает применение административных взысканий. Многие виды правонарушений в рассматриваемой сфере не представляют большой общественной опасности и не должны квалифицироваться как преступления, кроме того, они совершаются лицами, с которыми органы исполнительной власти и их служащие не находятся в отношениях постоянного непосредственного подчинения.

В отдельных случаях за дисциплинарные проступки, связанные с не обеспечением выполнения лицензионных требований, меры государственного принуждения к виновным лицам применяются в административном порядке. Чаще всего за нарушение правил лицензирования применяются традиционные виды административных взысканий, определенные в ст. 23 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, однако специфика режима предполагает введение специальных видов взысканий и особых правил их наложения.

Применение административных взысканий опосредовано следующими правилами:

1) до применения санкций в обязательном порядке используются меры пресечения незаконной деятельности – изъятие запрещенных или ограниченных к обращению предметов, вынесение предупреждений, предостережений и т. п., приостановление действия лицензии или деятельности юридического лица;

2) органами, уполномоченными применять меры пресечения, как правило, являются субъекты, выдавшие лицензии (лицензиаты), однако приостановление деятельности юридических лиц может осуществляться и органами Государственного налогового комитета. Говоря о юридической ответственности за нарушение правил лицензирования отдельных видов деятельности, следует заметить, что составов проступков, непосредственно предусматривающих ответственность за нарушение правил лицензирования, достаточно много, они сформулированы как в Законе Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности»<sup>3</sup> от

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

<sup>2</sup> Закон Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2000. – № 5-6. – Ст.142.

<sup>3</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2000. – № 5-6. – Ст. 142; 2003. – № 1. – Ст. 8; Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2006. – № 14. – Ст. 110; 2006. – № 41. – Ст. 405; 2011. – № 36. – Ст. 363; 2013. – № 18. – Ст. 233.

---

25 мая 2000 г., так и в Таможенном кодексе Республики Узбекистан<sup>1</sup>, Законе Республики Узбекистан от 9 декабря 1992 г. «Об охране природы»<sup>2</sup>, Законе Республики Узбекистан от 24 декабря 1998 г. «О рекламе»<sup>3</sup>, Законе Республики Узбекистан от 15 декабря 2000 г. «Об административной ответственности юридических лиц в сфере строительства»<sup>4</sup>, Законе Республики Узбекистан от 20 июля 2006 г. «Об авторском праве и смежных правах»<sup>5</sup>, а также в положениях о лицензировании отдельных видов деятельности.

Составы правонарушений сформулированы в зависимости от отраслевой направленности правил лицензирования; единый состав административного проступка, выраженного в нарушении требований режима лицензирования, отсутствует.

Статья 190 Уголовного кодекса Республики Узбекистан предусматривают только ответственность физических лиц за нарушение правил лицензирования. Общая норма, позволяющая привлекать к ответственности за преступления в сфере лицензирования, сформулированная в ст. 190 УК, предполагает осуществление предпринимательской деятельности без специального разрешения (лицензии) в случаях, когда такое разрешение (лицензия) обязательно, или с нарушением условий лицензирования, если это деяние причинило крупный ущерб гражданам, организациям или государству.

Однако не во всех случаях разрешительный документ называется именно лицензией или разрешением (он может называться актом аккредитации, квалификационным аттестатом и т.д.). Кроме того, если лицензированию подлежит деятельность юридических лиц, то привлечь к ответственности физических лиц, действующих в составе данных юридических лиц, практически невозможно. Вместе с тем встречаются и позитивные моменты. Так, ведение деятельности без лицензии влечет за собой признание ее незаконной, требующей применения не только карательных, но и восстановительных мер. Поскольку были нарушены административные требования, связанные с приобретением определенного правового положения, то

должны применяться административно-восстановительные меры при выявлении правонарушений.

Кроме административно-восстановительных мер за ведение деятельности без лицензии применяются гражданско-правовые меры ответственности, реализация которых имеет особенности. Ведение подлежащей лицензированию деятельности без специального разрешения (лицензии) в отраслях экономики, безусловно, влечет за собой признание совершенных сделок ничтожными по признаку противоречия основам правопорядка и нравственности и взыскание всего полученного по сделкам в доход государства.

Рассмотренные вопросы предполагают необходимость комплексного правового регулирования, ибо одного лишь признания деятельности незаконной или сделок недействительными (причем в большинстве случаев на будущее время) недостаточно, так как можно ожидать, что безлицензионная деятельность будет осуществляться и далее.

Как отмечалось выше, ответственность за нарушение правил лицензирования несут и физические, и юридические лица. Встречается принцип взаимной ответственности юридических и физических лиц за неправомерные действия. В частности, лишение квалификационных аттестатов всех работников предприятия влечет за собой безусловный отзыв лицензии у данного юридического лица (см. ст. 78 Таможенного кодекса).

Приостановление деятельности традиционно признавалось в качестве меры пресечения, однако присутствие данной меры в санкциях множества статьей различных нормативных актов, сходство ее с таким административным взысканием, как лишение специального права, позволяют утверждать, что оно является самостоятельной мерой административной ответственности. О применении данного взыскания лицензирующий орган обязан в трехдневный срок сообщить в органы Государственного налогового комитета, а до его применения обязательно направить деликвенту предписание об устранении допущенных нарушений. Может быть определен срок приостановления действия лицензии.

---

<sup>1</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1998. - №2.

<sup>2</sup> Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. - 1993. - №1.

<sup>3</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1999. - №1. - Ст.14.

<sup>4</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 2001. - №1-2. - Ст.21.

<sup>5</sup> Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 2006. - № 7. - Ст.372.

---

Продолжение деятельности в тот период, когда действие лицензии на нее приостановлено, квалифицируется как деятельность без лицензии. Приостановление действия лицензии и лишение специального права, предоставленного гражданину (права управления транспортным средством, права охоты) сходны по многим признакам: применяются в качестве административных санкций за нарушение лицензионных требований, связаны с введением временных ограничений на осуществление деятельности, являются срочными мерами ответственности и т. д.

Их отличия заключаются в следующем. Лишение специального права, принадлежащего гражданину, применяется только на основании п. 4 ст. 23 КоАО, а приостановление действия лицензии возможно в соответствии с любыми нормативными актами, регулирующими данный правовой режим, причем первый вид взыскания применяется только к гражданам, а второй — и к юридическим лицам. Срок действия взыскания в виде лишения специального права — от 15 дней до 3 лет, а приостановление действия лицензии продолжается до устранения допущенных нарушений либо принятия решения об отзыве лицензии, если иное не предусмотрено нормативными актами.

Основание для лишения специального права — совершение конкретных видов административных проступков, указанных в КоАО, приостановление же действия лицензии допускается за любое нарушение лицензионных условий. Не тождествен и круг органов, уполномоченных применять названные взыскания. В первом случае оно может быть применено по постановлению суда (судьи), должностных лиц органов внутренних дел, а приостановить действие лицензии может любой орган исполнительной власти, осуществляющий контроль за соблюдением условий лицензирования.

Основание для возобновления действия разрешительных документов после лишения специального права — истечение срока, на который гражданин был лишен возможности им пользоваться. На практике это часто связано с повторным прохождением квалификационных процедур, аттестации, переподготовки и т.п. Действие же приостановленной лицензии возобновляется в любом случае после устранения обстоятельств, послужив-

ших основанием для ее приостановления. Как видим, охарактеризованные меры в целом сходны, и, вероятно, достаточно сохранить одну из них в качестве административного взыскания. Приостановление и аннулирование лицензии отличаются по характеру правовых последствий, вызванных данными актами. В первом случае лишение разрешения производится, когда это разрешение бывшему обладателю предоставлено законно, но впоследствии были нарушены лицензионные условия. Приостановление действия лицензии осуществляется лицензирующим органом или судом. Лицензирующим органом действие лицензии может быть приостановлено на срок не более десяти рабочих дней, а судом — на срок более десяти рабочих дней. Признание деятельности неправомерной и ее прекращение производятся с даты принятия решения об отзыве лицензии. Аннулирование же связано с незаконностью наделения разрешительным статусом, а потому данный акт принимается позже решения о выдаче лицензии, но признает незаконность деятельности квазилицензиата с даты выдачи разрешения.

Нарушение лицензионных условий может быть выражено в непосредственном отступлении от требований, предъявляемых к профессиональной деятельности (например, невыполнение банком экономических нормативов), и условий, определяющих предпринимательскую деятельность любого хозяйствующего субъекта (нарушение антимонопольного, налогового законодательства, правовых актов о защите прав потребителей). Видимо необходимо учитывать, что в последнем случае допущенные нарушения и осуществляемая лицензируемая деятельность должны быть взаимосвязанными.

Таким образом, отсутствие детального закрепления в едином нормативно-правовом акте оснований и видов мер ответственности за нарушение лицензионных условий, правовая неопределенность процедур применения санкций создают достаточные трудности в регулировании данной сферы отношений, защите прав лицензиатов и государства, в связи с чем требуется дальнейшее совершенствование этого важного административно-правового института, определяющего особый, основанный на профессиональной компетентности режим предпринимательской деятельности.

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ИШИНИНГ МОҲИАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ички ишлар идоралари амалий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ахборот-таҳлил иши ташкил этади. Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларининг муваффақиятли таъминланиши кўп жиҳатдан ахборот-таҳлил ишининг қай даражада йўлга қўйилганига боғлиқ.

Ахборот-таҳлил ишининг мазмунини маъмурий ҳудудда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда криминоген вазиятнинг ҳолати ва хусусиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, ички ишлар идоралари фаолиятини тезкор вазият тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда шу асосда салбий омилларни бартараф этиш борасидаги ишларининг асосий йўналишларини белгилаш ташкил этади.

Ички ишлар идоралари тизимига кирувчи деярли барча хизматлар ўз фаолиятида ахборот-таҳлил иши билан шуғулланади. Қолаверса, айрим хизматларда мазкур фаолият билан шуғулланувчи алоҳида бўлим (бўлинма)лар ташкил этилган. Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа хизматлар тизимида фаолияти йўлга қўйилган бундай бўлимлар турлича, жумладан «ташкилий-таҳлилий бўлим», «фаолиятни ташкилий-таҳлилий таъминлаш бўлими» деб номланади.

Мазкур ахборот-таҳлил ишини таъминловчи тузилмалар ишларининг самарадорлиги юзага келган тезкор вазиятни ва унинг таҳлилидан келиб чиқадиган жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб муаммоларини ўрганиш жараёни қай даражада аниқ ташкиллаштирилганига боғлиқ.

Ички ишлар идоралари ахборот-таҳлил ишининг таркиби мазмунидан кўришиб турганидек, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки жараён: ахборот билан ишлаш ва таҳлилий ишдан иборат.

Ички ишлар идораларининг муайян тизимини бошқариш самарадорлиги мазкур тизимни тегишли ахборот билан таъминлашга

бевосита алоқадордир. Муайян ҳудудда юзага келган тезкор вазиятни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, ички ишлар идоралари, унинг соҳавий хизмат ва тузилмалари фаолиятини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш асосидагина ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакл ва усулларини такомиллаштириш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этиш бўйича ўз вақтида ва асосланган қарорлар қабул қилиш мумкин. Ахборот билан таъминлаш мазмуни барча бошқарув жараёнларига ҳам, аниқ вазифалар ёки унинг муайян босқичларига ҳам, аниқ таркибий тузилма ёки муайян ходимлар тоифаси фаолияти сирасига ҳам киритилиши мумкин.

Юридик адабиётда ички ишлар идораларидаги таҳлилий ишнинг мазмуни ҳуқуқий тартибнинг аҳволи ва ички ишлар идоралари амалий фаолиятининг натижалари, ушбу фаолият кечаётган ташқи муҳит шароитларига доир ахборотни ўрганиш ва баҳолашни қамраб оладиган ҳамда сабабий алоқадорликлар, тамойиллар ва қонуниятларни аниқлашга қаратилган тадқиқот ва билиш фаолияти сифатида таърифланади<sup>1</sup>.

Ахборот-таҳлил иши бир томонидан, юз бераётган салбий ижтимоий ҳодисалар (жиноятчилик, жамоат тартибини бузиш ва бошқ.)ни аниқлаш ва уларнинг қонуниятларини ўрганиш имконини беради, бошқа томондан эса ушбу ҳодисаларга қарши кураш бўйича хизмат ва тузилмаларнинг кундалик фаолияти натижаларини акс эттиради. Бошқача айтганда, у, *биринчидан*, муайян вақт оралиғидаги жиноятчилик ва жамоат тартибини сақлаш ҳолатининг таҳлилидан, *иккинчидан*, жиноятчиликка қарши курашда фойдаланиладиган ҳар бир муайян шаклнинг самарадорлиги ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, ички ишлар идораларининг олдида турган вазифаларни бажариш бўйича фаолият йўналишларини ўрганишдан иборат.

Шаҳар-туман-тармоқ ички ишлар идоралари хизмат ва тузилмалари ишларининг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳо бериш

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. - Т., 2005. - Б.152.

таҳлил жараёнининг энг мураккаб ва масъулиятли босқичларидан биридир. Чунки айнан унда орган ва унинг муайян бўғинлари ўзининг асосий вазифасини қандай бажаряпти, қай даражада самарали фаолият юритяпти, деган саволга жавоб топилади.

Фаолият натижаларини (сифат жиҳатдан ҳам, миқдор жиҳатдан ҳам) таҳлил қилиш идоровий норматив ҳужжатлар билан белгиланган ички ишлар идоралари тизимидаги мавжуд мезонлар ва кўрсаткичларга асосланади.

Мезон – фаолиятга баҳо беришда ишлатиладиган эталон, ўлчов бирлиги. У сифат белгиси ҳисобланади ва айна пайтда муайян ўлчов даражасига эгадир. Шундай қилиб, у ёки бу мезон асосида фаолиятга баҳо бериш миқдор кўрсаткичлари билан ифодаланиши мумкин (дастлабки тергов сифатига баҳо бериш мезонлари, хусусан, жиноят ишларининг қўшимча тергов қилишга қайтарилганлик кўрсаткичи, асоссиз равишда айб қўйиш, ноқонуний эҳтиёт чорасини танлаш фактларининг миқдори каби кўрсаткичлар билан ифодаланади).

Таҳлил ишларида икки ҳудудий орган ёки бир орган бажарадиган ишининг хусусияти ўхшаш бўлган икки бўлим (бўлинма), бир хил одам ва моддий-техник ресурсларга эга бўлган ҳамда бир хил шароитда ҳаракат қиладиган, бироқ ўз ишларининг натижаларига кўра, бир-биридан анча фарқ қиладиган икки ёки бир нечта профилактика инспекторлари, навбатчи қисмлар, тергов-тезкор гуруҳлари фаолиятини қиёсий ўрганиш усули юқори самара беради. Бундай тадқиқотлар учун умумий мақсад бўлиб, аниқ ишларни ташкиллаштиришнинг шакл ва тактик усулларини қиёслаш орқали энг муҳим бўлган саволлар – шароит, куч ва воситалар бир хил бўлганда нима учун бир-биридан тубдан фарқ қиладиган пировард натижаларга эришилганлиги, орқада қолганларга яхши ишлашлари учун нима халақит бериши, бир жойда қотиб қолишга нима, сабаб бўлиши, ишнинг яхши олиб борилиши учун нималар қилиш лозимлиги каби саволларга жавоб топиш; ижобий тажрибаларни аниқлаш ва кенг ёйиш, тадқиқот натижалари бўйича орган бошлиғининг аниқ бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Қиёсий тадқиқотнинг предмети тезкор-хизмат фаолиятининг турли йўналишлари (жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, жиноятчилар ва бедарак йўқолганларни қидириш, жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ва бошқ.) ҳамда хизматлар, тузилмалар раҳбарларининг ташкилий ишлари (ишларнинг услуб ва усуллари, куч ва воситаларни бошқариш самарадорлиги ва бошқ.) ҳам бўлиши мумкин.

Қиёсий тадқиқот ўтказишни тақозо этадиган муаммоларга кўпинча жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш натижалари тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганиш чоғида дуч келинади. Бунда айрим тузилмалар, уларнинг раҳбарлари ёки ходимларининг кўрсаткичлари юқори, бошқаларида эса аксинча бўлган ҳолларда танг вазият юзага келади. Бу вазиятни қайд этган таҳлилчи уларнинг хизмат вазифаларини бажариш шароитларини ўрганади ва агар улар бир-бирига ўхшаш бўлса, унда қиёсий тадқиқот ўтказиш учун асослар мавжуд бўлади.

Муаммони ўрганишда тадқиқ этилаётган ҳодисанинг сабаблари очиқ-ойдин бўлиши, мавжуд ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик, очиб берилиши жоиз. Бошқача айтганда, ўрганилаётган муаммода «оқдоғлар» қолмаслиги лозим.

Фақат шундагина бошқарув қарорларининг лойиҳалари «бўйсунувчилар ишлари устидан назоратни камайтириш», «ишлар ҳолатини тўғрилашга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаслиги» тўғрисидаги ва шунга ўхшаш кўп бор такрорланадиган навбатчи “тамға”лардан соқит бўлади. Улар аслида ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди, чунки бўйсунувчиларнинг ишлари устидан назоратни камайтиришга олиб келган ҳақиқий сабаблар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликлар ноаниқ бўлиб қолаверади. Аниқ теран таҳлил юзага келган вазиятнинг ҳақиқий сабабларини очиш ва тушунтириш, аниқ таклифларни киритиш имконини беради.

Жиноят содир этилган жой ва ҳолатни ички илар идорасининг хизмат ва тузилмалари фаолияти билан солиштириб, масалан, кўча жиноятлари, йўл-транспорт ҳодисаларини патруль-пост нарядлари, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизмати тузилмаларининг ҳаракатланиш йўналишлари билан муқояса қилиб, қиёсий таҳлилнинг бошқа бир турини ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Тезкор-хизмат фаолиятига баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлар катта аҳамият касб этади:

– тезкор-хизмат ҳаракатлари, тадбирлар ва бошқаларни ўтказиш миқдори тўғрисидаги маълумотлар (улар тезкор-хизмат фаолиятининг ҳажмини тавсифлайди);

– тезкор-хизмат фаолиятини амалга оширишда куч ва воситалардан фойдаланиш натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар (уларга техник воситалар, шахсий таркиб ва ёрдамчи кучлардан, пул ва моддий воситалардан фойдаланиш, турли юкланмалар ва вақт сарфи кабилар киради);

– хизмат ҳаракатларини ўтказишнинг турли талаблари миқдори ифодаланган кўрсаткич-нормативлар (масалан, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш муддатлари, шахсий таркиб юкланмалари нормативлари ва бошқ.).

Ахборот-таҳлил ишлари билан бирга, шаҳар-туман-тармоқ ички ишлар идораларида бошқарув фаолиятининг ҳолатини ўрганиб чиқиш ҳам катта аҳамият касб этади, чунки ички ишлар идоралари тизимларининг асосий вазифаларини муваффақият билан бажариши кўп жиҳатдан айнан унинг даражасига боғлиқ.

Юқорида санаб ўтилган ўзаро алоқадор кўрсаткичлар комплекси ушбу фаолият самарадорлиги тўғрисида хулосага эга бўлиш мақсадида ўтказилган таҳлил қилиш ва баҳо беришда орган фаолияти ҳолатининг ҳолис кўринишини акс эттиради.

Бошқача айтганда, ички ишлар идоралари, унинг хизмат ва бўлинмалари турли-туман фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш фойдаланилмаётган захираларни аниқлаш, юқори ва барқарор пировард натижаларга эришишнинг йўллари ва усулларини излаб топишга қаратилган бўлиши лозим.

Ички ишлар идораларида олиб борилаётган ахборот-таҳлил ишлари содир этиб бўлинган қайтмас ҳодисаларнигина қайд этиш даражасида қолиб кетмаслиги лозим. Энг аввало, у ҳуқуқ-тартибот соҳасида муқаррар салбий мойилликларни ўз вақтида аниқлаш ва бу мойилликлар орқада қолаётган участкаларда хавфли тус олмаслигига, орқада қолиш эса, муваффақиятсизлик ҳолатига етиб келмаслигига ҳамда илгари ишлаб чиқилган тезкор ва профилактик тадбирлар, мавжуд куч ва воситаларни қайта тақсимлаш, бошқа олдини олиш чораларини кўришга, тегишли ўзгартиришлар киритишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари ахборот-таҳлил ишининг бугунги ҳолати ҳақида сўз юритганда тизимда ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларнинг тўлиқ талабга жавоб бермаслигини, таҳлилий иш ва ҳисоб амалиётида таҳлилий ишларнинг чуқур олиб борилмаслиги, фаолиятнинг ҳисоботларга боғланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Републикаси ИИВ Ҳайъатида Вазирлик раҳбарияти томонидан қайта-қайта танқидга олинishiга қарамай, амалиётда айрим ички ишлар идораларининг бошлиқлари ўз ҳисоботини имкон қадар яхши кўрсатишга интилиши, иш жараёнидаги салбий ҳолатларни яширишга уриниши, баъзи раҳбарлар ҳисобот кўрсаткичларини сохталаштиришга ҳаракат қилиши учрамоқда. Бундай ҳолат, албатта, ўтказилаётган таҳлилларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади, оқибатда мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришга тўсқинлик қилади, бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилинишига олиб келади.

Шу муносабат билан, ахборот-таҳлил ишларини такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф қилиш мумкин:

Биринчидан, ички ишлар идоралари амалиётида ахборот-таҳлил ишининг мазмуни ва ғоявий доирасини кенгайтириш лозим. Чунки ахборот-таҳлил ишлари мунтазам равишда ҳудуддаги тезкор вазиятни ўрганиш, бу ҳақда таҳлилий маълумотнома ёзиш ва вазиятга баҳо беришдан иборат бўлиб қолмай, балки илмий текширишлар олиб бориш, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари илгари дуч келмаган янги муаммолар устида тадқиқотлар ўтказишни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бошқача айтганда, ахборот-таҳлил иши раҳбарнинг ИИВ таркибий тузилмалари ички фаолиятининг муҳим масалалари бўйича ишларнинг ҳолати ва умуман ички ишлар тизими олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар қандай вақтда мос, яхлит ва кўзга кўринадиган тушунчага эга бўлиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ички ишлар идоралари фаолиятидаги ахборот-таҳлил таъминотининг ушбу муҳим вазифасини ҳал этиш учун юзага келган муаммолар ва қабул қилинадиган қарорларнинг алоқадорлиги чизмаси тариқасидаги муҳим ахборотни шакллантириш ва олиб бориш бўйича мавжуд усулларни қайта кўриб чиқиш ва уларга тузатиш киритиш зарур. Унда сиёсий ва иқтисодий вазиятни ривожлантиришнинг асосий муаммолари, ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчилик ҳолатининг жараёнлари ва тенденциялари, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи ички ишлар идоралари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат тузилмалари, муаммоларни самарали ҳал этиш шароитлари, таклиф қилинадиган ва амалга ошириладиган қарорлар бўйича тўпланган таҳлилий маълумотлар ўзаро алоқадорликда ва мувофиқлаштирилган ҳолда сақланиши лозим. Бунда асосий муҳим шароит – асосий муаммолар ва қарорларни алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки комплекс кўриб чиқиш имконияти юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, раҳбарга ҳар бири алоҳида олинган айрим масалаларни эмас, балки амалга ошириладиган фаолиятни бир бутун тарзда юритиш имконини беради.

Иккинчидан, ички ишлар идоралари ахборот-таҳлил ишининг истиқболли шакл ва усулларини аниқлаш ҳамда уни бутун тизимга кенг ёйиш. Бунинг учун «Ахборот-таҳлил аппаратлари ходимлари кутубхонаси» шаклидаги ахборот-таҳлил ишлари муаммолари бўйича мустақил идоравий илмий-амалий нашрни таъсис этиш ёхуд мавжуд идоравий нашрларда



доимий рукн очиб, ундан фойдаланиш, бошқа томондан, ички ишлар идоралари фаолиятининг ахборот-таҳлил таъминоти муаммолари бўйича республика миқёсидаги илмий-амалий семинарларни мунтазам равишда ўтказиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, илмий жамоалар ва айрим олимларнинг кучларини жинойтчилик аҳволига таҳлил этиш ва башорат қилиш муаммоларига қаратиш. Мазкур йўналишда тизимли тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги тариқасидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг жинойий ҳолатга таъсирини ўрганиш имконини берадиган тизимли методдан фойдаланган ҳолда, ички ишлар идоралари фаолиятининг ахборот-таҳлил таъминоти муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларининг тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда нашр этилган юридик адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ахборот-таҳлил ишлари етарлича тизимли ёндашилган ҳолда тўлиқ ёритилмаган ва ушбу фаолиятни алоҳида фан сифатида ўрганиш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг таълим муассасалари ўқув дастурларига киритилмаган.

Шу сабабли, ички ишлар идоралари ахборот-таҳлил ишини юридик адабиётларда тизимли ва муфассал ёритиш, шунингдек ИИВнинг таълим муассасалари тизим учун тайёрланадиган кадрларга ахборот-таҳлил иши юзасидан зарурий қасбий билимлар бериш ҳамда уни амалда қўллаш олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга татиқ этиш лозим. Мазкур дастур қуйидаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш вазифаларини мувофиқлаштиришни таъминлаши лозим:

а) хизмат йўналишлари бўйича жинойий вазиятларни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш. Айнан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ташкилий-инспекторлик бошқармаси ва бош бошқармалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда, жинойтчилик (жумладан, умумжинойий, иқтисодий, уюшган жинойтчилик) мониторинги ҳамда тезкор-хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича бўлинмалар фаолияти мониторингининг доимий тизимини яратиш;

б) муайян ҳудуддаги ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш асосида ҳудудларда ахборот-таҳлил ишлари даражасини ошириш, уларни криминалогик экспертизалар асосида тадқиқ этиш, келгусида ҳар бир хизмат олдида турган вазифаларни ишлаб чиқиш. Бундан ташқари, алоҳида олинган турли

йўналишлар, масалан, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг муайян ҳудуддаги тезкор вазиятга таъсири тўғрисидаги статистик материалларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда ички ишлар идоралари фаолиятининг ахборот-таҳлил таъминотида кенг ва мутлақо янги имкониятлар эшигини очиб беради. Бу, ўз навбатида, ички ишлар идораларининг ахборот-таҳлил ишларида замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятларига ҳам боғлиқдир<sup>1</sup>;

в) Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида амалга оширилаётган таркибий-функционал ислохотлар муносабати билан, манфаатдор бошқарув субъектларининг кундалик вазифаларини ҳал этишида уларнинг турли маълумотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида, ИИВнинг ахборот-таҳлил бўлинмалари ва соҳавий хизматларда тўпланиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини аниқлаш ва унга тузатиш киритиш;

г) ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган зарур муаммолардан бири бўлган ички ишлар идоралари фаолиятининг ахборот-таҳлил таъминотини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.

Ички ишлар идоралари фаолиятини таъминлашга хизмат қиладиган ахборот фонди кўпинча бир-бирига зид келадиган жуда катта миқдордаги ҳужжатлар асосида олиб борилади. Мавжуд идоравий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса ушбу муаммонинг фақат муайян жиҳатларига дахлдордир.

Ахборот-таҳлил ишларини олиб борувчи тузилмалар ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимининг барча хизмат ва бўлинмаларида мавжудлиги ва амалда таҳлилий иш билан у ёки бу даражада ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими шуғулланишини инобатга олиб, ахборот-таҳлил ишлари билан шуғулланувчи ҳар бир ходимнинг ўзига тегишли хизмат йўналиши бўйича ҳуқуқий тартибнинг аҳволини комплекс таҳлил қилиш, энг долзарб муаммоларни аниқлаш ва батафсил тадқиқ этиш малакасини ошириш, тадқиқот усулларига таянган ҳолда ишлаш кўникмаларини ўргатиш тақозо этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари амалий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ахборот-таҳлил ишларининг тўғри ташкил этилиши ва тадқиқот усулларига асосланган ҳолда амалга оширилиши соҳа ходимларининг жинойтчиликка қарши кураш борасидаги кўп қиррали фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Информационное обеспечение управления органами внутренних дел и внутренними войсками: Учебник / Под ред. В. Д. Минаева. – М., 1997.

Й. М. Зухиров\*

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ АХЛОҚИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Қадриятлар устуворлиги қайтадан кўриб чиқилди ва бугунги кунда энг олий қадрият – инсон, унинг эркинлиги, қадр-қиммати Конституция даражасида мустаҳкамланди. Ҳаётимизнинг барча жабҳалари ислоҳотлар билан қамраб олинган, бу эса ҳар бир фуқародан, у қайси соҳада ишламасин, юксак маънавиятли, маданиятли, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук бўлишини талаб қилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг «халқимиз тафаккурида юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур»<sup>1</sup>, деган фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Маълумки ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида ахлоқ алоҳида ўрин тутди. Уларнинг касбий ахлоқини юксалтириш эса, ички ишлар идоралари фаолияти сифатининг ошишига олиб келади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқи ички ишлар идораларига хизматга келадиган муайян шахслар, улар мансуб бўлган ўша жамият ахлоқи, янада аниқроқ айтганда, инсонни бошқа мавжудотдан ажратиб турадиган ҳодиса бўлган умуминсоний ахлоқнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Касбий ахлоқ касб маданиятида яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етгач, бир касбни эгаллаб, шу касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасблар билан рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни вақтда, касбий ахлоқ

касб маданиятининг бир қисми бўлиб, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксакдир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқи кўп жиҳатдан, бошқа касб вакилларининг ахлоқига қараганда, муайян нормалар, қонунлар билан тартибга солинади. Шунинг учун ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқи бўйсунадиган ижтимоий муҳим мақсад давлатнинг асосий қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (15-м.). Инсонга ҳурмат, унга фуқаро сифатида муомала қилиш, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, унинг ҳимояси учун ҳар доим ва ҳар жойда шай бўлиш ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқи, асосий касбий-ҳуқуқий қадрияти ҳисобланади. Умуман, ички ишлар идоралари касбий ахлоқи ҳодисасини таҳлил қилишда ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-маънавий онгининг тузилиши ва асосий таркибини кўриб чиқиш зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий онги хизмат жамоаларининг манфаатларига мос келувчи, бажарилиши лозим бўлган ахлоқий тушунча, ғоя, қараш, ҳиссиётларнинг бир бутун тизимидан иборат бўлиб, кишиларнинг, хусусан, ички ишлар идоралари ходимларининг жамиятдаги, кундалик турмушдаги ахлоқий фаолияти, хулқи унинг асосий объекти ҳисобланади.

Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан, яъни ходимнинг индивидуал онги ва бир қанча

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедрасининг катта ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 384.

---

ходимлардан иборат бўлган хизмат жамоаларининг онгини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий онгдан иборатдир. Ундаги индивидуал онг таркибига шахснинг ҳис-туйғуси, баҳолаши ва ишончи кирса, ижтимоий ахлоқий онгнинг таркибига жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинадиган кодекслар, нормалар, тамойиллар, мафкуравий ғоялар ва бошқа қонун-қоидалар киради.

Ахлоқ инсоният турмушида учрайдиган мавжуд ёвузликларга қарши кураш воситаси ҳисобланади. Шунингдек, ахлоққа ўзаро алоқаларни тартибга солувчи нормалар ҳамда жамиятни тартибсизлик ва бузилишлардан ҳимоя қилувчи зарур восита сифатида қаралган.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолияти ижтимоий хусусият касб этади, шу боис, касбий-маънавий онгнинг мазмунини жамиятдаги ахлоқий қадриятлар ва ғоявий тасаввурлар белгилаб беради. Ички ишлар идоралари ҳар қандай жамиятда ҳокимият мафкурасининг ифодачиси ва ҳокимият воситаси бўлиб қолади. Шу боис, ички ишлар идоралари учун, биринчи навбатда, ҳуқуқий адолатга эришиш муҳим ҳисобланади. Бунда барча фуқароларнинг, ҳеч бир истисносиз, қонун олдида бир хил жавобгарлиги тушунилади. Давлат манфаатлари учун тартиб, адолат ўрнатишга интилиш ва Ватанга садоқат ҳисси ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-маънавий онгини ташкил этувчи асос ҳисобланади. Ушбу ғоялар ақл ёрдамида баён этилади ва тушунилади. Бироқ уларнинг ақлий фикрлаши, халқ ибораси билан айтганда, ходимга «сут ва қон билан» кирган бўлиши керак.

Онда ўз ўрнига эга бўлган ғоя ҳиссий қабул қилиниши ва тасдиқланиши керак. Ҳиссиёт ақлий вазлардан кўра инсонга чуқурроқ таъсир этади. Инсон ўз касбини «қалби билан» танлаши ҳамда танлаган касбига хизмат қилишни асосий мезон қилиб олиши зарур. Ички ишлар идоралари фаолияти аксарият ҳолларда қалтис вазиятлар билан боғлиқ бўлади. Аксарият ходимлар ўзини бутунлай ишга бағишлаган, фидо қилган вақтларда атрофдаги айрим шахсларнинг уларга таъсир ўтказишга уриниш ҳоллари учраб туради. Ҳатто бундан жиддийроқ ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳиссий-психологик онг даражасига, одатда, ходимнинг Қасамёдга содиқлиги,

виждони, касбий бурчи ва касбий шаъни киритилади. Ички ишлар идоралари бўлинмаларининг вазифаси умуминсоний жиҳатдан юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган номзодларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ҳисобланади. Буни амалга ошириш анча мушкул, чунки инсон маънавиятли ёки маънавиятсизлигини ишончли равишда аниқлаб бериши мумкин бўлган тестлар йўқ. Бу сифатлар эса турли кичик гуруҳлар: оила, меҳнат ёки ўқув жамоасида намоён бўлади, шунинг учун ички ишлар идоралари ходими номзодига иш ёки хизмат жойидан бериладиган тақриз ва тавсияларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ходимнинг бажарилаётган ишга виждонан ёндашиши ва ижрочилиги, қариндош-уруғлари, яқинларига меҳрибонлиги, жамоадагилар ҳамда атрофдагиларга нисбатан хушмуомалалиги унинг касбий-маънавий онгини шакллантирувчи асос ҳисобланади. Аммо бу каби барча сифатларни ўзида мужассам этган ҳар қандай яхши киши ҳам ички ишлар идораларининг яхши ходими бўлиши қийин.

Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий онгининг кундалик-ҳиссий ва ақлий-назарий даражалари мавжуд. Ахлоқий онгнинг кундалик-ҳиссий даражасига ахлоқий туйғулар, ҳиссиётлар киради. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий ҳиссиёти, уларнинг ўзи ва бошқалар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатларни, муаммоларни маъқуллаш ёки қоралаш, уларга нисбатан ахлоқий мамнуният ёки ахлоқий норозилик изҳор қилишларига қараб ижобий ва салбий турларга бўлинади. Ички ишлар идоралари ходимларининг феъл-атворидаги самимият, раҳмдиллик, ҳамдардлик ижобий ахлоқий ҳиссиётлар турига кирса, уларга зид бўлган мунофиқлик, ҳасад, бахиллик, ичқоралик кабилар салбий ахлоқий ҳиссиётлар турига киради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахлоқий ҳиссиётлар бўлмаса, шахслар ўртасида чин маънодаги ахлоқий муносабатлар ҳам бўлмайди. Чунончи, ахлоқий ҳиссиётлар инсондаги ижтимоийликнинг ички кўриниши бўлиб, уларни янада тўлиқроқ шакллантириш ахлоқий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Назарий-ақлий даражадаги ахлоқий онг — норма, тамойил, қоида ва ғоялар шаклида бўлади. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи асосларидан бирини

ходимларнинг ахлоқий амалиёти ташкил қилади. Маълумки, ҳар бир амалий фаолият аниқ бир мақсадни кўзлаб, ўзига керакли воситалар, усуллар орқали амалга оширилади ва маълум натижаларга эришади. Шундай қилиб, мақсад, восита ва натижалар инсон ахлоқий фаолиятининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқи унинг ахлоқий ҳаёти, ахлоқий тажрибалари, ахлоқий фаолиятида намоён бўлади. Улар ахлоқий кодекслар, меъёрлар ва тамойилларга асосланади. Тилда қонун-қоидалар кўкларга кўтарилгани ҳолда, дилда ич-ичидан уларга қаршилиқ ҳукм сурса, расмий ахлоқий қонун-қоидалар билан ҳақиқий ахлоқий интилишлар ўртасида маънавий жарлик пайдо бўлади. Натижада жамият учун фожиа бўлган ахлоқий сўз билан ахлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги рўй беради.

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «ахлоқ инсонларни яхшилиқка чақирувчи, ёмонлиқдан қайтарувчи бир илмдир, яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладиган китобни ахлоқ дейдилар»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Ички ишлар идоралари ходимларига ҳам бошқа касб эгалари сингари педагогик маданият хосдир. Уларда педагогик маданият-ни шакллантириш ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас. Ички ишлар идоралари ходимларида касбий-педагогик маданият аста-секинлик билан, уларнинг бутун фаолияти давомида шаклланиб боради. Ички ишлар идоралари ходимларида айнан педагогик маданиятнинг шаклланишига сабаб, уларнинг вазифаси юртимизда тинчлик ва осойишта-ликни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъмин-лаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбия-лаш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир. Улар хизмат юзасидан асосан фуқаролар билан мулоқот қиладилар. Шундай экан, улардан албатта маданиятли бўлиш талаб этилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фао-лиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик,

худбинлик ва ўз касбини суиистеъмол қилиши сингари иллатларга йўл қўймаслик, шунингдек улар ахлоқий даражасининг юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида, кўп ҳол-ларда қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоида-лар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар шаклида бўлади. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўзлари эгаллаган касбий билим, қобилият ва кўникмалардан жиноят содир этиш ёки уни яширишда ҳам фойдаланишлари мумкин. Афсуски, Қасамёдга хиёнат қилиб, ўз касбий фаолияти тажрибасидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этган собиқ ички ишлар идо-раларининг ходимлари ҳали ҳам учраб туради. Ачинарлиси шундаки, ишлаб турган ходимлар ҳам ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда ахлоқ ва ҳуқуққа зид бўлган хатти-ҳаракатларни содир этадилар. Бундай жиноятларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, айниқса, жуда қийин кечади.

Муайян касб ахлоқий кодексларнинг мав-жудлиги ижтимоий тараққиётнинг, жамият-ни инсонийлаштиришнинг кўрсаткичидир. ИИВнинг ҳар бир ходими касб маданияти қоидаларига қатъий риоя қилиши, яъни Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида»ги буйруғи талабларига оғишмай риоя қилган ҳолда ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим. Ушбу қўлланмада: «Шахсий муносабат-лардан қатъи назар, ходимларнинг хизмат жараёнидаги ўзаро алоқалари Низом ва қўллан-маларда белгиланган қоидалар асосида бўлиши шарт. Ўз ҳамкасбларини камситиш, шахсий ишларига аралаштириш ва улар ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқатиш ман этилади», деб белгилаб қўйилган.

«Ҳадис»ларда «Сизлар одамларни мол-дунёларингиз билан мамнун қила олмай-сизлар, балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишингиз мумкин», «Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхши-лардир»<sup>2</sup>, дейилган. Шундай экан, халқнинг осойишталиги, тинчлиги, бахт-саодати йўлида

<sup>1</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б.160.

<sup>2</sup> Минг бир ҳадис. – Т., 1998. – Б. 142.

хизмат қилаётган ҳуқуқ посбонлари ўзларининг яхши хулқлари билан халқ орасида обрў-эътибор топишлари мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга оширишда сув ва ҳаводек зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маданияти уларнинг хулқ-атвори, муомаласи, кийиниши, юриш-туриши, ахлоқ-одоби, ўзгаларни ҳурмат қилишларида намоён бўлади. Ходим қанчалик одобли бўлса, унинг ҳам, ички ишлар идораларининг ҳам обрўси шунчалик юқори бўлади.

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида инсонпарварлик, қонунийлик, адолат, жамоатчилик асосида ахлоқий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари адолатни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан талаб этаркан, фақат қонунга асосланиши керак. Қонунийлик ва адолатнинг бирлигини таъкидлаган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарор қонуний ва адолатли бўлиши керак, фақат адолатли қарор қонуний бўлиши мумкин. Қонунни четлаб ўтиш, уни сохталаштириб талқин этиш ахлоқсизликдир. Бу нафақат ҳуқуқий нормаларга, балки ички ишлар идоралари ходимлари касб маданиятига зиддир, қонунни била туриб бузишнинг ўзигина эмас, билими етишмаслиги, ички интизомнинг йўқлиги ва ҳурматсизлик натижасида қонунни четлаб ўтиш ҳам ахлоқсизликдир.

Президент Ислон Каримов «Адолат — қонун устуворлигида» номли маърузасида таъкидлаганидек, «ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда. Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукамалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари

ҳисобига ўзларининг ғаразли, тамагирлик мақсадларига эришишга уринади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилган. Демак, ички ишлар идоралари ходими жамият олдида ҳалол ва пок хизмати билан бурчли ва ҳар томонлама масъулдир. У қатъий ахлоқий талаблар асосида фаолият юритиши, жамият ва инсон қадрини улуғлаши, уни барча ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талаблар қуйидагилардир:

– инсонга энг олий қадрият деб қараш, халқаро ва давлат ҳуқуқий нормалари ва умуминсоний ахлоқ принципларига мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходими сифатида ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини, жамият ва давлат олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиш;

– ижтимоий адолат, фуқаролик бурчи, касбий ва ахлоқий бурч принципларига қатъий амал қилган ҳолда, қонунда белгиланган ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиш;

– қарор қабул қилишда принципааллик, жасурлик, жиноятчиликка қарши курашда муросасизлик, қатъиятлилиқ ва холислиқ;

– хизматда ва турмушда шахсий хулқ-атворнинг софлиги, ҳалоллик, касбий шаъни ҳақида қайғуриш;

– онгли интизом, ташаббускорлик, профессионал бирдамлик, ўзаро ёрдам, довураклик, мураккаб вазиятларда хатти-ҳаракатларга ахлоқий-руҳий тайёргарлик, қалтис вазиятларда тўғри хулоса чиқариш;

– касб этикаси ва этикет соҳаларида билими ва касбий малакасини такомиллаштириб бориш;

– умумий маданиятни ошириш, интеллектуал савиясини кенгайтириш, хизмат фаолиятида зарур бўлган халқаро ва миллий тажрибани ўзлаштириш.

Демак, юксак ахлоқий маданият соҳиби бўлган ходим халқ билан ҳамнафас, унинг дилига ошно, дардига малҳам бўлади.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Адолат – қонун устуворлигида // Халқ сўзи. – 2001. – 31 авг.

Е.Ю. Агзамова\*,  
Ё.А. Фарфиев\*\*

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Республикада юз бераётган демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар шароитида ички ишлар идораларида хизмат ўташга қўйилаётган талаблар ортиб бормоқда. Ходимдаги юксак ахлоқий барқарорлик ва профессионализм (касбий маҳорат), фуқаролар билан самарали мулоқот қилиш кўникмалари, касбий фидойилик ҳамда мураккаб ва фавқулодда шароитларда ҳаракат қилишга руҳан тайёрликнинг муҳимлиги таъкидланмоқда.

Шу сабабли ички ишлар идоралари шахсий таркибини касбий-психологик жиҳатдан танлаш, улар орасидаги хизмат интизоми ва қонунийликни ўрганиш (мониторинг қилиш) ва мустаҳкамлаш, мураббийлик институтининг фаолиятини мақбуллаштириш муаммолари долзарб тус олмоқда, тегишли норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва инструментал-методик таъминлашни талаб этмоқда.

Ички ишлар идораларида хизмат қилиш хусусиятлари тегишли мотивларга эга бўлиши, ҳуқуқий онги ва ахлоқий-руҳий тайёргарлиги юксак фуқароларни танлаб олиш имкониятини белгилаб беради. С. Г. Беспалаянинг фикрича, ички ишлар идоралари бўлинмаларидаги хизмат хусусиятларини эътиборга олганда, бундай хислатлар, албатта, юксак даражадаги асабий-руҳий барқарорлик, руҳий ва жисмоний меҳнат қобилияти ҳамда жиноятчилар муҳитига қарши курашда муваффақиятни ҳам, фавқулодда вазиятларда омон қолишни ҳам таъминловчи қатор шахсий хислатлар билан уйғун бўлиши шарт.

Ходимлар шахсига қўйиладиган мазкур талаблар бугун ички ишлар идоралари

тизимда ишловчи мутахассислар (юристарлар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар) олдида турган муаммо, яъни ички ишлар идоралари ходимлари орасида делинквент хулқ муаммосининг долзарблагани билан боғлиқ.

«Делинквент» термини лотинча бўлиб, қонунга хилоф, жиноий деган маъноларни англатади. Делинквент хулқ – қонундан оғувчи, ғайриқонуний, жиноий хатти-ҳаракат тури<sup>1</sup>. Бу хизматдошлари ва яқинларига нисбатан жанжалли, тажовузкор хатти-ҳаракатларда; спиртли ичимликлар, наркотик моддалар, кучли таъсир этувчи тиббий воситаларни суиистеъмол қилиш, кашандаликда; таваккалли хатти-ҳаракат услуби: транспорт воситаларини ҳайдаш, айниқса маст ҳолда бошқаришда; ғайриижтимоий хулқ, ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноий қилмишлар содир этишда; ўзини ўлдиришга уринишларда намоён бўлиши мумкин.

Адабиётларда баъзан делинквент хулқ деструктив ҳамда девиант хулқ сифатида таърифланади. Девиант хулқ – ушбу муҳитда қабул қилинган қоидалардан оғувчи хулқ<sup>2</sup>. Инсоннинг девиант хулқини жамиятда қабул қилинган қоидаларга зид келувчи ҳамда мувоzanатлашмаган руҳий жараёнлар, ҳолатга мослашолмаслик, ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилиши ёки ўз хулқини ахлоқий ва эстетик назорат қилишдан оғиш кўринишидаги хатти-ҳаракатлар тизими ёки алоҳида ҳаракат сифатида таърифлаш мумкин<sup>3</sup>. Бу таърифларни қўлланилаётган атамаларнинг маъносини тушуниш учун келтирдик ва идрок этиш қулай бўлиши учун бундай хатти-ҳаракатни девиант хулқ деб атаймиз.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси психология ва касб этикаси кафедрасининг доценти в.б., психология фанлари номзоди.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси психология ва касб этикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Большая психологическая энциклопедия. – М., 2007. – С. 129.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.127

<sup>3</sup> Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. – М., 2001. – С.10.

---

Ички ишлар идоралари ходимлари девиант хулқининг бундай кўринишлари (улар, ўз навбатида, интизом ва қонунийликнинг бузилишига, шунингдек жиддий ҳуқуқбузарликларга олиб келади), нафақат умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги нуқсонларни кўрсатиб бериши мумкин, балки атрофдагиларда кескин акс таъсир уйғотувчи, жамоатчилик назарида ички ишлар идораларининг обрўсини тўқувчи ва зудлик билан ҳал этишни талаб қилувчи энг муросасиз ва қораланадиган тоифага киради.

Л.И.Миронованинг фикрича, ички ишлар идоралари ходимлари девиант хулқининг кўринишларини юзага келтирадиган омилларнинг катта гуруҳи кадрларни касбий танлаш даражасининг пастлиги билан боғлиқ ташкилий-бошқарув хусусиятига эга камчиликлар билан белгиланади. Бу танлов номзодларнинг асосий ижтимоий-демографик ва индивидуал-характер хусусиятларини кўрсатмайдиган, кадрлар сиёсатидаги таниш-билишчилик, ёш ходимларнинг ички ишлар идораларида хизмат қилиш шароитлари ва янги жамоага касбий мослашиши муаммосига эътиборсизлик, кадрларни жой-жойига қўйиш ва бошқаришдаги камчиликлар, қўл остидаги ходимлар билан яқка тартибда тарбиявий ишлар ўтказишдаги мавжуд нуқсонлар билан боғлиқ.

Девиант хулқни амалга оширишга хизмат фаолиятининг ўзига хос шароитлари билан боғлиқ ижтимоий-психологик омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Булар: бажариладиган вазифанинг қийинлиги, мураккаб меҳнат даражаси; таваккалчилик омилларининг мавжудлиги, касбий вазиятларнинг жанжалли хусусияти, ҳокимият ва мажбурлаш ваколатларининг катталиги, жиноятчилар вакиллари билан доимий алоқада бўлиш кабилардир.

Ходимлар орасидаги девиант хулқ кўришлари уларнинг ўзидаги психологик хислат ва камчиликлар билан боғлиқ. Уларнинг энг муҳими қуйидагилар: ҳуқуқий онг даражасининг пастлиги; маънавий-ахлоқий хислатлар-

нинг етарли ривожланмаганлиги; касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги; мослаша олмаслик ҳолати, шахсда ғайриижтимоий ҳуқуқ кўринишлари келиб чиқишига имкон берувчи жиҳатларнинг мавжудлиги.

Девиант хулқ ҳақида сўз юритганда, юқорида айтганимиздек, аввало ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва қиморбозлик кабиларни тушунамиз. Психологияга оид адабиётларда бундай мураккаб ҳодисалар ҳақида сўз юритганда инсон руҳий ноқулайлик ҳолатини енгилда фойдаланадиган стимуляторни билдирувчи «аддикция» атамасидан фойдаланилади<sup>1</sup>. Аддиктив хулқ ёки тобелик – жамиятнинг ҳозирги энг долзарб муаммоларидан ҳисобланган ижтимоий, биологик ва психологик сабабларга эга бўлиши мумкин. Психотерпевтларнинг бу соҳадаги тажрибаси кўпинча тобе хулқ манбаини шахсдаги мураккаб бузилишлар ташкил этишини кўрсатмоқда. Ҳал қилинмаган ички муаммо қаноатлантирилмаган эҳтиёжларнинг «ўринбосарлари»дан фойдаланишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам тобеликнинг турли шакллари – ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик, қиморбозлик кабиларда умумий ҳосил бўлиш механизми мавжуд. Шу боис бундай тобелик компенсатор хулқ ёки шахснинг ноадекват ҳимоя шакли деб ҳам аталади<sup>2</sup>.

**Аддиктив хулқ** деганда, ўз руҳий ҳолатини ўзгартириш орқали реал воқеликдан қочиш тушунилади. Бундай ўзгартиришга айрим моддаларни қабул қилиш ёки диққатни муайян нарсалар ёки фаолият турларига доимий равишда қаратиш орқали эришилади. Бу эса интенсив (жадал) ҳис-туйғуларнинг ривожланиши билан кечади. Руҳий ҳолатни ўзгартирувчи моддани истеъмол қилиш жараёни, нарсага боғлиқ бўлиб қолиш ёки фаолликда иштирок этиш шунчалар катта миқёсга эга бўладигани, инсоннинг ҳаётини бошқара бошлайди, уни ожиз қилиб қўяди, аддикцияга қарши кураш истаги (иродаси)дан маҳрум этади<sup>3</sup>. Деярли барча тобеликлар асосида шахснинг ички зиддиятлари ёки шахс

---

<sup>1</sup> Большая психологическая энциклопедия. – М., 2007. – С.15.

<sup>2</sup> Каменская А.И., Радченко А.Ф. Современная психотерапия и лечение зависимостей // Методы современной психотерапии: Учебное пособие. – М., 2001.

<sup>3</sup> Короленко Ц.П., Донских А.П. Семь путей к катастрофе. Деструктивное поведение в современном мире. – Новосибирск, 1990.

воқелиқдан қочмай туриб бошқара олмайди-ган зиддиятлар ётади<sup>1</sup>. Шу боис тобелик шахс-даги бузилишдир.

Тобелик руҳий ва жисмоний турларга бўлинади.

Руҳий тобеликка психофаол (психикага кучли таъсир этувчи) моддаларни истеъмол қилиш истаги ёки енгиб бўлмас хумор эгаллаб олиши, кутилаётган самарага эришиш учун унинг дозасини ошириб бориш хос бўлиб, бундай моддани қабул қилмаслик руҳий ноқу-лайлик ва ваҳима ҳисларини келтириб чи-қаради.

Жисмоний тобелик истеъмол қилинаётган модда идораизм нормал фаолият кўрсатиши учун доимий равишда зарур бўлиб қоладиган ва ҳаётини таъминлаш схемасига кириб қоладиган ҳолат сифатида намоён бўлади. Бу моддадан маҳрум этиш олиб қўйиш синдро-мини (абстинент синдром)ни юзага келтиради. У соматик, неврологик ва руҳий бузилишларда намоён бўлади. Бу ахборот фақат психологик ёрдам билан натижага эришиб бўлмаслиги ва энг камида бу ишга турли мутахассислар қўшилиши кераклиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Аддиктив хулқ билан бир қаторда ходим-ларнинг **тажовузкор хулқи** ҳам мураккаб бузғунчи кўринишдир. Тажовузкорлик жисмоний ва руҳий ноқулайликка жавоб, стресслар ва фрустрацияларга жавоб шакли бўлиши мумкин. У нафақат тўғридан-тўғри ҳужум, балки таҳдид, ҳужум қилиш истаги, душманлик кабиларни ҳам қамраб олиши мумкин. Тажовузкорлик ҳолати ташқаридан ёрқин (масалан, кўполликда, жисмоний куч ишлатиш ёки бу билан кўрқитишда) намоён бўлиши ҳам, яширин адоват ва ғазаб шаклида нисбатан «яширин» бўлиши ҳам мумкин.

Адабиётларда тажовузкор хулқни тавсиф-лашда унинг қуйидаги турларини ажратиш қабул қилинган: объектга қаратилганлиги бўйича: гетеротажовузкорлик (бошқаларга) ва аутотажовузкорлик (ўзига қаратилганлик: ўзини йўқ қилиш ва ҳатто ўлдириш, ўзини бузувчи хулқ, психосоматик касалликлар); ифодаланиш сабаблари бўйича: реактив (низо вазиятига жавоб реакцияси сифатида) ҳамда

спонтан (аниқ бир сабабсиз, ички импульслар таъсирида); очиқ намоён бўлиши бўйича: бевосита (тажовузкор реакция келтириб чиқарган объектга бевосита) ҳамда билвосита (масалан, яқинларга); намоён бўлиш шакли бўйича: вербал (сўзларда), экспрессив (новер-бал: имо-ишоралар, интонация ва бошқалар) ҳамда жисмоний.

Тажовузкор хулққа тайёрлик шахснинг барқарор жиҳати – тажовузкорлик деб баҳола-нади. Тажовузкорлик ва аутотажовузкорлик-нинг айрим кўринишлари шахсда ривожла-наётган патопсихологик ўзгаришларнинг аломатлари бўлиши мумкин (қўзғалувчан психопатия, паранойя, тутқаноқ ва бошқалар).

Хулқнинг тури ҳақида сўз борар экан, бир нарса аниқ – тажовузкор хулқ ҳар қандай кўринишда шахсга жиддий зиён етказади.

Аутотажовузкорлик кўринишларидан бири **суицидал хулқдир**.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти-нинг маълумотларига кўра, ўзини ўлдириш ўлим сабаблари орасида юрак-томир, онколо-гик касалликлар ва шикастланиш (травма-тизм)дан кейинги тўртинчи ўринни эгаллайди.

М. И. Марьяна, В. Ю. Рибникова ва бошқа-ларнинг фикрича, суицидал хулқ ўзини ҳаёт-дан маҳрум қилиш ҳақидаги тасаввурлар (хаёллар) билан белгиланадиган ва йўналти-риладиган ҳар қандай ички ёки ташқи руҳий ҳаракатлар шакли сифатида таърифланади. Суицидал хулқ иккита асосий шаклда, яъни ташқи ва ички шаклларда намоён бўлади. Ички шаклларига суицидал фикрлар (тасаввурлар, кечинмалар); суицидал тамойиллар (ниятлар, мақсадлар) киради. Ташқи шаклларига – суицидал кўринишлар: суицидал суиқасдлар (уринишлар) киради. «Суицидал таваккалчи-лик» (хавф) – яна бир тушунча бўлиб, шахснинг ўзини ўлдириш имкониятига тайёрлиги сифатида намоён бўлади ҳамда шахсдаги суицидал ва аксилсуицидал омиллар нисбати сифатида баҳоланиши мумкин.

Ходимларнинг ўзини ўлдиришга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳар хил. Бироқ бу масалага бағишланган адабиёт-ларни таҳлил қилиш асосида уларнинг асосий қисми хизмат қийинчиликлари ёки хизматдаги

<sup>1</sup> Завьялов В. Ю. Психологические аспекты формирования алкогольной зависимости. – Новосибирск, 1988.



кўнгилисизликлар, содир этган жинояти учун жавобгарликдан кўрқиш, хизмат шароитларига қийин мослашиш, жамоадаги ноқулай ижтимоий-руҳий муҳит, ходимлар ўртасидаги жанжаллар (жумладан хизматдошларининг хўрлаши), жамоада ижтимоий мавқеини йўқотиш, жамоадан ажралиб қолиш, бўлинмалар ҳаётида қонунийликка ва ижтимоий адолатга риоя этмаслик, оиладаги кўнгилисизликлар (низо, ажралиш, рашк, жавобсиз севги), тиббий хизмат сифатининг юқори даражада эмаслиги (аниқланмаган руҳий касалликлар) ва бошқалардир.

Бундан ташқари, қуйидаги шахсий жиҳатлар ҳам мавжуд: ўзини ўзи етарли назорат қилмаслик, ижтимоий мослашувчанлик (конформлик)нинг йўқлиги, ўзига ишончининг йўқлиги, нозиктаблик, ўз имкониятларини нотўғри баҳолаш, психологик ҳимоя компенсатор механизмларининг етарли эмаслиги, муросасизлик, шахслараро муносабатлар соҳасида низоларни тўғри қабул қилишга қодир эмаслик. Булар ҳам хатар омилларидир.

Девиант хулқнинг барча турлари бўйича профилактик тадбирларга келсак, бу ишни комплекс тарзда, яъни умумий ва махсус тадбирларни биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай ишнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) ходимларнинг кундалик хизмати, турмуши ва бўш вақтини аниқ ташкил қилиш;

2) барча тоифадаги шахсий таркибнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган бўлишини таъминлаш;

3) талабгорлар, уларнинг атрофидагилар ва алоқаларининг психограммалари, профессиограммаларини яратиш, турмуш тарзини тезкор текшириш орқали номзодларни касбга танлаш шакл ва усулларини такомиллаштириш;

4) хизмат жамоаларидаги ижтимоий-руҳий муҳитни мақбуллаштириш ва ходимларнинг маънавий-руҳий аҳволини яхшилаш (хизмат жамоаларини ижтимоий-руҳий жиҳатдан ўрганиш, уларни жипслаштиришга қаратилган ишларни амалга ошириш; низоли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш, ижтимоий-психологик мослаша олмаслик юзага келишига ва натижада бузғунчи хулқ ривожланишига олиб келувчи ижтимоий-психологик сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

5) қуйидагиларни назарда тутувчи психогигиена ва психопрофилактикани ташкил қилиш:

а) асаб-руҳий саломатлигининг ҳолати бўйича хизматга яроқсиз шахсларни ички ишлар идораларига қабул қилмаслик;

б) асаб-руҳий беқарорлиги бор шахсларни ҳамда ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатида ёки пресуицидал даврда бўлган ходимларнинг бузғунчи тамойиллари ва ҳаракатларини эрта аниқлаш;

в) ходимлардан уларнинг руҳий соғлиғи ва феъл-атворидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

г) жисмоний ва психологик юкларни режали тақсимлаш;

д) шахсий таркиб ҳаддан ортиқ руҳий зўриқшининг олдини олиш;

е) ходимларнинг шахс сифатида ривожланиш, ўз малакасини ошириш истагини рағбатлантириш ва ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда турли стресс вазиятларга чидамлилигини шакллантириш;

ж) хизмат фаолиятига адекват мотивацияни шакллантириш;

з) коммуникатив билимдонликни ривожлантириш;

и) касбий бузилишнинг олдини олиш.

Девиант хулқ профилактик тадбирларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бўлинма психологи ва бевосита раҳбарининг ҳамкорлик даражасига боғлиқ. Бу кўп жиҳатдан жамоадаги муҳитни белгилаб беради.

Ходим кўп вақтини ишда ўтказгани сабабли хизмат жамоаси аъзоларига жиддий таъсир кўрсатади, шу боис қулай ижтимоий-руҳий муҳит яратиш жуда муҳим.

Қулай (етук, соғлом) ижтимоий-руҳий муҳит белгиларига қуйидагилар киради:

– иш куни мобайнида ишбилармонлик, ижодий кайфиятнинг устунлик қилиши;

– гуруҳий жипслик ва ўртоқлик ҳисси;

– ходимларнинг юқори даражадаги касбий тайёргарлиги;

– раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги яхши муносабат;

– иш ҳажми ва юктамаларининг жамоадаги ҳар бир ходимга тенг тақсимланиши;

– низоли вазиятларни ўз вақтида ва холисона ҳал қилиш;

---

– жамоа аъзоларининг фаолиятини баҳолаш, шунингдек мукофотларни тақсимлашда, моддий ва уй-жой муаммоларини ҳал қилишда одиллик ва ошкоралик;

– жамоа аъзоларининг ушбу бўлинмадан ҳатто юқори лавозимга кетишни истамаслиги;

– хизмат ва тарбия билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун норасмий етакчилик имкониятларидан фойдаланиш;

– амалий танқид ва ўз-ўзини танқид;

– қабул қилинаётган энг муҳим қарорлар вариантларини жамоа бўлиб муҳокама қилиш;

– шеригини алмаштиришга, унга ёрдам беришга бажонидил рози бўлиш.

Ноқулай (хом) ижтимоий-психологик муҳит белгилари:

– ишга кўп ҳолларда кечикиш ва иш жойида узоқ вақт бўлмаслик;

– раҳбарларнинг кўрсатмаларини «бошқа жойларда» муҳокама қилиш;

– иш вақтида чекишнинг чўзилиб кетиши;

– раҳбарият қарорлари ва буйруқларининг ноаниқ бажарилиши;

– меҳнат шароитини яширинча танқид қилиш;

– иш вақтини беҳуда ўтказиш;

– иш вақтидан кейин ишлашдан бўйин товлаш;

– ходимлар ўртасида тез-тез низо чиқиши ва жамоанинг низони бартараф этишдан четда туриши;

– тез-тез бўладиган интизом бузилишлари;

– кадрлар қўнимсизлиги, бошқа бўлинмалардаги тенг аҳамиятли лавозимларга тез-тез ўтиш;

– хизматга оид ва ижтимоий масалаларни муҳокама қилишда сусткашлик қилиш;

– танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ички ишлар идораларидаги психологнинг иши хатти-ҳаракатлардаги ноадекват стереотипларни тузатишга, руҳий тўсиқларни енгишда ва ходимларнинг касбий жиҳатдан мослашувида ёрдам беришга қаратилмоғи керак.

Мураббийлик принципларидан моҳирона фойдаланиш, хизмат фаолияти шароитларини мақбул тарзда ташкил қилиш ҳамда жамоаларни бирлаштирувчи анъаналарни

---

қўллаб-қувватлаш ҳам салбий ҳодисаларнинг олдини олувчи муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Психопрофилактика хусусиятига эга бўлган чоралар якка тартибда маслаҳат бериш, ижтимоий психологик ва психокоррецион тренинглар ўтказиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Девиант хулқнинг олдини олишга қаратилган психологик иш турларидан бири – *якка тартибда психологик маслаҳат бериш*. Бундай маслаҳат жараёнида психолог қийинчиликларнинг табиатини англаш, шахсий хусусиятлар ва касбий фаолият билан боғлиқ психологик муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал этишда аниқ ёрдам бериши мумкин; шунингдек янги мақсадларнинг шаклланишида ва мустақил бир қарорга келишида кўмаклашиши, дастлабки психологик текширув асосида ходимга унинг шахсий хусусиятлари ҳақида ахборот бериши мумкин.

Бундан ташқари, девиант хулқнинг олдини олишда ўзини бошқариш усуллари ва йўллари ўргатиш ишлари ҳам муҳимдир. Психологик профилактиканинг самарали усулларида бир *психокоррецион тренинг* бўлиб, бунда ўз муаммоларининг табиати ва шахс хулқини тузатиш ҳақидаги муайян психологик билимларни эгаллашга қаратилган гуруҳий иш усуллари қўлланилади. Бундан ташқари, бу ишда шахслараро ҳамкорлик ва рефлексив кўникмалар (масалан, ўз хулқини таҳлил қилиш қобилияти) шаклланади, вазиятга тезда мослашиш ва турли шароитларда тезкорлик ривожланади.

Шахснинг тажовузкорлик ва тажовузкор ҳаракатларни тийиб туриш устидан ўз назоратини шакллантиришида эса эмпатия, идентификация ва децентрализация каби психологик жараёнларнинг ривожланиши катта рол ўйнайди. Бошқа шахс ҳақида ноёб қадрият сифатидаги тасаввурнинг шаклланишига бошқа одамларни тушуниш ва улар билан ҳамдард бўлиш қобилияти асос бўлади.

Шахс ички ишлар идоралари хизматига муайян хатти-ҳаракат схемалари ва стереотипларига эга бўлган ва аллақачон шаклланган ҳолда келади.

---

<sup>1</sup> Папкин А. И. Совершенствование социально-психологического климата в подразделениях и службах ОВД: Методические рекомендации. – Домодедово, 1998.

---

Фрустрация вазиятларида айниқса ёрқин намоён бўладиган мазкур барқарор стереотиплар болалиқдан ота-она тарбияси таъсирида шаклланади. Афсуски, ходимнинг ишида бу ҳолатлар ҳар доим ҳам инобатга олинмайди. Шунга қарамай, улар психокоррекция ва тарбия ишларини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятларини, оиланинг тузилишини, айниқса шахснинг шаклланиши, ўзини ўзи баҳолаши, хулқ-атвори, бинобарин хизмат интизоми талаблари муносабатларига таъсир этувчи ушбу оила аъзоларининг хусусиятларини аниқлаш жуда муҳимдир.

Аддиктив хулққа келганда, В. Л. Кубишко ва А. И. Адаев бу тоифадаги шахслар билан ишлаш усулларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таклиф этганлар:

1. Аддиктив хулқ «хавф» гуруҳидаги ходимларни аниқлаш. Уларга қуйидаги тоифадаги ходимларни киритиш мумкин:

- оиласиз, ажрашганлар;
- ёмон маиший шароитда яшовчилар;
- аддиктив яқин қариндошларга эга бўлганлар;
- невротик шахслар, шикастлангандан кейин стресс бузилишларга, вақтинчалик ёки такрорланувчи руҳий бузилишларга эга шахслар;
- муайян касбий ва ижтимоий мотивациялари бўлмаган шахслар;
- яқин қариндошлари, дўстларини йўқотиш билан боғлиқ стрессни бошидан кечирганлар;
- «муҳолиф» ходимлар (яъни бўйсунмаслик, низолабларга мойил бўлганлар, «кичик» норасмий гуруҳлар етакчилари) ва баъзи бошқа ходимлар.

2. «Хавф» гуруҳидан бўлган ходимларнинг ичкиликбозлик анъаналарини ўрганиш.

3. Спиртли ичимликка «мураккаб ва стресс вазиятларида зўриқишни бартараф этиш воситаси» сифатидаги муносабатни ўзгартиришга қаратилган доимий психопрофилактик ишлар.

Хизматга номзодларни танлашни таъминлаш мақсадида аддиктив хулқни психологик ташхислаш масаласига келганда, танлов, жумладан касбий-психологик танлов, албатта, ўтказилиши лозим. Бироқ у аддиктив хулқ юзага келиши ва ривожланиши эҳтимоллигини ҳал қила олмайди. Бу шу билан боғлиқки, шахсга оид методикалар инсоннинг унда девиант хулқ белгилари, жумладан алкогольга ёки наркотикларга тобелик белгиларини ривожлантиришга шахсий мойиллик хусусидаги башоратларни аниқ қуриш имконини бермайди.

Девиант хулқ шаклланиши таҳлил қилиш унинг касбий фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитлари билан шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ўртасидаги таъсирини белгилаб беришидан далолат берди. Девиант хулқ психологик профилактикасининг етарли даражада эмаслиги, таъкидланганидек, ходимларнинг хизмат интизомини бузишларига олиб келиши мумкин. Бунинг сабаби, ички ишлар идоралари тизимида психологик хизматнинг эндигина шаклланаётганлиги, ички ишлар идоралари раҳбарларининг психологик-педагогик билимдонлик даражаси, шунингдек ички ишлар идоралари психологларининг консультатив ва коррекцион-профилактик фаолияти ҳали етарли эмаслигидир. Бу масалани мутахассис-психологларни касбий тайёрлаш тизимида эътибор қаратмай ва раҳбарларнинг психологик-педагогик билимдонлик даражасини оширмай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

И.Э. Мартыненко\*

## КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ДЕЯНИЙ ПРОТИВ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ (СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АСПЕКТ)

В соответствии со ст. 49 Конституции Республики Узбекистан граждане обязаны оберегать историческое, духовное и культурное наследие народа Узбекистана. Памятники культуры охраняются государством.

Рассмотрим, как вопросы уголовной ответственности регламентированы в государствах - участниках СНГ.

**Азербайджанская Республика.** Уголовная ответственность установлена в следующих статьях Уголовного кодекса.

1. За нарушения норм международного гуманитарного права во время вооруженных конфликтов по признаку нападения без военной необходимости на объекты, не являющиеся военной целью, ясно видимые и различаемые, в том числе особо охраняемые исторические объекты, объекты искусства (ст. 116 УК).

Непосредственный объект - совокупность общественных отношений, обеспечивающих соблюдение норм международного гуманитарного права. По конструкции объективной стороны состав данного преступления формально-материальный. Субъективная сторона - умышленная форма вины. Обязательный признак - состояние вооруженного конфликта.

2. За нарушение требований по использованию выражений фольклора, если в результате этих деяний причинен ущерб в значительном размере (ст. 165<sup>2</sup> УК). Под понятием «значительный ущерб» понимается сумма, составляющая более тысячи манатов.

Непосредственный объект - совокупность общественных отношений, возникающих при использовании выражений фольклора. Объективная сторона: действия, выражающиеся в нарушении порядка использования выражений фольклора, определенного Законом «О правовой охране выражений азербайджанского фольклора» от 16 мая 2003 г., действующего с изменениями от 17 мая 2011 г.

Объективная сторона данного преступле-

ния характеризуется также обязательным наличием ущерба в крупном размере, причинно-следственной связью между деянием и наступившим последствием.

3. За хищение предметов, имеющих особую ценность: хищение предметов или документов, имеющих особую историческую, научную, художественную или культурную ценность, независимо от способа хищения (ст. 183<sup>1</sup> УК).

Непосредственный объект - отношения в сфере собственности. Предмет преступления - предметы, документы, имеющие особую историческую, научную, художественную или культурную ценность.

Объективная сторона рассматриваемого преступления заключается в противоправном, корыстном, безвозмездном изъятии и обращении в свою пользу или пользу других лиц предметов или документов, имеющих особую историческую, научную, художественную или культурную ценность. Состав преступления по конструкции материальный. Преступление считается оконченным с момента фактического изъятия и обращения в свою пользу или пользу других лиц предметов, имеющих особую ценность.

4. За контрабанду культурных ценностей, а именно перемещение через таможенную границу Азербайджанской Республики предметов, представляющих культурную, историческую или археологическую ценность, в отношении которых установлены соответствующие правила перемещения через таможенную границу Азербайджанской Республики (ст. 206<sup>2</sup> УК).

Объективная сторона - незаконное перемещение через таможенную границу Азербайджанской Республики предметов, представляющих культурную, историческую или археологическую ценность одним из перечисленных в диспозиции ст. 206<sup>2</sup> УК способов: помимо или с сокрытием от

\* Заведующий кафедрой гражданского права и процесса Гродненского государственного университета им. Янки Купалы (Республика Беларусь), кандидат юридических наук, доцент.

таможенного контроля, либо с обманным использованием документов или средств таможенной идентификации, либо сопряжено с недекларированием или недостоверным декларированием.

5. За невозвращение на территорию Азербайджанской Республики предметов художественного, исторического и археологического достояния Азербайджанской Республики и зарубежных стран, вывезенных за ее пределы, если такое возвращение является обязательным в соответствии с законодательством Азербайджанской Республики (ст. 207 УК).

Объект преступления - общественные отношения в сфере охраны и использования памятников истории и культуры. Объективная сторона состоит в деянии в форме бездействия.

6. За умышленное уничтожение или повреждение памятников истории и культуры, взятых под охрану государства (ст. 246 УК).

Данное преступление посягает на отношения по охране культурного и исторического наследия Азербайджанской Республики. Предметом преступления, предусмотренного ст. 246 УК, являются памятники истории и культуры, взятые под охрану государства.

С объективной стороны данное преступление состоит в уничтожении или повреждении перечисленных в ст. 246 УК объектов.

Для квалификации содеянного по ст. 246 УК способ уничтожения или повреждения указанных памятников значения не имеет. Оно может быть произведено химическим, механическим и иным способом.

С субъективной стороны рассматриваемое преступление совершается с прямым умыслом: виновный осознает, что уничтожает или повреждает взятый под охрану государства памятник истории и культуры, предвидит возможность наступления его гибели либо серьезного повреждения и желает этого. Неосторожное совершение таких действий исключает ответственность по данной статье Уголовного кодекса.

**Республика Армения.** Действующее уголовное законодательство этого государства предусматривает следующие составы преступлений, посягающих на памятники истории и культуры и культурные ценности.

1. Преступление, предусмотренное ст. 180 УК (хищение предметов или документов, имеющих особую историческую, художественную или культурную ценность), представляет собой специальный состав хищения, совершаемый в

различных формах - кражи, разбоя, грабежа, мошенничества либо присвоения по отношению к предмету, подлежащему особой охране уголовно-правовыми средствами.

Исходя из конструкции данной уголовно-правовой нормы, можно сделать вывод, что в качестве видового объекта исследуемого преступления выступают отношения собственности. В результате совершения хищения культурных ценностей вред причиняется как отношениям собственности, так и отношениям нравственности. Однако вред, причиняемый в результате совершения указанного деяния отношениям собственности, более существен, чем ущерб, наносимый отношениям нравственности. Таким образом, исследуемое преступление необходимо рассматривать в первую очередь как имущественное посягательство<sup>1</sup>.

2. При контрабанде культурных ценностей видовым объектом выступает совокупность общественных отношений, регулирующих сферу экономической деятельности. Под контрабандой в ст. 215 УК понимается перемещение через таможенную границу Республики Армения культурных ценностей в крупном размере, совершенное одним из следующих способов: помимо таможенного контроля; с сокрытием от таможенного контроля; с обманным использованием таможенных и иных документов.

3. Уголовная ответственность по ст. 390 УК установлена за серьезные нарушения норм международного гуманитарного права во время вооруженных конфликтов, а именно: превращение в объекты нападения исторических памятников, произведений искусства, мест отправления культа, находящихся под особой защитой, отчетливо различимых, считающихся культурным и духовным наследием народов, причинение им большого ущерба, если они не находятся в непосредственной близости от военных объектов и если нет данных об использовании противником этих исторических памятников, произведений искусства, мест отправления культа, для содействия военным действиям.

Объектом данного преступления является установленный международно-правовыми нормами порядок обращения с объектами, пользующимися во время военных действий международной защитой, а также порядок использования средств и методов ведения военных действий. Обязательный признак -

<sup>1</sup> Туманян К.Р. Уголовно-правовая охрана культурных ценностей в Республике Армения // Охрана армянского культурного наследия в Республике Армения и за рубежом. - Ереван, 2009. - С. 28.

время совершения преступления: период вооруженного конфликта.

4. Уголовная ответственность, согласно ст. 397 УК, наступает за незаконное использование отличительных знаков, охраняемых международными договорами в случае использования во время вооруженных действий вопреки международным договорам охраняемых международным правом и международными договорами знаков, предусмотренных для культурных ценностей. Объектом данного преступления выступает установленный порядок пользования знаками, охраняемыми международными договорами. Объективную сторону данного преступления составляют конкретные действия, совершенные с целью маскировки военных объектов под культурные ценности. Состав данного преступления формальный: преступление признается оконченным с момента совершения указанных действий.

В **Республике Беларусь** уголовная ответственность установлена за совершение преступлений, предметом посягательств в которых выступают историко-культурные ценности Республики Беларусь (т.е. памятники), другие культурные ценности.

1. Статья 136 УК «Преступные нарушения норм международного гуманитарного права во время вооруженных конфликтов» предусматривает ответственность за:

- превращение в объект нападения либо уничтожение культурных ценностей, находящихся под защитой, при отсутствии военной необходимости, а равно хищение таких ценностей в крупных масштабах или совершение в отношении их актов вандализма (п. 8 ст. 136 УК);

